

***ДИЛЪАР ЎРИНЪОЕВА***

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ОЃЗАКИ  
ДОСТОНЛАРИ ТИЛИНИНГ  
ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАЃЛИЛИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДИЛБАР ЎРИНБОЕВА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ДОСТОНЛАРИ  
ТИЛИНИНГ  
ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

**(монография)**

**Самарқанд - 2009**

Д.Ўринбоева. **Ўзбек халқ оғзаки дostonлари тилининг лингвостатистик таҳлили.** Монография. - Самарқанд, СамДУ нашри, 2009. 136 бет.

**Масъул муҳаррир**

ЎзР Фанлар академияси  
Тил ва адабиёт институти  
бўлим мудирини, филология  
фанлари докторини, профессор  
**Э.А.БЕГМАТОВ**

**Тақризчилар**

Нукус давлат педагогика  
институти педагогика  
кафедрасининг мудирини,  
филология фанлари докторини,  
профессор **М.К.АЙИМБЕТОВ**  
Самарқанд давлат университети  
доценти, филология фанлари  
номзоди **А.БОБОНОРОВ**

*Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, 2009*

## КИРИШ

Кишилар ҳаёт ва жамиятни, турмуш тажрибаларини, табиат ва коинот ҳақидаги тушунчаларни сўз орқали тасвирлаш, баён этишни ўргандилар. Шундай қилиб, бадий сўз санъати, даставвал, халқ оғзаки ижоди шаклида юзага келди. Бироқ сўз дастлаб қандай яратилган бўлса, ҳамма вақт ҳам айнан ўша ҳолича сақланиб қолмади, балки ижодий қайта ишланди, жамият, янги даврнинг маълумотлари, янги дунёқараш билан бойиди, янги тарихий шароитга мослашди, кейинги даврда яратилган асарлар тилига, услубига таъсир этди. Шу билан бирга, қадимги оғзаки тил хусусиятларининг излари, унинг «архаик элементлари» кейинги даврда яратилган халқ оғзаки ижоди асарлари тилида ҳам сақланиб қолди. Хуллас, халқ бахшилари томонидан айтилган дostonлар тили сайқалланиб, янги давр, жамиятга мувофиқлашган, қайта ишланган.

Аждодлар тафаккурининг илк маҳсули бўлмиш халқ оғзаки ижоди манбалари қадимдан тил муаммоларини илмий мушоҳада қилишда таянч манба вазифасини ўтаган<sup>1</sup>. Шундай экан, ҳар бир адабий тилнинг ҳозирги ҳолатини тўғри белгилаш, унинг тараққиёт йўлини аниқлашда халқ оғзаки ижоди тилини пухта ўрганиш, адабий тилда халқ оғзаки ижоди тилининг ўрнини аниқроқ белгилаш ва унинг алоҳида лингвистик хусусиятларга эгаллигини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш, ҳозирги тил birlikлари билан чоғиштириб текшириш ўзбек тилшунослиги ва туркологиянинг муҳим масалаларидан биридир. Ҳозирги кунда ўзбек тилшунослигида фольклор тили масалалари билан шуғулланувчи етук олимлар гуруҳи мавжуд.

Марказий Осиё халқларининг оғзаки ижоди асарларининг тил хусусиятлари ҳақидаги дастлабки фикрлар XIX аср шарқшунос олимлар томонидан билдирилган<sup>2</sup>.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди халқнинг маънавий маданияти, урф-одати, касби, турмуши билан бевосита боғлиқдир. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш борасида XX асрнинг 30-40 йилларидан бошлаб сезиларли ишлар қилинди. Натижада халқ оғзаки ижоди

<sup>1</sup> Қошғарий М. Девони луғотит турк. Уч томлик. – Тошкент. I том, 1960; II том, 1961; III том, 1967.

<sup>2</sup> Радлов В.В. Образцы народной литературы северных тюркских племен. Т. I-VII/ -СПб, 1866-1886; Диваев А.А. Этнографические материалы // Сборник материалов для статистики Сыр-дарьинской области, т. IV-X. – Ташкент: 1895-1902; Потанин Г.Н. Казак-киргизские и алтайские предания легенды и сказки // Живая старина, вып. II-III. – СПб, 1916.

асарларининг тили ва услубига доир фикрлар билдирилди<sup>3</sup>. Фольклор асарларини нашрга тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди<sup>4</sup>.

XX асрнинг 60-йилларига келиб ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларини режа асосида ўрганишга киришдилар. 1964 йилдан бошлаб «Ўзбек халқ ижоди» номида кўп жилдлигининг нашр этилиши муҳим тарихий аҳамиятга моликдир<sup>5</sup>. Бундан ташқари, «Ўзбек халқ дostonлари» серияси нашр этилди<sup>6</sup>. Бу нашрларнинг аҳамиятли томони шундаки, уларнинг ҳар бир жилдида асарлар тилига доир изоҳлар берилган.

Ўзбек фольклорининг тарихий манбалари, чуқур илдизлари, бой ўтмишнинг этнографиясини аниқлаш борасидаги ишлар билан бир қаторда халқ оғзаки ижоди асарларининг поэтикаси, тили ва услубига доир ишлар ҳам яратилди. Жумладан, В.М.Жирмунский<sup>7</sup>, Х.Т.Зарифов<sup>8</sup>, А.К.Боровков<sup>9</sup>, И.С.Брагинский<sup>10</sup>, М.Н.Богданова<sup>11</sup>, Л.И.Климович<sup>12</sup>, Н.В.Кидайш-Покровская<sup>13</sup>, М.Саидов<sup>14</sup>, М.Муродов<sup>15</sup>, М.Абдурахимов<sup>16</sup>, У.Жуманазаров<sup>17</sup>, Т.Мирзаев<sup>18</sup>,

<sup>3</sup> Buzruk M. O'rta Osiya va o'zbek adabiyotiga umumiy qarash, birinchi qism. -Toshkent, 1930; Oktabirgacha bo'lgan o'zbek adabiyoti (folklor). -Toshkent: O'zdavnashr, 1935; O'zbek folklori. -Toshkent: O'zdavnashr, 1937.

<sup>4</sup> Fozil Yo'ldosh o'g'li. Malikai ayyor. -Toshkent, 1940; Fozil Yo'ldosh o'g'li. Balogardon. -Toshkent, 1941; Ergash Jumanbulbul o'g'li. Qunduz bilan Jallob. -Toshkent, 1941; Ergash Jumanbulbul o'g'li. Ravshan. -Toshkent, 1941; Fozil Yo'ldosh ўғли. Зулфизар ва Авазхон. -Тошкент, 1942; Эргаш Жуманбулбул ўғли. Хушкелди. -Тошкент, 1942; Эргаш Жуманбулбул ўғли. Далли -Тошкент, 1942.

<sup>5</sup> Ўзбек халқ ижоди. Кўп томлик: Нурали. -Тошкент, 1964; Гулихиромон. -Тошкент, 1965; Гўрўғлининг туғилиши. -Тошкент, 1967; Гулшанбоғ. -Тошкент, 1969; Гулнопари. -Тошкент, 1967 ва бошқалар.

<sup>6</sup> Булбул тароналари. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дoston ва термалари. Беш томлик. -Тошкент: Фан, 1972-1973; Эргаш Жуманбулбул ўғли. Икки жилдлик. -Тошкент, 1971-1972; Авазинг арази. -Тошкент: Фан, 1969; Гулшанбоғ. -Тошкент: Фан, 1966; Бўтакўз. -Тошкент: Фан, 1968; Шохдорхон. -Тошкент: Фан, 1968; Ҳасанхон. -Тошкент: Фан, 1967; Гулруҳлари. -Тошкент: Фан, 1967; Гулнопари. -Тошкент: Фан, 1965; Ҳасан Чопсон. -Тошкент: Фан, 1970; Хиламан. -Тошкент: Фан, 1970 ва бошқалар.

<sup>7</sup> Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. -М., 1947; Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. -Тошкент: Наука, 1974.

<sup>8</sup> Зарипов Х.Т. Лексикага эътибор бериш // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. -Тошкент: Фан, 1978. -133 б.

<sup>9</sup> Боровков А.К. Вопросы изучения тюркоязычного эпоса народов Средней Азии и Казахстана // Вопросы изучения эпоса народов СССР. -М., 1958.

<sup>10</sup> Брагинский И.С. О таджикском эпосе «Гуругли» и его художественных особенностях // Вопросы изучения эпоса народов СССР. - М., 1958.

<sup>11</sup> Богданова М.И. О некоторых художественных особенностях эпоса «Алпамыш» // Вопросы изучения эпоса народов СССР. -М., 1958.

<sup>12</sup> Климович Л.И. Заметки об эпическом творчестве народов Советского Востока // Вопросы изучения эпоса народов СССР. - М., 1958.

<sup>13</sup> Кидайш-Покровская Н.В. О дастане «Рустамхан» // Рустамхан. - М., 1972.

<sup>14</sup> Саидов М. Маликаи айёр. -Тошкент: Фан, 1964.

<sup>15</sup> Муродов М. Жанровые и идейно-художественные особенности дастанов «Гор-оглы»: Автореф. дис... док. фил. наук. -Ташкент, 1975. - с.76.

<sup>16</sup> Абдурахимов М.М. Фольклорная афористика и словарь. - Ташкент: Фан, 1989. - с.96.

<sup>17</sup> Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. - Тошкент: Фан, 1991. - 192 б.

<sup>18</sup> Мирзаев Т. «Алпамыш» дostonи, унинг версия ва вариантлари // «Алпамыш» - ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. -Тошкент: Фан, 1999. - 3-24 б.

М.Саримсоқов<sup>19</sup>, Ж.Қобилниёзов<sup>20</sup>ларнинг олиб борган монографик тадқиқотлари бунга далил бўла олади. Шу билан бирга ўзбек халқ оғзаки ижоди муаммоларига бағишлаб бир қанча илмий тўпламлар<sup>21</sup>, дарслик яратилди<sup>22</sup>. Ҳатто хорижий тилшуносликда ҳам ўзбек халқ оғзаки ижодиёти манбаларига қизиқиш уйғонди. Л.М.Пеньковский «Алпомиш» достонининг бадий жихатдан тўлақонли русча матнини яратишга эришди. Ушбу таржима асосида Ян Комаровский словак тилига таржима қилиб, 1972 йилда Братиславадаги «Млада лета» нашриёти томонидан нашр эттирди<sup>23</sup>.

Бонн университети профессори Карл Райхл «Алпомиш», «Равшан» достонларининг немисча таржимасини амалга оширди. 1984 йилда Карл Райхл Т.Мирзаевнинг «Алпомиш» достонига ёзган сўз бошини ҳам немис тилига ўгириб, Олмонияда чиқадиган «Туркий тиллар масалалари» номли тўпламда нашр эттирган. 1985 йилда Визбаденнинг «Отто Харрассовитц» нашриётида, Бонн университети «Осиё тадқиқотлари» тўпламида китоб шаклида тўлиқ нашрдан чиқарди<sup>24</sup>.

Ўзбек халқ достонлари тилининг лисоний хусусиятларини ўрганишга бағишланган дастлабки ишлар ўтган асрнинг 30-40 йилларида юзага келди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг тили ва услуби юзасидан диссертациялар ҳимоя қилинди.

Академик Ш.Шоабдурахмоновнинг номзодлик диссертацияси «Равшан» достонининг бадий тилига бағишланди<sup>25</sup>. Ушбу диссертация ўзбек тилшунослигида кам ўрганилган соҳа – ҳозирги ўзбек тилининг тасвирий воситалари хусусида фикр юритиб, муаллиф «Равшан» достонидан олинган кўплаб мисоллар асосида тасвирий воситаларни, тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этади.

Тилшунос Р.Расуловнинг тадқиқотида «Алпомиш» достонидаги сўзларнинг синтактик алоқаси хусусида фикр юритиб, синтактик алоқаларни иккига бўлади: предикатив ва нопредикатив. Тобе алоқанинг 4 тури – битишув, бошқарув, мослашув ва мувофиқлашув

<sup>19</sup>Саримсоқов Б. Достонларда психологик тасвирнинг характери ҳақида баъзи мулоҳазалар // Пўлкан шоир. - Тошкент, 1976.- 106-115 б.

<sup>20</sup> Қобилниёзов Ж. Ўзбек совет фольклорининг ривожланиш йўллари. -Тошкент: Фан, 1969, 321-336 б.

<sup>21</sup> Ўзбек халқ ижоди. Тадқиқотлар. -Тошкент: Фан, 1967; Эргаш шоир ва унинг достончилигидаги ўрни. Тадқиқотлар. 2-китоб, -Тошкент: Фан, 1971; Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб.- Тошкент: Фан, 1973; Ўзбек достончилигида бадий маҳорат. -Тошкент: Фан, 1969; Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида туган ўрни. – Тошкент: Фан, 1978.

<sup>22</sup> Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди.- Тошкент: Ўқитувчи, 1990.- 340 б.

<sup>23</sup> Нурмухаммедов М. «Алпомиш» - словак тилида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1973. № 2, - 77 б.

<sup>24</sup> Karl Rechl. Rawsan. Ein uzbekisches mundliches Epos. Otto Harrassow itr. Wiesbade, 1985.

<sup>25</sup> Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонининг бадий тили ҳақида: Номз.дис..автореф.- Тошкент, 1949.

алоқаси мисоллар асосида таҳлил қилиниб, от, олмош, ундов, тақлидий сўзлар, равиш билан бошқариладиган сўз бирикмалари тилга олинади<sup>26</sup>.

Ўзбек тилшунослигида халқ оғзаки ижоди асарлари лексик қатламини ўрганишга ҳам катта аҳамият бериб келинди. С.Турсуновнинг тадқиқоти «Алпомиш» достони лексикасининг функционал-стилистик хусусиятлари, умумистеъмол ва диалектал лексика, профессионализмларнинг дostonлар матнида қўлланиш хусусияти масалалари тадқиқ қилинади<sup>27</sup>.

А.Раҳимов диссертациясида ўзбек халқ дostonлари лексикасини Эргаш Жуманбулбул ўғли ижоди мисолида ёритишга ҳаракат қилади<sup>28</sup>. Диссертацияда дostonлар лексикасини қадимги туркий, эски ўзбек тили лексикаси билан қиёсий ва улар лексик-тематик ва тарихий-этимологик таҳлил қилинади.

З.Холманова<sup>29</sup>нинг диссертациясида Пўлкан шоир дostonлари лексикасининг бирликлари ўз қатлам ва ўзлашган қатлам, мавзуий гуруҳлар, шакл ва мазмун муносабатига кўра, яъни полисемантик, синонимик, антонимик, омонимик нуктаи назардан таҳлил қилинган.

Ж.Холмуродова<sup>30</sup> тадқиқотида Шимолий Хоразм дostonлари тилида қўлланган лексик бирликларнинг номинатив-тасвирий, бадий-услубий функцияси, уларнинг дoston тили ва услубиятидаги ўрни ҳамда аҳамияти, дostonлар тилидаги айрим лисоний-худудий жиҳатлари ҳақида фикр юритади.

Тил бирликларининг вазифавий жиҳатдан хосланиши, тил бирликлари имкониятларининг намоён бўлиши лингвопоэтикада ўрганилади. С.Н.Йўлдошева<sup>31</sup>нинг «Алпомиш» достонида ифода тасвир воситалар – троп ва фигураларнинг қўлланиши, И.Т.Ёрматова<sup>32</sup>нинг «Ўғўғли» циклига кирувчи дostonлар тилида мавжуд бўлган фонетик, лексик, морфологик, семантик, синтактик поэтика, Ш.С.Маҳмадиев<sup>33</sup>нинг дostonлар тилида стилистик формулалар

<sup>26</sup> Расулов Р. Синтаксические связи между словами в дастане «Алпамыш»: Автореф.дис...канд.фил.наук.-Ташкент, 1975.

<sup>27</sup> Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: Автореф.дис...канд.фил.наук.-Ташкент, 1990.-с.19.

<sup>28</sup> Раҳимов А.С.Ўзбек халқ дostonлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили:Фил.фан. номз....дис.автореф.-Самарканд, 2002.- 27 б.

<sup>29</sup> Холманова З. «Шайбонийхон» достони лексикаси (Пўлкан шоир варианты асосида): Фил.фан.номз....дис.автореф. -Тошкент, 1999.

<sup>30</sup> Холмуродова Ж.И. Шимолий Хоразм дostonлари лексикасининг функционал-услубий хусусиятлари: Фил.фан.номз....дис. автореф. -Тошкент, 2000.

<sup>31</sup> Юлдашева С.Н. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпамыш»: Автореф. дис... канд. фил. наук. -Ташкент, 1984.

<sup>32</sup> Ёрматова И.Т. Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси поэтикаси: Автореф.дис...док.фил.наук. -Тошкент, 1994.

<sup>33</sup> Маҳмадиев Ш.С. Ўзбек халқ дostonлари тилида стилистик формулалар: Фил.фан. номз....дис.автореф.-Тошкент, 2007.



масалаларини ёритишга бағишланган тадқиқотлари ушбунинг далилидир.

А.Холиқов диссертациясида «Гўрўғлининг туғилиши» достони лексик қатламининг мавзуй гуруҳлари, генеологик қатламлари, дoston лексикасининг бадий услубий хусусиятларини тадқиқ этган<sup>34</sup>.

Ҳоди Зарифов «Фольклор асарларининг илмий ва бадий қиймати уларнинг луғати бойлиги билан белгиланади», - деган эди. Ўзбек халқ дostonлари тил тарихи, серқатламлилигини ва бўёқдорлигини ўзида мужассам этади. Луғатлар тилдаги ана шу луғавий қатламни аниқлаш имконини беради. Кейинги йилларда халқ дostonлари тилини ўрганишга ва луғатлар тузиш ишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Б.Ўринбоев ва К.Бозорбоевлар томонидан нашр этилган луғат ўзбек тилшунослигида яратилган фольклор асарлари фразеологик луғатининг илк намунаси дейиш мумкин<sup>35</sup>.

А.Туробов<sup>36</sup> дostonларнинг «гултожи» ҳисобланган «Алпомиш» дostonидаги шеваларга хос сўзларнинг фонетик, морфологик, лексик, фразеологик ва синтактик хусусиятлари ҳақидаги қарашлари ва фольклор тилига оид сўзларнинг, Б.Тўйчибоев<sup>37</sup> «Алпомиш ва халқ тили», Т.Мирзаев, Ж.Эшонқул, С.Фидокор<sup>38</sup>нинг «Алпомиш» дostonининг изоҳли луғати» номли асарларида фразеологизмлар ва кўплаб сўзларнинг изоҳлари берилган.

Ўзбек халқ дostonларидан - «Алпомиш», «Равшан», «Рустамхон», «Орзигул», «Ойсулув», «Якка Аҳмад», «Тўлғоной», «Хуршидой», «Ойчинор» каби 9 дostonларнинг сўзлиги тузилган<sup>39</sup>, уларда адабий тил таркибига кирмай қолган сўзларгина изоҳланган. Лекин бу луғат дostonлар тили ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди.

Б.Йўлдошев, Д.Ўринбоева томонидан нашр этирилган частотали изоҳли фразеологик луғат ўзбек халқ дostonлари («Алпомиш», «Равшан», «Рустам») матни асосида яратилган бўлиб, ундан мингга яқин фразеологизмлар, уларнинг вариантлари ва маънодошлари билан бирга халқ дostonлари матнида қўлланиш даражаси (частотаси) ва изоҳи келтирилган<sup>40</sup>.

<sup>34</sup> Холиқов А. «Гўрўғлининг туғилиши» достони тилининг лексик-семантик хусусиятлари: Фил.фан. номз... дис. автореф.-Тошкент, 2009.

<sup>35</sup> Ўринбоев Б., Бозорбоев К. «Алпомиш» достони фразеологизмларининг таъбири. –Самарқанд: СамДУ, 1998.- 41 б.

<sup>36</sup> Туробов А. «Алпомиш» дostonидаги шеваларга хос сўзларнинг изоҳли луғати. – Самарқанд: СамДУ, 2006.- 50б.

<sup>37</sup> Тўйчибоев Б. «Алпомиш» ва халқ тили. –Тошкент: Фан, 2001.- 158 б.

<sup>38</sup> Мирзаев Т., Эшонқул Ж., Фидокор С. «Алпомиш» дostonининг изоҳли луғати. – Тошкент: Elmus-Press-media, 2007. – 161 б.

<sup>39</sup> Ўринбоева Д. Ўзбек халқ дostonларининг қисқача изоҳли луғати. –Самарқанд, 2004.- 80 б.

<sup>40</sup> Йўлдошев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек халқ дostonларининг частотали изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 99 б.

Кўринадики, ўзбек тилшунослигида халқ дostonлари тилини ўрганиш бўйича қатор жиддий ишлар қилинган. Шунга қарамасдан, бу соҳанинг бир қатор долзарб муаммолари мустақиллик даврининг талаб ҳамда эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янада кенгроқ ва чуқурроқ таҳлилга муҳтождир.

Маълумки, ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари қадим аждодларимизнинг мифологик қарашларидан тортиб замондошларимизнинг бадий-эстетик анъаналаригача ўзида мужассамлаштирган бебаҳо маънавий қадриятлар тизими ҳисобланади. Шу боис «мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди<sup>41</sup>».

Истиқлол туфайли халқимиз маънавиятининг сарчашмаси ҳисобланган ўзбек халқ оғзаки ижодини тўплаб, нашр этиш, мафкуравий тазйиқ туфайли унутилаёзган жанрларга оид ноёб оғзаки ижод намуналарини ёзиб олиш, «Алпомиш», «Равшан», «Рустамхон», «Орзигул», «Ойсулув» сингари оламшумул дostonларни яратган зукко халқ бахшиларининг миллий эпик анъаналарини янада ривожлантириш, ўзбек фольклори асарларининг академик нашрларини тайёрлаб чоп этириш ва улар юзасидан жиддий назарий тадқиқотлар олиб бориш учун имкониятлар юзага келди. Шу боис ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг ўзига хос тил хусусиятларини ўрганиш бугунги ўзбек тилшунослигининг истиқболли йўналишларидан бири саналади. Шу нуқтаи назардан, бизнинг вазифамиз оғзаки ижод матнлари тилининг лингвостатистик белгиларини, норматив ва вазифадошлик хусусиятларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан кенг тадқиқ қилишдан иборат. Чунки умуммиллий адабий тилни бир катта дарахт деб билсак, унинг барча асосий шохлари (асосий услублар: бадий, сўзлашув, илмий, публицистик, расмий)ни статистик методда тўлиқ ўрганиб чиқишимиз лозим. Шу услубларнинг тил хусусиятларини чуқур ўрганганимиздагина ўзбек адабий тилининг бизга номаълум бўлган қирраларини ечишга имкон яратилади.

---

<sup>41</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998.- 524 б.

# I БОБ

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИДА УМУМИЙ КАТЕГОРИАЛ МАЪНОГА ЭГА БЎЛГАН СЎЗЛАРНИНГ ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАДҚИҚИ

### *1.1. Достонлар тилида мустақил сўзлар*

Умумий категориал маъно деганда сўзнинг маълум бир сўз туркумига мансублиги асосида белгиланадиган абстракт грамматик маъно тушунилади. Сўзнинг умумий хусусиятини унинг маъно, қурилиш, хилма-хил вазифаларни бажариш каби кўплаб белгилари ташкил қилади. Сўз мана шу хилма-хил қирраларни ўзида мужассамлаштирувчи зот сифатида тилда ва онгимизда яшайди. Масалан, дарахт, сув, уй, уйқу, тош сўзлари учун умумий бўлган предметлик маъноси; узун, қисқа, гўзал, аччиқ, нордон, яшил сўзлари учун умумий бўлган белги маъноси; бор, югур, кел, ўйна, ўрган, чиниқ сўзлари учун умумий бўлган ҳаракат маъноси категориал маъносидир.

Сўзга серқирра ҳодиса сифатида ёндашар эканмиз, сўзларнинг ҳар бир қиррасини нисбий мустақил деб тан олишимиз, улардаги умумийлик (ўхшатиш) ва хусусийликларни (фарқликларни) аниқлаш, уларни гуруҳларга ажратиш, бошқача айтганда, маълум таснифлашни амалга оширишимиз лозимдир<sup>42</sup>.

Категориал маънога эга бўлган сўзлар маъновий жиҳатдан қуйидагича гуруҳлаштирилади: 1. От сўзлар. 2. Сифат сўзлар. 3. Сон сўзлар. 4. Олмош сўзлар. 5. Феъл сўзлар. 6. Равиш сўзлар.

Сўзларнинг семантик қурилиши табиати, умумий ва хусусий маънолар ҳамда шу асосда таснифнинг ҳам умумийликдан хусусийликка бориши ёки хусусийликдан умумийлик томон кўтарилиш қонунияти ётади.

Биз қуйида мавзу талабидан келиб чиққан ҳолда категориал сўзларнинг халқ достонларида қўлланиш имкониятлари хусусида тўхталамиз. Таҳлил жараёнида категориал сўзларни тўлиқ эмас, бизнингча, адабий тилдан фарқли ҳисобланган муҳим хусусиятлари атрофида мулоҳаза юритишни лозим топдик ва шу асосда тегишли хулосаларга келдик.

---

<sup>42</sup> Мадраҳимов И.С. Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари: Номз.дис.автореф.-Тошкент, 1994.- 8 б.

## 1.2. От сўз туркуми

Борликдаги ҳар қандай мавжудот каби от сўзлар ҳам серкиррадир. Уларда моддийлик, қурилиш, тарихий-этимологик, махсуслик, маъно, шакл, қўлланиш, услубий бўёқ ва бошқа жиҳатлар бор.

Ўзбек халқ дostonлари тилида жинс (род) категорияси ҳам кўзга ташланади. Жинс категорияси биологик род ва грамматик род категорияларидан иборат. Улар ўзаро чамбарчас боғлиқ<sup>43</sup>. Жинс категорияси жонли предметларнинг жинсини англатувчи сўзлардир. Сўзларда «эркаклик» ва «аёллик» жинси турли воситалар билан ифодаланади.

1. Лексик-семантик воситалар орқали.

2. Морфологик воситалар орқали.

1. Лексик-семантик воситалар – булар жинс маъносини атовчи сўзлар орқали ясалади. Маъно хусусиятига кўра сўз таркибидаги маънолар қуйидагича бўлади:

1) Шахс маънолари: «эркак жинсига мансуб» маънолар **ота** (A.i=195<sup>44</sup>; P.i=24), **эр** (A.i=44; P.i=7), **ўғил** (A.i=38; P.i=70), **ога** (A.i=8; P.i=3), **ини** (A.i=12), **бова** (P.i=3), **алп** (A.i=100; P.i=2), **кўса** (A.i=1; P.i=43), **йигит** (A.i=12; P.i=27), **мард** (A.i=27; P.i=78) каби; “аёл жинсига мансуб” маънолар **она** (A.i=1; P.i=6), **хотин** (A.i=16; P.i=6), **жувон** (A.i=1; P.i=11), **қиз** (A.i=107; P.i=60), **амма** (A.i=4), **момо** (A.i=10; P.i=12), **эна** (A.i=64; P.i=211), **бувиш** (A.i=11; P.i=9), **ойим** (A.i=60; P.i=22), **бикач** (A.i=20).

Бу сўзлар ҳам ўз навбатида қуйидагича бўлинади:

а) қариндошлик атамалари асосидаги жинс билдирувчи сўзлар. «Оила–қариндошлик терминлари ўзларининг характерли хусусиятларига қараб, қариндошлик терминлари, никоҳ билан боғлиқ бўлган терминларга ажралади. Қондошлик тушунчалари **она** ҳамда **ота** томонидан қариндошликни ифодалайди»<sup>45</sup>: **ота, она, ўғил, қиз, эна, момо, бова, ога, амма, амаки, тога, хола** кабилар. Масалан: **Эна**, шу гап кўнглингга бўлса... (Алп.42). Э **ота**, мен сизнинг қулингиздирман (О.21). Келгин, **ука**, бир ваъдада турайик... (Алп.139). Гап эшитгин, **бобо**, айтган тилимдан (Алп.341).

<sup>43</sup> Бурунов Ж.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари киёсий грамматикаси.- Тошкент: Ўқитувчи, 1973.-140 б.; Бондарко А.В. Грамматическая категория и контекст. -Л. 1971.

<sup>44</sup> Сўз шакллариининг матндаги қўлланиш частотаси.

<sup>45</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. –Тошкент: Фан, 1972.- 58 б.; Нарзиева М. Қон-қариндошлик номларининг компонент таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986.-№5.- 68 б.

Никоҳ билан боғлиқ бўлган терминлар эса, у билан алоқадор бўлган умумий тушунчаларни ифодалайди: *эр, хотин, келин, куёв, қайним, почча, язна* кабилар. Шуни берсам, *язна*, кўнглинг тўлами? (Алп.262). *Қайнимсанда*, мен суяшиб тураин (Алп.263). Қултойкулга, *янгажон*, тегиб қўйма, ёр-ёр. (Алп.377).

Бу сўзлар орасидаги фарқ эса, белгининг меъёрдан икки поғона ёки бир поғона пастлиги, меъёрдалиги, меъёрдан бир поғона юқори эканлигидадир. *бова, мома, ога, опа* сўзларининг маъносини қуйидагича ажратиш мумкин: 1) “қариндош”, 2) “қон-қариндош”, 3) “бевосита” мен”дан катта<sup>46</sup>”. Бу маънолар ҳар тўрттала сўз учун умумийдир.

“I авлод” маъноси «*бова, мома*»ни «*ога, опа*»дан ажратади. «*ога*» ва «*опа*» сўзларига “мен” билан бир авлодга мансублик” маъноси хосдир. Демак: *бова*=қариндош, қон-қариндош, бевосита “мен”дан катта, “I авлод», эркак. *момма*=қариндош, қон-қариндош, бевосита “мен”дан катта, “I авлод», аёл.

*ога*=қариндош, қон-қариндош, бевосита “мен”дан катта, бир авлод, эркак.

*опа*=қариндош, қон-қариндош, бевосита “мен” дан катта, бир авлод, аёл.

«Эркак жинсига мансуб» *эр, куёв, почча, язна, қайин*; «аёл жинсига мансуб» *хотин, келин, янга, овсин* сўзлари учун «эркак // аёл», «мендан катта // кичик», «қариндош // бегона» маънолари хос. Бу сўзлар ўзбек тилида жумладан, дostonлар тилида ҳам қариндошларга ҳурмат юзасидан ва умуман, ёши улуғроқ нотаниш кишиларга ҳам қарата қўлланилади<sup>47</sup>.

б) мурожаат маъноси асосидаги жинс билдирувчи сўзлар: «эркак жинсига мансуб» *мард* (A.i=24; P.i=78), *тўра* (A.i=; P.i=30), *бек* (A.i=126; P.i=51), *валламат* (A.i=; P.i=25), *қиблагоҳ* (P.i=2), *султоним* (A.i=4;P.i=2), *бойбачча* (A.i=21; P.i=31), *бекбачча* (A.i=7; P.i=2), *тақсир* (P.i=1); «аёл жинсига мансуб» *мехрибон* (A.i=28; P.i=6), *бувиш* (A.i=4; P.i=9), *ойим, қирқин* (A.i=42; P.i=1), *бикач* (A.i=20), *бойбичча* (A.i=26; P.i=1), *муштипар* (A.i=33; P.i=1) каби сўзлар маъносида «аёл // эркак», «мендан катта // кичик», «кучли // кучсиз» каби маънолар мавжуд. Аммо “қариндош”, “қон-қариндош”, “бир авлод” маънолари йўқ. Чунки, қон-қариндошлик сўзлар

<sup>46</sup> Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1995.- 65 б.

<sup>47</sup> Ўринбоев Б.Ўша асар,71-бет; Ражабов Н. Қарноб шевазининг лексик хусусиятлари. Сам ДУ асарлари: Янги серия, 102-сон, 1960.- 60 б.

парадигмасига бу сўзлар шу белгилар асосида бирорта сўзга зид қўйилмайди. Қиёсланг: Ғам ема, *бегижон*, йўғинг топилар (Рус.440). Хабар бер, *бекбачча*, қайда борасан (Алп.102). Ҳой *алллар*, эртан чошкагачайин муҳлат берингизлар...(Алп.59). *Қиблагоҳим, валламатим*, кулоқ сол! (Рав.72). Арзим бор деди, *тақсир!* (О.37). Бу сўзларнинг маъно таркибини қуйидагича беришимиз мумкин: 1) “шахс”; 2) “эркак”; 3) “мен”дан катта”; 4) “достонлар тилига хос”;

Ёки: Насихат қилмабсан, эна, *муштипар!* (Алп.24). Юриб эдик гуллар териб, *бувишим*, (Рав.45). Берағойсанг, *ойим*, бизга не бўлар (Алп.54). Бўлак ишни қилма гумон, Дуода бўлгин, *меҳрибон* (Тўл.162). Қўл кўтариб дуо қилгин, *қирқинлар* (Алп.114). 1) “шахс”; 2) “аёл”; 3) “мен”дан катта”; 4) “достонлар тилига хос” каби маънолар *муштипар, бувиш, ойим, меҳрибон, қирқин* сўзлар таркибида мавжуд.

2) Киши исмларини билдирувчи атоқли отлар. “Эркак жинсига мансуб” атоқли отлар: *Ҳакимбек* (i=41), *Рустам* (i=179), *Равшан* (i=179), *Бойсар* (i=81), *Гўрўгли* (i=29), *Ҳасанбек* (i=211), *Қоражон* (i=289) ва бошқалар. “Аёл жинсига мансуб” атоқли отлар: *Барчин* (i=174), *Қалдирғоч* (i=39), *Зулхумор* (i=83), *Гуланор* (i=3) каби.

3) Ҳайвонот, парранда ва бошқа жонзотларнинг жинсини кўрсатувчи сўзлар: *бия* (А.i=4), *бедов* (А.i=37; Р.i=8), *дўнан* (А.i=1), *новвос* (А.i=1; Р.i=1), *лўкча* (А.i=1; Р.i=1), *нор* (А.i=3; Р.i=25)

“Эркакликка мансуб”

“Урғочиликка мансуб”

(нор) кийик

(мода)кийик

хўкиз

сигир

новвос

ғўнажин

хўроз

макиён

эркак ғоз

урғочи ғоз

кўчқор

совлиқ

айғир

бия

лўкча (ёш эркак туя)

урғочи туя

Мисоллар асосида таҳлил қилсак: Барчинойим *тўриқ тулпор бедов отига* минди (Алп.25) гапида «от» ҳайвоннинг жинс сўзи йўқ. Бунда бевосита ранг, тус, тур маънолари мавжуд. Бир *бия* бор эди (Рус.256) гапида эса «от» сўзи бевосита «урғочи от»ни ифодалаб келмоқда. Рустам пайдо бўлган куни бу ҳам бир *эркак қулун* тукқан эди (Рус.356) гапида «эркак қулун» сўзи орқали “эркаклик” маъноси ифодаланаяпти. «*Қулун*» сўзи эса, асосан “ёш” маъносини кўрсатади.

От сўзининг мазмуний гуруҳланиш маркази қуйидаги ички қурилишга эга (қаранг: 1- илова).

2. Морфологик воситалар орқали - бу йўл билан жинс маъноси махсус кўшимчалар ёрдамида ифодаланди. Кўшимчалар ё эркак исмига, ё аёл исмига кўшилади. Булар: **-хон, -ой, -бону, -поиша, -бой, -жон, -бек** кабилар. Масалан: Отам деб бобонгни айтма, Ёдгор**жон** (Алп.341). Бу сўзларни айтиб турган ҳақим**хон** (Алп.91). Тўрасан Равшан**жон**, Чамбил элингга (Рав.12). Кампир Равшан**хон**нинг қадди бастига қараб (Рав.22). “Ёрим - Зулхумор**жон**ни кўраман” деб (Рав.30). Мисоллар шуни кўрсатадики, дostonлар тилида ва халқ тилида **-жон, -хон** кўшимчалари ҳам аёллар номига, ҳам эркаклар номига кўшиб ишлатилади<sup>48</sup>.

Ўзбек тилида жинс категориясини фарқлаш анча қийин. Фақат айрим сўзлардагина жинс маъноси сезилади. Матнда эркаклар ва аёллар нутқини бир-биридан ажратиш масаласи умумий типологик масала ҳисобланади. Нутқ жараёнида эркак ва аёлликни ифодалашнинг юқорида санаб ўтилган белгилардан ташқари, бир қатор кўринишлари мавжуд. Масалан, аёллар нутқида айрим сўз, иборалар учраб, эркаклар нутқида улар қўлланмайди. Аёллар нутқида алла айтиш, қарғиш ва олқиш иборалар очиқ кўзга ташланади<sup>49</sup>.

Хуллас, дostonлар тилида жинс билдирувчи сўзлар қўлланилиб, улар услуб ранг-баранглиги учун хизмат қилган. Айрим сўзларнинг ҳозирги кунда қўлланмаслиги адабий тил ва дostonлар тили ўртасида алоқа анча узилиб қолганлигига ишорадир. Дostonлар тилини синчиклаб ўрганиш тилимиз, адабиётимиз, тарихимизни ўрганишга имкон яратади. Айни пайтда ҳозирги адабий тилимизни бойитади.

### *Келишик категорияси*

Бош келишик ноль кўрсаткичга эга бўлиб, ўзбек адабий тили учун ҳам, ўзбек халқ дostonлари тили учун ҳам умумийдир. Халқ тилининг фонетик қонунларига (сингармонизм ҳодисасига) мувофиқ, келишик кўшимчалари турли фонетик шаклларда талаффуз этилади ва айрим ҳолларда эса нутқ жараёнида баъзи келишик кўрсаткичлари тушиб қолади<sup>50</sup>.

<sup>48</sup> Ўринбоев Б. Ўша асар, 95-бет.

<sup>49</sup> Тухтаева Қ. Аёллар нутқида қўлланган ибораларнинг услубий имкониятлари ҳақида. Услубшунос ликнинг долзарб муаммолари, -Самарқанд, 1999.- 120 б.; Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. -Тошкент, 1990.-109-112 б.

<sup>50</sup> Ўзбек халқ шевалари морфологияси. -Тошкент:Фан, 1984.- 36-56 б.; Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. Тошкент: Фан, 1967. -144 б.; Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги, -Тошкент: Ўқитувчи, 1996.- 47 б.; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. -Тошкент: Фан, 1962.-141-150 б.; Тошкент области ўзбек шевалари.- Тошкент: Фан, 1976.- 32-34 б.

Қаратқич келишигининг асосий шакли **-нинг** (А.і=19; Р.і=9) бўлиб, мен, сен олмошларига кўшилганда **-инг** (А.і=11; Р.і=8), **-им** (А.і=14; Р.і=7) шакллариغا эга бўлади. Бойсарин**инг** қизини ўзи олади, // Биз**им** қалмоқларнинг иши бекорди (Алп.158). Ой каби оқ юзли ман**им** нигорим (Ойч.229). Биз**инг** эллар бунда абгор бўлибди (Алп.34). Офтобойни энаси кийинтиради, // Бужул**нинг** шахрига бирга қайтади (Рус.418). Илгаридан ғамимни емадим, бу ўзбак**нинг** отин**инг** бундай келарини билмадим (Алп.155). Мисолларни қиёслаб кўрсак, қаратқич келишиги кўрсаткичи Бужулнинг шахри, ўзбакнинг отининг бирикмаларидаги қаратқич келишиги ноўрин қўлланилиб, фикрга ғализлик киритган. Бужул шахри – ўша шахарнинг ўзи, Бужулнинг шахри – Бужул мамлакатининг бирорта шахри маъноларини англатади. Офтобой Бужул шахрида яшайди, унинг шахарларидан бирида эмас. Ўзбакнинг отининг бирикмаси эса, ўзбакнинг отини шаклида қўлланиши лозим эди.

Қаратқич келишиги дostonлар тилида белгисиз ҳолда ҳам қўлланади<sup>51</sup>: Тортиб олмоқ **ул қўли**дан келмайдими?! (Алп.47). Қай **чаман булбули**, кимнинг улсан (Алп.215). ул қўлидан // Ўғлининг қўлидан, чаман булбули // чаманнинг булбули. Маълумки, оғзаки нутқ қисқаликка интилади. 1-мисолда услуб талаби билан ижодкор қаратқич келишиги белгисиз қўллаган. Қаратқич келишиги олган сўз эгалик аффикси олган сўз билан боғланади. Натижада икки қаралмиш юзага келади. 2-мисолда шу ҳолат юз берган ва битта қаралмиш тушиб қолдирилади. Бундан ташқари, асарнинг вазни, унинг муסיқий оҳанги 1-мисолдаги қаратқич келишиги белгисиз келишини талаб этмоқда. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, белгили шакл орқали қўлланган сўз воқеа-ходисани таъкидлаб, ажратиб кўрсатиш ва таъсирчанликни ошириш, белгисиз шакли орқали ихчамликни, сиқикликни таъминлаган.

Шундай қилиб, қаратқич келишигида келган отлар белгиси ва белгисиз қўлланилади. Бундай вақтларда отларнинг қаратқич келишиги ёки тушум келишиги шаклида эканлиги қаралмишдаги эгалик қўшимчаси ёки шу от билан боғланиб келган феъл орқали аниқланади.

Тушум келишиги аффиксининг дostonларда бир қанча фонетик вариантларга эга бўлиб, **-ни** (А.і=16; Р.і=19), **-ди** (А.і=11; Р.і=9), **-ти** (А.і=15; Р.і=4), **-н** (А.і=13; Р.і=4), **-ин** (А.і=3; Р.і=9) кўрсаткичлари

<sup>51</sup> Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент, 1957.- 318 б.



ишлатилади<sup>52</sup>. Масалан: Отни силаб кўп парвариш қилади, // Тараққос қип от ўйнаб туради, // От сағриси**н** бул канизлар силади, // Бойчибор**ни** хўб абзаллаб бўлади (Алп.84). Келиб обод қилган кирдикоринг**ни**, // Йиғлатмагин эна, ғамхўрларинг**ди**, // Сен бориб оларсан излаб ёринг**ди**, // Келиб обод қилгин ўсган шахринг**ди** (Алп.85). Кам-кам ўзин тузатди, // Гардани**ни** узатди, // Қулочин қайчилатди, // Сувлиғ**ин** катирлатди (Рав.18). Устидаги валлама**ти**, // Кўнгли ойдин, беғубор**ди** (О.49).

Тушум келишиги ҳам белгили ва белгисиз ҳолатларда қўлланади. Масалан: Бу *сўздайтиб* Барчин сулув туради, // Жапсар ёпиб Чилбир чўлга қаради (Алп.116). *Бошимдолиб*, ака, бундан жўнайин (Алп.58). *Менопкелдинг* одамларга еткариб (Рус.428). Мисолларда сўзларнинг қўшилиб талаффуз қилиниши натижасида тушум келишиги қўшимчаси тушиши, қисқаруви юзага келган. Адабий меъёрдан чекиниш халқ оғзаки ижоди материалларида, шеваларда ва сўзлашув нутқида учрайди.

Жўналиш келишигининг кўрсаткичи адабий тил ва фольклорда – *га* (А.и=12; Р.и=11), *-ка* (А.и=7; Р.и=8), *-қа* (А.и=19; Р.и=10), *-за* (А.и=1; Р.и=1), *-на* (А.и=6; Р.и=8), *-а* (А.и=11; Р.и=9) шаклларида ишлатилади<sup>53</sup>. Масалан: Билмайман, хонга не бўпти, // Келар вақти кеч**ка** тортди (Алп.114). Чорсисин туёқ**қа** ёзиб солади (Алп.156). Жамолинг ўхшайди осмонда ой**га**, // қошинг**ни** ўхшатдим эгилган ёй**га** (Алп.103). Жами кўшинига: "Турон**га** ёвлаб борамиз, олти ой йўл юрамиз, озиқ-овқатини, ёв-яроғини ғамласин" – деб хабар юборди (Ой.9). Рози бўлиб мен ҳам тақдир ишина, // Одам бўлсанг, бери келгин қошима (Алп.91). Жўналиш келишигининг кўрсаткичи кишилиқ олмошларнинг I, II, III – шахс бирлик шаклларида эга бўлади. Улар бирга қўлланганда эса, *маган*, *саган*, *уган* шаклларида қўлланади<sup>54</sup> (қаранг: "Олмош" бўлимига).

Жўналиш келишиги вазифасини қаратқич келишиги қўшимчаси бажаради. Тилшуносликка оид адабиётларда жўналиш келишиги ва ўрин келишикларининг муносабати<sup>55</sup>, бири ўрнида иккинчисининг ишлатилиши<sup>56</sup> ҳақида фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Масалан:

<sup>52</sup> Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент, 1957.- 319 б.

<sup>53</sup> Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент, 1957.- 321 б.

<sup>54</sup> Исхаков Ф. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, II, Морфология, -Москва, 1957; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. -Тошкент: Фан, 1962.- 247 б.

<sup>55</sup> Кўнғуров Қ. Стилистика имени существительного в узбекском языке. -Ташкент, 1983.- с.65-66.

<sup>56</sup> Данияров Х. Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекском литературном языком.- с.190-191; Шоабдурахмонов Ш. Карлукское наречие узбекского языка. -Ташкент, с.85-86; Зияева И. Дателный падеж в узбекском языке: Автореф.дис...канд.фил.наук. -Самарканд, с.7.

Мен қартайдим, болам, **қайда** борасан, // Ёлғизсан-да, бориб нима қиласан (Алп.208). Қайда борасан // қаерга борасан.

Қисқарув ҳодисаси юз берганда айрим сўз бирикмалари яхлит сўз ҳолида талаффуз қилинаверади. Бундай пайтда келишик кўшимчалари ҳам қисқарувга учрайди. Масалан: **Ўртаголиб** ейик анинг гўшини, // Шуйтиб қилсак ўзбакларнинг ишини (Алп.139). **Боздочилган** гулғунчалар, // Гулга ярашган думчалар (Алп.134).

Ўрин-пайт келишигининг кўшимчаси **-да** (А.і=32;Р.і=29), **-та** (А.і=11;Р.і=9), **-а**(А.і=4;Р.і=2) шаклларида ишлатилган. Масалан: "От босмаганни той боссин", - деб юрган шўрли, қулунидан айрилиб, юраги тойрилиб, менинг доғима куйиб, сочини юлиб юргандир (Ой.17). Аввал қулоқ солгин айтган тиллара, // Сенга тақдир қилмас Барчин гуллара, // Чопа берсанг олтойчалик йўллара (Алп.123).

Биринчи мисрадаги **-а** жўналиш келишигини, иккинчи мисрадаги **- а** таъкид юкламаси, учинчи мисрадаги ўрин-пайт келишигини ифодалаган.

Услуб талаби билан жўналиш келишиги, ўрин келишиги ва юклама омонимия ҳосил қилади. Бунга, аввало, кўшимча бошидаги товушнинг тушиб қолиши сабаб бўлади, шеърнинг қофиясини сақлаб қолиш эса иккиламчи ҳодисадир.

Чиқиш келишигининг кўшимчаси **-дан** (А.і=31; Р.і=21), **-дин** (А.і=12; Р.і=9), **-тин** (А.і=14; Р.і=6), **-нан** (А.і=13; Р.і=7) шаклларида учрайди<sup>57</sup>. Масалан: Бойчибори ем емайми кўлингнан, // Вакиллари савол сўрар тилингнан (Алп.100). Аввал бормоқ керак хоннинг қошига, // Беш кунлик ишкорни хондан тилайик (О.23). Душман кўрса сира қолмас дармони, // Рустам сифат болам, қайдин бўласан? (Рус.378). Офтобойимнинг камоли, // Ойдин ғолибдир жамоли (Рус.419).

Матнда чиқиш келишигининг белгисиз ҳолати ҳам учрайди. Масалан: У кетган сўнг, мен сизни зиндондан чиқариб олсам, менга нима берасиз? (Ой.18). Сен кетган сўнг қонлар йиғлаб қолганман (Алп.302). Кетган сўнг// кетгандан сўнг. Бундай конструкциялар, асосан, [сўз+кўмакчи] қолипнинг ҳосиласидан ҳосил бўлади ва адабий меъёрга зиддир.

Чиқиш келишиги ва ўрин келишиги кўрсаткичлари алмаштириб қўлланган ҳоллари учрайди Масалан: Қирқин қизлар пайровинда бўлади, // **Иззатида** бекнинг кўнгли тўлади (Алп.136). Бу ўринда ўрин келишиги кўшимчаси ноўрин қўлланган ва натижада фикрда

<sup>57</sup> Ҳозирги замон ўзбек тили. –Тошкент, 1957. – 324 б.

норавонлик, ноаниқлик юзага келган. «Қизлар иззатидан бекнинг кўнгли тўлади» шаклида қўллаш лозим. Достон тилида шева унсурлари бадииятни тайин этувчи асосий омил бўлганлиги сабабли, келишикларнинг деярли барчаси алмаштириб, бири ўрнида бошқаси қўлланилади.

Достонлар тилида келишик қўшимчаларининг миқдор жиҳатдан кўп бўлиши уларда оҳангдошликни таъминлаш устиворлиги билан изоҳланади. Қўшимчаларнинг хилма-хил кўринишларга эга бўлишдан қатъий назар ўзбек халқ достонлари тилида ўзбек адабий тилидагидек олтита келишик мавжуд.

Умуман, келишикларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг бошқа воситалар билан синонимияси достонлар тилида экспрессивлик, таъсирчанликни таъминловчи восита сифатида стилистик нозикликларни ифодаловчи восита бўлиб хизмат қилган.

### *Эгалик категорияси*

Эгалик категориясининг кўрсаткичлари ўзбек халқ достонлари тилида адабий тилидаги шакллар сингари бир хил бўлса-да, стилистик жиҳатдан фарқланади. Эгалик аффикслари уч шахснинг бирлик ва кўплик шаклларига эга бўлишидан ташқари, ўзи бирикаётган сўзнинг турли кўринишларида қўлланиши мумкин: сўзнинг унли ва ундош билан тугалланиши, эгаликни олган сўз олдидан алоҳида қаратувчининг бўлишини талаб қилмайди.

Масалан: Баҳра тоғида Оқработда **энам** билан икки тозим қолиб эди (Рус.421). Рустам ов овлаб келади, **энаси** пишириб беради (Рус.395). **Энангиз** суратида бўлиб, сизга бир мастон келибди (Рус.432).

Матнда эгалик қўшимчалари билан ҳосил қилинган вокатив шакллар кенг ишлатилган. Эгалик қўшимчаси қўшилиб вокатив шакл ҳосил қилганда чақириш, мурожаат, ундаш маъносини билдиради ва матнда II шахсни кўрсатади<sup>58</sup>.

Масалан: **юлдузим, чирогим, кундузим, арслоним, болам, жоним, тўрам** каби. Бундай сўзлар эгалик қўшимчасисиз келса ўз дастлабки маъносида қўлланади. Эгалик қўшимчаси орқали эса сўзловчининг асосий мақсади ифодаланиб, нутқнинг эмоционал-

---

<sup>58</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. -Тошкент: Фан, 1972.- 32 б.; Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. -Тошкент: Фан, 1991.-114 б.

экспрессив қиммати оширилади<sup>59</sup>. Бундай пайтда эгалик маъносидан кўра мурожаат маъноси кучаяди: Ў, бувушим! (Ой.15). Э ёрим, севгилим, обод рўзгорим (Рав.65). ҳам ўғлим, ҳам қизим, бирдан-бир ёлғизим, сув тагидан чиққан қундузим – Сувон деган чўлпон юлдузим бордир (О.62). Қўлимдаги кўзичоғим, алла, Ўйнасам, суйғунчоғим, алла (О.68).

Мисолларда келтирилган *бувишим, ёрим, севгилим, обод рўзгорим, ўғлим, қизим, қундузим, юлдузим, кўзичоғим, суйғунчоғим* каби сўзлар [от+ЭК] қолипида ҳосил қилинган бўлиб, шундан *ўғлим, қизим* сўзларида эгалик маъноси мавжуд. Қолган сўзларда вокатив маъно ҳурмат, мурожаат каби маънолар воқеалашган. Масалан: *кўзичоқ* сўзи ўз маъносида қўлланганда "*мол*", "*жинси ноаниқ*", "*ёши кичик*" ифода маъноларда воқеалашади. Матнда эса, метафорик қўлланиб, "*болаларга мурожаат*", "*оғзаки услубга хослик*", "*кўтаринкилик*" каби маънолар билан белгиланади. Яъни кичиклик ёқимтойлик белгиларига асосланиб туриб бу ном инсонга кўчирилади ва нутқда самимийлик, таъсирчанлик, ифодалиликини таъминлаш учун хизмат қилади.

Эгалик категориясининг қаторига ёнма-ён келган *-и, -си*, ҳамда мавҳум эгалик қўшимчаси саналувчи *-ники* шакллари ўзбек адабий тилида ҳам, дostonлар тилида ҳам учрайди. Масалан: Ҳар қайсиси эди мисли айдахор, // Ўлиб кетди бунда шундай зўрабор (Алп.198).

*Қайсиси* сўзидаги биринчи *-си* ва *-и* ўзакка шу қадар сингиб кетганки, уларни фақат тарихий-этимологик жиҳатдангина кузатиш мумкин<sup>60</sup>. Чўпон отнинг кўнглидагисини билди (О.54). Мисолда эгалик қўшимчаси кетма-кет ишлатилиб, кучайтириш-таъкид маъносини ифодалаган. Умуман, *(-и)+(-си)* шаклининг қўлланиши, биринчидан, экспрессив-стилистик хусусият билан иккинчидан, лексикализация ҳодисаси билан боғлиқ бўлиб, улар маънони кучайтиришга хизмат қилади<sup>61</sup>.

От ва олмошларга қўшилиб, мавҳум эгалик маъносини *-ники* қўшимчаси ҳам ифодалайди. Масалан: Эгаси бўлса, мен бу жойда турмайман. // Душманники, дўстникими билмайман (О.21). Бул

<sup>59</sup> Кунгуров Р. Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. –Самарқанд: СамДУ, 1978.- 34 б.

<sup>60</sup> Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков.- Л, 1977.- с.74; Гулямов Я.Г. Из наблюдений над морфологией ташкентского говора. Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I, 1957.- 199-200 б.; Ўзбек халқ шевалари морфологияси. -Тошкент: Фан, 1984.- 26 б.

<sup>61</sup> Ўзбек халқ шевалари морфологияси.-Тошкент, 1984.- 26 б.; Назаров К. Эгалик аффиксларининг -иси формаси хақида. ТошДУ илмий асарлари. -Тошкент, 1962.- 39 б.; Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. - Тошкент, 1969.- 46 б.

ўзбекнинг оти кейин қолади, // Барчинойим фақирники бўлади (Алп.150).

Достонлар тилидаги эгалик кўшимчалари адабий тилдаги эгалик шаклларига яқин туради. Лекин нутқ жараёнида вужудга келган турлича функционал-стилистик вазиятлар эгалик кўшимчанинг ўзи бирикиб келаётган бирликлар семантик маъноси ва оттенкаларининг кенгайиб боришига сабаб бўлади.

### ***Кўплик категорияси***

Кўплик категорияси предметлар сонининг бирдан ортиқлигини билдиради. Ўзбек халқ достонлари тилида кўплик категорияси қуйидаги лексик-грамматик кўшимчалар воситалар асосида ифодаланади:

#### ***1. Кўплик категориясининг махсус кўшимчалар воситасида ифодаланиши.***

а) отларда кўплик шаклнинг ясалиши:

Кўплик *-лар* (А.і=876; Р.і=265) кўшимчаси билан ҳосил бўлади. *-лар* кўшимчаси от, олмош ва отлашган сўзларга кўшилади. Масалан: Не **гўзаллар** кўзин ёшлаб боради (Алп.164). ..ҳар **иморатлар, пештоқлар, меҳмонхоналар**, иморат устига бир **озода жойлар** бир-биридан тоза, борича солиниб қилинган андоза; ҳар бир **айвон-кайвонлар** фалакка юзланади (Рав.23). **Халойиқлар** кўкка боқиб қаради (Алп.164). Мисоллардаги **гўзаллар, иморатлар, пештоқлар, меҳмонхоналар, жойлар, айвон-кайвонлар, халойиқлар** каби турдош от сўзлар маълум боғли қуршовда сон жиҳатдан ҳам фарқланади. **Гўзал, иморат, пештоқ, меҳмонхона, жой, айвон-кайвон, халойиқ** сўзларига «умумий» маъноси хос, *-лар* кўшимчаси кўшилгандан сўнг «**бир неча**» маъноси воқеалашади. **Гўзаллар** сўзи да соф кўплик маъноси мавжуд эмас. **Гўзал** сифати отлашиб, «**бир неча гўзал қизлар**» маъноси, яъни «**кўплик+ўхшашлик**» маъноси ифодаланган. **Айвон-кайвон** каби жуфт сўзларда «**шу икки ўзакдан англашиладиган ва шунга ўхшаш, яъин бўлган бошқа предметлар**» деган маъно ифодаланади. *-лар* кўрсаткичини олмай туриб кўплик, яъни «**бир неча**» маъноси англашилади. Агар диққат билан эътибор берсак, сўзда лексик йўл билан ифодаланган кўплик эмас, жамлик маъноси ифодаланган. Бундай негизга *-лар* кўшилса, маънода «**умумлашиш**», «**кенгайиш**», «**кўплик+жамлик+бир неча**» маъноси бирлашади. **Халойиқ** сўзи «**кўплик**», «**умумий**»

маъноларини воқелаштирмоқда. – **лар** кўшилгандан сўнг боғли куршовда «**кўплик+ хар бири**» маъноси ифодаланган.

От ясовчи –**дош** (А.і=7; Р.і=3), –**зор** (А.і=2; Р.і=3) кўшимчалари ёрдамида кўплик ифодаланади: Одам борини билмай, ҳеч кимни кўрмай, кетаверди тинмай, мева**зор**лар оралаб бораверди (О.19). Ўлдирди бу чангал**зор**да чоптириб (Рус.444). Неча кунлар бўлдик бирга ҳам йўл**дош**, // Бир-биримиз билан бўлганмиз сир**дош**. (Рус.438).

б) феълларда кўплик шаклнинг ясалиши: Сон категориясини ифодаловчи –**лар** кўшимчаси иштирокида. Масалан: Равшанни дорнинг остига олиб борди**лар** (Рав.59). Зулхумор ойнинг теварагида беш юз сарбоз қоровул кўйиб, жуда эҳтиёт қилиб ётаберди**лар** (Рав.59).

Шахс-сон категориялари ифодаловчи –**миз**, –**сиз**, –**дилар** (ҳозирги замон шакли), –**к**, –**ингиз**, –**дилар** (ўтган замон шакли) кўшимчалари иштирокида: Сизлар кўнглингизга оғир олман**гиз** (Рус.438). Зулхуморни сенга бера**миз**, подшога куёв ўғил қила**миз**, десак (Рав.59). Яна сиздан тилай**миз**: қирқ кун муҳлат берсан**гиз**, шу болани зиндон қилсак.. (Рав.59).

Биргалик нисбат ифодаловчи –**ш**, –**иш** кўшимчаси иштирокида: Кун чиқиб чошка вақти бўлганди, // Кўп бир текис майдон чўлга ети**ш**ди, // Бари отларни чопмоқ бўлди бу дўстлар, // Биёбонни кўриб ҳавас қили**ш**ди (О.29).

Буларнинг орқасида уч юзча қизлар ўйна**шиб**, бир-бирови билан оли**шиб**, биров-бировининг бўйнига қўл соли**шиб**, бариси бирдай, ҳурдай бўлиб, ўйнаб кули**шиб**, бир-бирини мушк-анбар собунлар билан ури**шиб** ўтаберди (Рав.37).

Кўпликнинг ноль шакли асосида: Хазон бўлиб боғда гуллар сулибди (Алп.132). Майдон чўлда бирдай бўлиб, // Қирқ азаматлар жўнади (О.29). Қизлар дарёдай тўлиб қолди, нечовининг ичи куйиб қолди (Рав.49).

**2. Кўплик категориясининг махсус кўшимчаларсиз ифода этилиши.** Бунда кўплик категория от, сифат, феъл ва бошқа сўз туркумлари билан ифодаланади. Яъни кўплик маъноси сўз ўзагининг ўзида ифодаланади. Бу куйидагича: кўплик маъноси сўз ўзаги от сўзларидан бўлганда: Масалан: **халойиқ** (А.і=9; Р.і=4), **эл** (А.і= Р.і=), **лашкар** (А.і=28; Р.і=1), **жуфт**, **пода** (А.і=1; Р.і=1), **жала** (А.і=1), **фуқаро** (А.і=5; Р.і=1), **халқ** (А.і=7) каби.

**Сурукларим** қолди баланд дарада // Бориб келгунча қараб тулинг, садаға (О.18). Барча **халойиқ** йиғилиб // қатор бўп кўприқдан ўтди (Рус.419). Тозиларнинг кўзда ёши **сел** бўлар (Рус.428). Кўз ёши **жаладай** кетиб боради (Рус.429). Чувуллаб **фуқаро, халқи** келади (Алп.34). Бундай сўзлар шаклан бирлик шаклда бўлса ҳам, кўплик, жамлик маъносини ифодалайди.

Сифат сўзлари ёрдамида «кўплик, кенглик, мўллик» маънолари англашилади: **ададсиз** (А.і=6), **бепоён, сероб, беҳад** (А.і=4). **Ададсиз** молини ҳайдаб боради (Алп.31). **Беҳад** молни бу шаҳардан оламан (Алп.201). Даркори йўқ бизга **бепоён** элди (Рус.352). Гар очилган гулзор боғим, // Сувлидир **сероб** булоғим(О.33).

Кўплик категорияси олмошлар воситасида юзага чиқади: **биз**. Масалан: ҳам сени **бизларга** бериб, Орзижон, // Олиб кетди бу отангнинг ўғлини (О.11). **Бизнинг** шаҳримизни аждаҳор олган (Рус.398).

Белгилаш олмошлари билан: **ҳамма** (А.і=45;Р.і=5), **жами** (А.і=7; Р.і=6), **барча** (А.і=23; Р.і=1). Ғамгин бўлманг, сизникидир **ҳаммаси** (О.20). **Ҳамма** ҳам кўриқдан ўтиб, // Соп бўлди келган одамлар (Рус.419). **Барча** халойиқ йиғилиб, // қатор буп кўриқдан ўтди (Рус.419). Мана лайлак **жами** кушга сухангар бўлиб айтиб ўтирибди экан (Рус.395).

Сўроқ олмошлари билан: **неча** (А.і=220; Р.і=36), **қанча** (А.і=78; Р.і=19). Масалан: **Неча** кунлар элу халққа тўй бериб (Рус.420). Шундай қилиб, **неча** шаҳарни кўрди (Рус.438). Озгинамас, **қанча** сувсиз чўл юриб (Рус.442). **Қанча** сўким, қанча қўйни сўйдирди, // **Неча** ерда энди, учоқ уйдирди (Рус.444).

Кўплик категориясининг сон билан ҳосил қилиниши ҳам мавжуд. Масалан: У чашмазорда **ўн тўрт** чўпон қўй суғорарди (О.17). **Тўқсон** кундан бери сен ҳам келишгин (Алп.118). **Иккам тўқсон** кўрғонни мен сўрайман (О.24). Болам, менинг **олти** ўғлим бор эди, // **Олтови** бир олти аждаҳор эди, // **Олтоvidан** подшо ҳам кўрқар эди, // **Олтови** ҳам подшойи тождор эди (Рав.24).

Жуфт сонлар лексик кўплик маънони ифодалаш билан бирга «кўплик+чама-тахмин» маъносини ҳам юзага келтирган. Шундан қараса, **икки юзча** сатта бўз бола, катта ходанинг учига бир катта чопонни бойлаб, мойга ботириб, машъал қилиб ёқиб келаётипти (Рав.37). Барчинойга **уч-тўрт** оғиз сўзим бор (Алп.205). Э, эна, менинг бугун кечга қолганим, бир дўстим **учта-тўртта** меҳмони бор экан (Рав.37).

Кўплик категориясининг равиш билан ифодаланиши: *беҳисоб*, *кўп* (А.і=377; Р.і=67), *анча* (А.і=24; Р.і=3), *бисёр* каби сўзлар предметларнинг сон ёки миқдор жиҳатдан «*бир қанча*», «*катта*» эканлигини билдиради. Масалан: *Кўп* йил бўлди мен ўқидим хатимни, // Устозга *кўп* қилдим мен хизматимни (О.25). Шунда йўл юрса ҳам *мўл* юриб (Рус.439). Оғзинг тўлганича сол қалинингни, // *Бисёр* қилгин қариганда молингни (О.8).

Ўзбек тилидаги сўзларда редупликация кенг тарқалган бўлиб, асосан, лексик ярусга оид бўлади<sup>62</sup>. Бу ҳолат дostonлар тилида ҳам яққол кўзга ташланади. Редупликация, яъни такрорий ва жуфт сўзлар ёрдамида кўплик категорияси юзага келади. Кўплик маъноси жамликни билдирувчи такрорий сўзлар орқали шаклланади: *Кеча-кундуз* (А.і=24; Р.і=4), *катта-кичик* (А.і=27; Р.і=1), *бола-чақа* (А.і=2), *писта-руста* (А.і=1; Р.і=2), *бориб-бориб* (А.і=4; Р.і=1), *даста-даста* (А.і=6; Р.і=4). Масалан: Кўздан ёшим *кеча-кундуз* тизилди (Рус.424) (жуда кўп йиғлаш маъносида). *Катта-кичик* шунинг гапин гапирар (Алп.242) (*катта-кичик*-турли ёшдаги кўпчилик одам маъносида). *Бола-чақа* йиғлаб қолди, ўлдик, деб (Алп.34) (*бола-чақа* - оила аъзолари маъносида). *Писта-руста*, қандолатни ташлади (Алп.218) (*писта-руста*- писта билан бирга бошқа емишлар ҳам борлиги маъносида). *Бориб-бориб* бир замон жон энади (Рус.433) (*бориб-бориб* - вақт давомли, кўп ўтганлиги маъносида). Қоразулфин эшилгандир *тол-тол* (Рус.439) (*тол-тол* – соч ўрмининг жуда кўп эканлиги маъносида). Халқдан йиғилган *тўсат-тўсат*, *даста-даста* лашкар тарқаб кетган (Рус.356) (*тўсат-тўсат*, *даста-даста* – беҳисоб, жуда кўп лашкар маъносида).

Кўринадики, кўплик категорияси грамматик ва лексик кўплик ҳосил қилувчи воситалар ёрдамида ифодаланади. Улар нафақат кўплик, балки «*бир қанча*», «*кўплик+ўхшаш*», «*кўплик+жамлик*», «*кўплик+чама-тахмин*» каби маъноларни юзага чиқаради. Бу эса, кўплик категорияси услубий восита вазифасини бажариши, луғавий ва услубий имкониятларининг кенглигидан далолат беради.

<sup>62</sup> Бўронов Ж.Б. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1973.- 130 б.



### 1.3. Сифат сўз туркуми

Достонлар тилида сифат сўзлар ўзларининг маъно ва грамматик хусусиятлари ҳамда ясаилиши жиҳатдан, деярли, адабий тилдагидан фарқ қилмайди. Уларнинг қуйидаги семантик гуруҳлари мавжуд:

1. **Ҳолат билдирувчи сифат сўзлар.** Бундай сўзлар баъзи ишларда 10 гуруҳга бўлиб ўрганилса<sup>63</sup>, бошқасида 6 гуруҳга ажратиб ўрганилади<sup>64</sup>. Биз қуйида достонлар тилига кўп қўлланган сўзларни келтирамиз. Бу сўзлар предмет, ҳодиса, инсон ва ҳайвонга хос ҳолат ёки вазиятнинг белгисини ифодалайди:

а) табиий ҳолатнинг белгисини билдирувчи сифатлар. Ижобий ҳолат: **сулув** (А.и=19; Р.и=14), **барно** (Р.и=6), **чиройли** (А.и=1; Р.и=1), **яхши** (А.и=19; Р.и=14) каби. Ҳар қаердаги **яхши**, **сулув**, **барно** қизларнинг оти бор (Рав.48).

Салбий ҳолат: **кал** (А.и=1; Р.и=8), **майиб** (А.и=8; Р.и=1), **соқов** (А.и=1) каби. Ўлмаёт чиксам сендай **калнинг** бахтига (Алп.260). ...тилини алаҳаққа чўқиб, **соқовтоб** бўлиб қолган эди (Алп.370).

Баъзи сифатлар фақат ҳайвон ва предметларнинг белгиси учун ҳам қўлланади. Масалан: Урушда панд берар отнинг **майиби** (О.62). Ҳознинг бир оёғи синган, бир қаноти **майиб** бўлган, ўқ тегиб, ҳолати кетиб, шу ерга йиқилган (Алп.234).

б) жисмоний ва физик ҳолатларни ифодаловчи сифатлар: **бардам** (А.и=7), **пир** (А.и=4; Р.и=2) **ёш** (А.и=42; Р.и=29), **қари** (А.и=4; Р.и=5), **кўҳна** (А.и=7; Р.и=2) каби. қанча ёш барно канизлар ўртага олиб ўтирипти. (Рав.34) Равшанхон қараса, бир кўса: жуда **кўҳна** бўлиб кетган **пир** кўса, уч юздан ошган, тўрт юзга янашган жуда **қари** кўса, ё йилидан адашган, балки беш юзга кирган...(Рав.40). Мисолдаги **кўҳна** сўзи нинг ифода маъноси «қадимий, эски» сифатида англашилса, нутқда боғли қуршовда сўз маъноси жонсиз предметдан жонли предметга ўтказилган. Шу сўз орқали ижодкор кўсанинг жуда ҳам қарилгини бўрттириб кўрсатган.

в) руҳий ҳолатни ифодаловчи сифатлар: **мискин** (А.и=3; Р.и=1), **мунглуқ** (А.и=15), **гамгин** (А.и=4; Р.и=1), **майлис** (*маъюс*) (А.и=1) каби. Қайтай мен ҳам **бехуш** бўлиб ётаман (Алп.152). Эсига олса кўнгли **майлис** паришон (Алп.393). **Мунглуқ** синглинг сенга арз қип турибди, // Қалмоқларда чечам жабр кўрибди (Алп.74). Инсоннинг ҳаёт

<sup>63</sup> Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. -Тошкент: Фан, 1974.- 51-53 б.

<sup>64</sup> Пардаев З.Н. Ўзбек тилида сифатларнинг маъноантик-услубий хусусиятлари: Номз.дис.автореф.-Самарканд, 2004.-12-13 б.

қийинчиликларидан руҳий жиҳатдан жуда қийналганлиги, руҳий изтироблари, чорасизликдан боши қотиб қолган ҳолатини акс эттириш учун ижодкор *мунглуқ, мискин, маъюс (майлис)* каби сўзларни ўринли ишлатган.

г) кишининг ҳаётини ифодаловчи сифатлар: *бой* (A.i=20; P.i=2), *гадо* (A.i=3; P.i=1), *етим* (A.i=10; P.i=3), *бечора* (A.i=4; P.i=12). Бойсари *бой* эди, Бойбўри эса шой эди (Алп.14). Ростин десам, шу *сағир*нинг кулисан (Алп.365). Мендай *ғариб* қонлар йиғлаб қолмайми (Алп.152).

**2. Шакл – кўринишни билдирувчи сифатлар:** *кенг* (P.i=4), *тор* (P.i=6), *качкил* (P.i=1), *наст* (A.i=8; P.i=2), *ўрта* (A.i=2; P.i=4), *гўштдор* (P.i=2) каби. Оққиз шундай қиз эди: оти Оққиз, Зулхуморга нақ қиз, ўзи тўлган соғ қиз, ўрта бўйли чоғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқичи эмас соғ қиз, эри йўқ тоқ қиз, кўп калондимоғ қиз, ўйинга қулайроқ қиз, тўғри ишга булайроқ қиз, қора кўз, бодомқовоқ қиз, синли сиёҳ қиз, танаси тўш қўйган *кенг* қиз, урушқоқ эмас жўн қиз, эт кўтарган *гўштдор* қиз, *биқини тор* тўшдор қиз, *качкил* бет, *наст* бурун, *ўрта* бўйли, қизил чиройли, кенг манглайли, қулоғи *юққа*, ияги *сергўшт*, қоши кўпроқ бир-бирига туташ, кўзи қисикнома қиз, бойбичча монанд, оғир кўчган қиз эди (Рав.46). *Кенг, гўштдор, тор, качкил, наст, ўрта, юққа, сергўшт* сўзларнинг «сифат белги», «барқарор белги», «умумий баҳо», «шакл-кўриниш» маъноларида бирлашиб, инсон тасвирини, унинг қиёфасини чизиб беришда қўлланган. Улар ўзаро фарқловчи маънолар – *кенг-тор* «антоним белги», *кенг* – «меъёр ортиқ», *тор* – «меъёр кам», *сергўшт, гўштдор* «синоним белги», «меъёр тенг» каби ифода маъноларида воқелашган.

**3. Ҳажм-ўлчов, масофа билдирувчи сифатлар:** *узоқ* (A.i=28; P.i=6), *узун* (A.i=3; P.i=4), *калон* (A.i=1; P.i=1), *калта* (A.i=3; P.i=2), *яқин* (A.i=55; P.i=4), *чуқур* (A.i=6) каби. Йўлнинг *узогини* бергин илойим (Алп.270). *Олис* эди, мен *яқин*лаб қоламан (А.271). Равшанбек қараса, бир катта боғ: ўзи жуда калондимоғ, тўрт ёғининг девори *узун, калта* эмас – баравар чоппо-чоқ (Рав.19). *Яқин*микан, *узоқ*микан қўшқанот? // *Қисқа йироқ*лигин шунда билайлик (О.30). *Семизи* иркиллаб, оғири эчкидай диркиллаб юрган қизлар қутулмай, менга бир гап бўлдими? (Алп.266).

Юқорида келтирилган сифат гуруҳларининг деярли ҳаммаси кўчган маъноларда қўлланади. Бунда кўпроқ экспрессив-эмоционаллик муносабатлари ифодаланади. Масалан: Азоб тортди

*ширин* жоним бу танда (Алп.62). Баданингда *аччиқ* камчи чогади (Алп.242). Боғда бўлар тоза гулнинг лоласи, // Топиларми *ширин* жоннинг хиласи (Рав.49). *Ширин* (А.і=22; Р.і=11), *аччиқ* (А.і=16; Р.і=9) сўзларнинг маъноси таркиби «белги», «сифат белги», «барқарор белги», «умумий баҳо», «таъм билдирувчи белги», «меъёрда», «оддий» кабилар сифатида қайд этилади. Бинобарин, *ширин*, *аччиқ* сўзларининг бу маъноси тил бирлиги сифатидаги томон саналади. Нутқда бу мазмун минглаб маъноларда воқелашади. Мисолларда келтирилган *ширин*, *аччиқ* сўзлари боғлиқ қуршовда «белги», «сифат белги», «барқарор белги», «умумий баҳо», *ширин* «ижобий баҳо»; *аччиқ* «салбий баҳо», «холат билдирувчи белги», «китобий» каби ифода маъноларида ифодаланади.

4. *Ранг-тус билдирувчи сифатлар*: предметнинг белги хусусиятларидан бирини ифодалайди. Масалан: *қизил* (А.і=11; Р.і=14), *қора* (А.і=28; Р.і=18), *оқ* (А.і=22; Р.і=17), *кўк* (А.і=18), *яшил* (А.і=13; Р.і=1), *яшил-кўк* (А.і=6), *қирмизи* (А.і=15; Р.і=1), *ол* (А.і=4; Р.і=4), *гулгун* (А.і=10; Р.і=1) каби.

Табиатда рангларнинг чегараси йўқ. Луғат бойлигимизда ҳам ранг билдирувчи махсус сўзлар ранг, тусларининг ҳаммасини аниқ ифодалай олмайди. Шунинг учун тилда кўпинча бир ранг билдирувчи сўз бир неча рангни ифодалайди ва семантик қамрови кенгаяди. Уларнинг услубий имкониятлари, оккозионал маънолари фақат нутқ жараёнида юзага чиқади. Ушбу масалага бағишланган қатор ишлар ҳам яратилган<sup>65</sup>. Бинобарин, дostonлар тилида ранг билдирувчи сифатларнинг ҳам семантик сермаънолик хусусиятини кўрамыз. *Кўк* сўзи ни ўрганганимизда, у бошқа ранг билдирувчиларга нисбатан мавҳум тушунча эканлигини аниқладик. Чунки, матнда *кўк* сўзи аниқ бир тусни келтирмай, *яшил*, *зангори*, *ҳаво ранг* каби ранглар доирасида тасаввур қилинаверади. Бундан ташқари, нафақат предметнинг белгиси маъносида, балки атоқли отлар таркибида ҳам *кўк*, *қора*, *оқ* сўзи кенг қўлланган. Масалан: *Ғиркўк* (Р.і=35), *Кўкаман* (А.і=23), *Кўкқашқа* (А.і=2), *Кўкдўнон* (А.і=4), *Кўкқамиш* (А.і=10), *Қорахон* (Р.і=47), *Қоражон* (А.і=289), *Оққиз* (Р.і=25).

Матнда кўм-кўк сўзи нинг орттирма шакли *кўкмак* тарзида қўлланган. Масалан: Бошдан-оёғигача *кўкмак*, кўлидаги таёғигача

<sup>65</sup> Содиқова М.С. Слова, обозначающие цвет и окраску в узбекском языке: Автореф.дис.канд.фил. наук. - Ташкент, 1963; Пардаев З.Н. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Номз.дис.автореф.- Самарқанд, 2004.-11-14 б.

**кўкмак** (Рус.403). Кўринадики, бу мисолларда сифат сўзлар ўзбек тилининг шарқий шеваларидаги шаклларга асосан мос келади.

**Кўк** сўзи нинг маъносида **яшил**, **зок** ва уларнинг турли маъно оттенкалари уйғунлашган ҳолда қўлланади: Устима кийганим менинг **яшил-кўк**, // Ғарибликда бўлармикан кўнглим тўқ (Алп.66). Одамлар **кўкини** ташлаб, вақтини хушлаб, ўз ишида бўлсин, бозорини юргизсин, савдо-сотикни бошласин (Рус.418). Борса Бужул шаҳри шундай: деворини **зокка** буяган, ҳаммаси кийимини **кўкка** буяган (Рус.403).

Мисоллардаги **зок**, **яшил**, **кўк** сўзлари ранг маъносини сақлаган ҳолда, қўшимча «**мотам**, **ўлим**» маъноси юклатилган. Бу эса, **кўк**, **яшил** сўзларининг рамзий восита сифатида қўлланганини кўрсатади<sup>66</sup>. Адабий тилда **зок** – темир купороси, темир сульфат, сувда осон эрийдиган оч яшил кристаллик модда (ЎТИЛ, 1,308-б.); **кўк**-тиник осмон рангидаги; мовий, зангори (ЎТИЛ, 1,412-б.); **яшил**-сарик билан **кўк** ранг ўрталигидаги, барг ёки майса рангидаги; сабза ранг (ЎТИЛ, 2,490-б.) каби маъноларни билдириб «**белги**», «**сифат белги**», «**ранг билдирувчи белги**» аташ маъносида бирлашса-да, **яшил** «**меъёрдан ортиқ**», «**адабий услубга хосланган**», **кўк** «**меъёрдан кам**», «**бадий услубга хосланган**», **зок** «**меъёрдан ўрта**», «**достонлар тилига хосланган**» ифода маъноларида бири-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, **кўк** сўзи нинг қуйидаги маънолари мавжуд:

**а) «осмон» маъноси:** Давлатли хон шундай **кўкка** қаради, // Олчи-чикка бўлиб энди айланиб (Алп.81).

**б) «етти қат осмоннинг бир қавати» маъноси:** Осмонда арвоҳлар, **кўкда** малаклар, // Бир неча мазгил-жой сиздан сўрайман (Алп.90). Келтирилган мисрада кучли мифологизм мавжуддай кўринади. Чунки, тасаввуф илми ва ҳатто, ҳадисларда ҳам дунёнинг етти олами мавжудлиги ва уларнинг ҳар бирида ўзгача ҳаёт борлиги ҳақида фикр юритилади. Осмонимни энди булут босдими, // **Кўкдан** яшин кенг боғимга тушдими (Ойч.34).

**в) « қаттиқ зарб ёки бошқа сабаб таъсирида баданнинг кўкариши» маъноси:** Баданида **кўк** бўлмаган ери қолмади (О.43).

**г) «ёмон одам» маъноси:** кўрсин Алпомиш, кўнглим йўқ эди, // Яхшимасдир, кўрсин кўзи **кўк** эди (Алп.119).

---

<sup>66</sup> Қаранг: Тухлиев Б. «Қутадғу билик»да ранг рамзига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001.- № 3; Мустаев К.Т. Поэтика и числовых знаков-символов в узбекском и французском героическом эпосах: Автореф.дис...канд. фил.наук. -Самарқанд, 1994. -с.10-11.

Шунингдек, мисоллардан аниқ кўриниб турибдики, *кўк* сўзи нинг омонимик хусусияти ҳам матнда юзага чиқади.

*Кўк, яшил* сўзлари ёки *яшил-кўк* жуфт сўзи нинг «*хафагарчилик*», «*ўлим*», «*мотам*» маъносига *қизил* ранги қарши қўйилади ва унда «*ёшлик*», «*навқиронлик*» маънолари ифодаланади: Бекнинг оти пўлат сувлиқ чайнади, // *қизил* кийиб гулдай бўлиб жайнади (Рав.9).

Достонлар тилида *қизил* рангининг қуйидаги маънолари мавжуд:

а) «*хурсандчилик*» маъноси: Бошингга санчилган *қизил* гул бўлсин, // Мендай ойим жиловингга қул бўлсин (Я.Аҳм.223).

б) «*гўзаллик*» маъноси: Куймасин ҳеч кимнинг қулба хонаси, // ўртанмасин *қизил* гулдай танаси (Я.Аҳм.266).

в) «*ёр, ошуқа*» маъноси: Боғбон бўлмай, *қизил* гулни терасан, // Лолазор, бахрли ерда юрасан (Алп.253).

г) «*мавжудлик*», «*тириклик*» маъноси: *қизил* юзим ғарибликда сарғайиб, // ўлигим бўлмасин менинг бесоҳиб (Рус.427). Очилганда *қизил* ғунча сўлмасин, // Дунёда мард киши ҳеч бир ўлмасин (О.40).

д) «*мутлақо*», «*ўтакетган*», «*ғирт*» маъноси: Равшанбек шу ерда *қип-қизил* тентакка чиқиб қолди (Рав.37).

е) «*кўнгилни овловчи, алдовли сўз*<sup>67</sup>» маъноси: Калма келар менинг *қизил* тилимдан, // Пиёдаман ҳеч иш келмас кўлимдан (Алп.152). Бемаҳалда сўнган боғда гулим деб, // Сўйлайди оғзимда *қизил* тилим деб (Хур.203).

Юқорида қизилнинг ижобий маънолари келтирилган бўлса, унинг салбий маъно ташиш учун хизмат қилганини ҳам кўрамиз.

а) «*ёмон йўлга кирган одам – арокхўр, фохиша кабилар*» маъноси: қаёқдаги *қизилоёқ* ёмон одам катта бўлиб кетди (Рус.420). Шу бугун борувдим қизинг олдига, // ўн-ўн бешча *қизилоёқ* бор экан (Хур.180).

Матнда *қизил* сўзи *оёқ, бош* сўзлари билан бириккан ҳолда юқоридаги маънони ифодалайди ёки *қизилбош* сўзи «босқинчи эронликларга алоқадор<sup>68</sup>» халқ маъносини билдиради: Оҳ десам, тўкилар кўздан селдай ёш, // Булар ота, катта душман *қизилбош* (Я.Аҳм.250).

Қизиллик тушунчасини ифодалашда *гулгун, қирмизи, гулгун қирмизи, алвон, ол, кўчқил* сўзларидан ҳам фойдаланилган. Устингга

<sup>67</sup> Тўхлиев Б. Ўша асар, 35-бет.

<sup>68</sup> Ҳаққул И. Яна қора ранг талқини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001.-№ 3.-17 б.

кийганинг *гулгун қирмизи*, // Сўзимни англагин ўзбакнинг қизи (Алп. 118). Тошга тегиб тирноқлари тўкилиб, // Юрган изга *қўчқил* қонлар ёкилиб (Хур.187). Олтин коса, *гулгун* шароб, // Ичилди майдон ичинда (Рав.91). Ол-ол бўлсин, ол-ол бўлсин, *ол* бўлсин, // Кўнгли сўйса ёрнинг лаби бол бўлсин (Рав.40). *Қизил, гулгун, қирмизи, гулгун қирмизи, алвон, ол, қўчқил* сўзлари «ранг билдирувчи белги» маъносида бирлашса-да, *қизил, қирмизи* «меъёрдан ортиқ», «адабий», *ол, алвон* «меъёрдан паст», *гулгун, қўчқил* «меъёрдан ортиқ», «достонлар тилига хос» маънолари билан бир-бирларидан фарқланади.

Баъзан *алвон* сўзи «ранг» маъносини эмас, балки «турли, хилма-хил» маъносини билдириш учун хизмат қилган. Масалан: Куйган *алвон-алвон* сўзлар, Айрилган бир-бирин излар (Рав.35).

*Қора* сўзи *оқ* сўзи га антоним сифатида ишлатилган. Ичи *қора* ниятинг, // ўлсангда *оқ* бўлмайди (Тўл.79). *Қора* кўмир қорадир, // ўзинг *оқ* қил кўрайин (Тўл.79).

Матнда вазн талаби билан *қора* сўзи *қаро* шаклида қўлланилган ва *қора* сўзи куйидаги маъноларни ифодалаган:

а) «қарол, қул» маъноси: *Қора* бўлибди-ку, сенга хизматкор, // Бир нечалар ўз холидан беҳабар (Алп.350).

б) «узокдан кўринган шарпа, кўланка» маъноси: Кўринган *қора* ким бўлди? (А.89). У *қора* боғонағи келган ўн чопар эди (Алп.89).

в) «мўлжалга олинган ёки олинадиган нарса; нишон; мўлжал» маъноси: Ул *қора*га яқин етди (Алп.89). Бужулнинг *қорасин* кўриб эр Тоғай шаҳарга у замон яқинлаб етди (Рус.416).

г) «оғирчилик билан боғлиқ, машаққатли, азобли» маъноси: Бунда ётганингни йўлбарс билмасин, // Келиб, сенга *қора* кунлар солмасин (Рус.392). Нега сувгинасин ўзинг лойқадинг, // Нега кунгинасин *қора* айладинг (Хур.185).

д) «разил, кабиҳ, ёвуз» маъноси: *Қора* экан қилиғинг, бу қилиқни кўймадинг (Ойч.76). Армон билан билмаганин билдирди, // Ханжар чалиб *қора* бағрим тилдирди (Я.Аҳм.237).

е) «ўлим» маъноси: Муштипарим энамни, // *Қаро* ерга жойладинг?! (Ойч.76).

ё) «шўрли, бахтсиз» маъноси: Унга шикаст берган бахтим *қораси*, // Узок эди икковининг ораси (Я.Аҳм.258).

ж) «хеч нарса қолдирмай емоқ» маъноси: Майсаларни оёқ ости қилиб чигирткадай босиб, *қонқора* бўлиб, еб кетиб бораётир (Алп.33).

к) «байроқ» маъноси: Оқ, *қора*, яшил туғлар, тикилди майдон ичинда (Рав.90).

з) «фарзанд, жигаргўша» маъноси: Оқизма кўзингдан қонли жолангни, // Умри узун бўлсин кўзи *қорангни* (Рав.10).

к) «кетма-кет» маъноси: Тўққиз кампир *қорама-қора*, булар ҳам кетиб бораяпти (Алп.48). Ушбу факт ва далиллар *қора* сўзига алоҳида эътибор билан қараб ўрганишни тақозо этади. Бу ҳақда махсус мақолалар ҳам мавжуд<sup>69</sup>.

Хуллас, *қора* сўзининг дostonлар тилида услубий восита сифатида функционал имкониятлари беқиёс бўлиб, ижодкор ўз фикрини образли ифодалашда, таъсирчанликни оширишда қўллаган.

Ранг билдирувчи сўзларнинг кўчма маънолари контекстуал бўлганлигидан, уларнинг маъно хилма-хилликлари ва маъно қирралари, улар боғлиқ қуршовидаги сўзлар воситасидагина яққол англашилади. Бу эса, синонимик қаторлар ҳосил қилади, мавжуд маънодошлик уялари эса, маънодошлик компонентлари сони жиҳатдан ошишига сабаб бўлади. Маънодошликдан кенг фойдаланиш тилнинг поэтик тасвирда бойлик даражасини кўрсатса, бадий асарда ижодкорнинг улардан фойдалана олиш, яъни бахшининг поэтик маҳорати даражасини кўрсатади.

### *Ҳайвон тусларини ифодаловчи сифат сўзлар*

Ўрта Осиё халқлари, шунингдек, ўзбек халқи қадим-қадимлардан чорвачилик ва йилқичилик билан шуғулланиб келганлиги туфайли, уларнинг тилида чорвачилик, йилқичилик, от анжомларига оид сўз-атамалар каттагина ўринни эгаллайди. Дostonлардаги от боқиш, тарбиялаш, от эгарлаш эпизоди бахшиларимизнинг сўз қўллашда ўта ҳассос эканлигини кўрсатади. Матнда чорвачилик, йилқичиликка оид сўзлар билан бирга ҳайвонларнинг ранг-тусларини билдирувчи лексик бирликлар ҳам характерлидир.

<sup>69</sup> Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. -Тошкент: Фан,1974. -86 б.; Ҳаққул И. Қора ранг муборак ранг // Занжирбанд шер қошида. -Тошкент, 1989.- 36-45 б.; Ҳаққулов И. Яна қора ранг талқини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001.-№3.-17 б.; Ёриев Б. Сифатларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари.- Самарқанд, 1980.- 56-59-б.; Пардаев З.Н. Ўзбек тилида сифатларнинг маъноантик-услубий хусусиятлари:Номз.дис.авторепф. - Самарқанд, 2004.

Достонлар тилида учровчи ҳайвон тусларини ифодаловчи сифатларнинг стилистик имкониятларини назардан кочирмаган ҳолда, уларни адабий тилга қиёсан<sup>70</sup> семантик жиҳатдан икки гуруҳга бўлиш мумкин.

### **1. От тусларини ифодаловчи сўзлар.**

а) фақат от тусларини ифодаловчи сўзлар: **жийрон** (А.і=2; Р.і=2), **саман тўриқ** (А.і=1), **тўриқ** (А.і=4; Р.і=2), **саман** (А.і=6; Р.і=1) кабилар. Масалан: **Жийрон** сўзи отларнинг сарғиш қизил ёки қизғиш сариқ туслисини ифодалаб келади<sup>71</sup>. Масалан: Остида **жийрон** оти, кўпдир Рустам ғайрати (Рус.376).

**Тўриқ** сўзи қизғиш жигар ранг отларнинг номини билдиради. Бораётир қалмоқшоҳнинг **тўр** оти, // Шундай бўлар **тўриқ** отнинг одати (Алп.146).

**Саман** сўзи сариқ тусли отларга нисбатан юритилди. «Саман сарига туш, ё олапоча тўрига туш, шапақнинг зўрига туш,» – деб кўриқни солди (Алп.82).

Отларга нисбатан қўлланган ранг номлари тус белгилари бўлиш билан бирга уларга лақаб бўлиб ҳам қўлланилади<sup>72</sup>.

*Тус ва ранг билдирувчи  
сўзлар*

*От лақаби*

Қайтариб тағи кўриқ  
солди, тағи шу **чипор**нинг  
бўйнига тушди (Алп.82).

Чу, дейди, **Чиборга** ғайрат  
қилади (Алп.138).

Остида **жийрон** оти, кўпдир  
Рустам ғайрати (Рус.376).

Кўтос тақиб бўйни узун  
**Жийронга** (Рав.9).

Остидаги **тарлон** кўк, қалдир-  
ғочдай қияди (Ойч.90).

Жонивор **Бўзтарлон**  
кўзин ёшлайди (Я.Аҳм.249).

б) отларнинг рангини ифодаловчи сўзлар: **ола** (А.і=9; Р.і=2), **бўз** (А.і=2; Р.і=2), **тарлон** (А.і=5; Р.і=5) каби. **Бўз** сўзи кўкимтир оқ ёки кулранг отларга нисбатан ишлатилади. Эгарлаб келтиринг **Тарлон бўзимни** (Я.Аҳм.221).

в) от ранг-тусларини ифодаловчи бирикмалар: **Бўз чипор, оқ тўриқ** (А.і=2; Р.і=1), **човқар кўк** (А.і=2; Р.і=1), **қора ёл саман, тарлон кўк** каби.

<sup>70</sup> Ходжамбердиев Т. Животноводческая лексика узбекского языка (Преимущественно на материалах Ферганской долины): Автореф. дис... канд. фил. наук. - Ташкент, 1975. - с.17-18; Усманов С. Гиппотологическая терминология современного узбекского языка: Автореф. дис. канд. фил. наук. - Ташкент, 1988. - с.36-37.

<sup>71</sup> Содикова М. Ўша асар, 81-бет.

<sup>72</sup> Содикова М. Ўша асар, 80-бет; Усмонов С. Ўша асар, 79-бет.



**Човкар кўк** сўзи кўкимтир, кулранг тусли, устида қорамтир, қизғиш ёки оқиш доғлари бор от тусини билдиради. Ўзи шундай келган экан **човкар кўк** // Қуйруғидан берисинда кири йўк (Алп.82).

**Тарлон кўк** сўзи ола ранг устига қорамтир, қизғиш доғлари бор от тусини билдиради. Остидаги **тарлон кўк**, қалдирғочдай қияди (Ойч.90).

**Бўз алвон** сўзи, кулранг ва қизғиш аралаш ёки қизғиш доғлари бор от тусини билдиради. Масалан: Остингда ўйнайди **бўз алвон** отинг, // Душманни ўртайди шону шавкатинг (Тўл.164).

2. **От баданидаги фарқловчи белгиларга кўра номланиши: қашқа** (Р.і=1), **оқ товон, оқ туёқ, оқ чоча, чавкар // човкар** (А.і=2), **олапоча** (А.і=4) каби.

**Олапоча** сўзи оёқлари оқ-қора, оқ-малла ва шу каби қоришиқ тусли от тури. Масалан: «Саман сарига туш, **ё олапоча** тўрига туш, шапақнинг зўрига туш,» – деб кўриқни солди (Алп.82).

**Човкар** || **чавкар** || **чипор** сўзи асосан, ола тусли отларга нисбатан қўлланади. Оқ тусли отларда қора, қизғиш доғлар бўлади. Қайтариб тағи кўриқ солди, тағи шу **чипор**нинг бўйнига тушди (Алп.82). Тепанинг бошида Юсуф келбатли, Рустам сифатли, бир **човкар** отли биров ёнбошлаб ётибди (Алп.102).

**Оқ туёқ** сўзи туёқдан юқори қисми оқ, қолган қисми бошқа рангда бўлган отларга нисбатан қўлланади. Бораётир йўл талашиб баробар, // **Оқ туёқ** келгандир бундай саманлар (Алп.149).

Хуллас, ранг-тус билдирувчи сифат сўзлар отларнинг белгисини ифодалаб, бошқа хайвонларга нисбатан қўлланмайди. Ранг-тус билдирувчи сифат сўзлар дostonлар тилида нутқнинг аниқ, образли бўлишини, поэтик таъсирчанлик ва оҳангдорликни таъминлашга хизмат қилган.

### 1.4. Олмош сўз туркуми

Дostonлар тилида кишилик олмошлари бирлик ва кўплик сонларда **ман** (А.і=2; Р.і=1) (**мен**) (А.і=425; Р.і=106) - **биз** (А.і=65; Р.і=3), **сан** (А.і=1; Р.і=1) (**сен**) (Р.і=101) - **сиз** (А.і=10; Р.і=9), **у** (А.і=66; Р.і=42)- **улар** (А.і=21; Р.і=9) қўлланилади ва улар қуйидаги стилистик мақсадларни ифодалаш учун хизмат қилган:

1. Ота-она, эр-хотин, бир-бирларига жуда яқин кишилар, ака-укалар суҳбатларида сенсираб мурожаат қилинган. «Қипчоқлар бир замонлар ҳатто отасини сенлаган. Оналарини сенлаш баъзи жойларда

ҳозир ҳам бор. Қозоқ ва қирғизларда бу одат бугунгача ҳам давом этади<sup>73</sup>». Демак, сенсираб гаплашувлар дostonда ҳурматсизликни кўрсатмаган. Масалан: Эна, *сен* девнинг макони деб билмай айтгансан (Рус.395). От сўймоқни, ака, *мендан* кўрасан, // Аввал *сен* отингни сўйиб берасан (Алп.140).

2. Мурожаат ва ундошларда сенсираш андишасизлик, тарбиясизлик, менсимаслик, дағаллик каби маъноларда ишлатилган. Сен кўсанинг мендан ўлгинг келдими? // Ё билмайман кунинг охир бўлдими? (Рав.41). Менинг юрган юришимни // Аҳмоқ, сен кимга менгадинг? (Алп.106).

3. Тингловчига ҳурмат нуқтаи назаридан *сиз* олмоши ишлатилади: Отни чопдим тинмай дала-сахрога // Мен сўз айтай сиздай қоши қарога (О.43). Бундай қўлланиши, асосан, юқори табақа кишиларга, ёрга мурожаат қилинганда қўлланган.

Тақсир, мен билмайман. *Сиз* Орзигул ишқида куйган бўлсангиз, мен болам дардига куйганман, - деди (О.43). Подшойим, бизлар *сизга* арзга келдик (Рав.59). Аё шоҳим, *сизга* айтар арзим бор, // Олмадайн сўлган чўлдай тарзим бор (Алп.33).

4. *Биз* олмоши *мен, сен, улар* маъносида, яъни учала шахс маъносида ишлатилади<sup>74</sup>.

*Биз* ҳар қайсимиз битта-битта кўрғоннинг эгасимиз (Рус.356) (учала шахс маъносида). Эна, йўлдан урма; нима бўлса борамиз. Қандай жондор бўлса ҳам, *биз* индамасак, томоша қилган одам билан бекорга бўғиша бермас (Рус.394) (Мен ва сен маъносида). *Бизлар* бориб подшога бир маслаҳат қилайдик, ундан кейин сенга буюрамиз, сен унгача турасан, - деб туриб кетдилар (Рав.59) (Мен ва у маъносида).

5. Матнда эгалик ва шахс-сон кўшимчаларининг қўлланиши ҚОнинг тушиб қолишига сабаб бўлади. Масалан: Асл гавҳар поралардан, // Хизматкор, фуқаролардан, // Халолхўр бечоралардан, // Барисидан жудо бўлдим (Рав.57) (I шахс бирлик маъносида). Кейин пушаймон қиларсан, - деб қолди (О.5) (II шахс бирлик маъносида). Бунинг эгасини топармиз, деб қаерини қараймиз (Рус.394) (I шахс кўплик маъносида).

<sup>73</sup> Ўлдошев К. «Алпомиш» талқинлари. – Тошкент: Маънавият, 2002.- 160 б.

<sup>74</sup> Ўзбек тили грамматикаси. I том, - Тошкент: Фан, 1975.- 335 б.; Суяров И. Местоимение в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. канд. фил. наук. - Самарканд, 1965. - с.9.

6. *Мен, сен* олмошларининг *ман, сан* шакллари ҳам учрайди. Қўлда қиличим бўлганда, // Нима жон бор эди *санда!* (Рав.58). Савоб учун бергин энди ўғлингни, // *Санга* берса бу лаганда пулини (О.4).

7. Тингловчига ҳурмат юзасидан *мен* олмоши ўрнида *биз* олмоши ишлатилиб, камтарлик, ҳайрихоҳлик маъносини беради. Масалан: Неча-неча насянгдан куйганман, // Ҳарна берсанг, тўрам *бизга* нақ яхши (Рав.47). Бир юртнинг тўраси элнинг кўчқори, // *Бизнинг* учун келган бир эл номдори (Рав.49). *Бизнинг* ёрни кўрган борми? // Ёр дарагин берган борми? (Рав.30).

8. Кишилиқ олмошларининг ҳар учала шахсида бирликларига жўналиш келишигининг кўшимчаси [-га] кўшилганда ўзгариш юз беради: *маган*(А.і=1), *саган*(А.і=1), *уған*(Р.і=1)<sup>75</sup>. *Уған* қурбон мендай ойимнинг жони (Рав.429). Тилинг бўлса, хап бергин сен *маган* (Рус.402). қай тарафда бўлар? Йўл бошқар *маган* (Рус.414). Бу сўзларни айтдим, ёш ўғлон, *саган* (Алп.319). Бу хилдаги ўзгариш фонетик ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб (мен+га, мэн+гэ, сан+ға, о+н+ға) сўнгра мураккаб метатеза ҳодисаси юз берган (ма+ғ+ен, са+ғ+ан, о+ғ+ан сингари).

9. III шахс бирлик кўрсаткичи *ул* (А.і=140; Р.і=6), *ан* (А.і=9) шаклида қўлланган: "III шахс бирлик формаси Навоий ва Бобирда *у* ва *ул* шаклида, келишиқ ва эгалиқ билан турланганда *ун, ан, он* (*ундан, анга, ондин*) кўплиқ билан турланганда *алар, олар, онлар* тарзида ишлатилади<sup>76</sup>. Масалан: Жуда номдор элиши *ул* келган бойлар (Алп.40). Нима деб амр этсанг *ани* берайин (Алп.45). Бир облого етгай *анинг* ноласи (Алп.45). Шундай бўлди *анга* ҳақнинг фармони (Алп.163).

10. Кишилиқ олмош *-дай, -дек, -дайин, -дагачоқ*<sup>77</sup> кўшимчалари билан ҳам келади. Масалан: Болам дедим сендай эсли фарзандни, // Ўлигимга эга *сендай* ул бўлар (Рав.23). Баракалла, *сиздайгачоқ* ёлғиз ул // Оёғимда кунда, бўйнида бор ғул (Рус.433) (кесатик, жиноя маъносида). Қай тарафдан бунда қолар аждаҳар? // Чирпиниб турибди *мендайин* шунқор (Рус.399). Танимайсан *мендайгачоқ* кишингни (Алп.236).

Кўрсатиш олмошлари шахс ва нарса-буюмларни кўрсатиш, таъкидлаш йўли билан аниқланади. *Бу, шу, у, ўша* кўрсатиш олмошлари кишилиқ олмошларига нисбатан мавҳумлиги билан

<sup>75</sup> Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. -Тошкент, 1996.- 179 б.

<sup>76</sup> Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. -Тошкент: Фан, 1967.- 156 б.

<sup>77</sup> - дайғачоқ кўшимчаси –дайин, -дай кўшимчалари бир варианты.

ажралиб туради. Кўрсатиш олмошларининг ўзига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Бу ҳолат дostonлар тилида кўзга ташланади:

1. **Бу, бул** олмоши яқиндаги нарсани кўрсатиш учун хизмат қилади. **Бул** кампирга меҳрибонлик қилади (Алп.44). **Бу** мазгилда, кампир, нима қилади (Алп.48).

**Бу** олмоши кўплик ва келишик кўшимчаларида турланади. Шу билан бирга, бир **н** орттирилади. Айрим ҳолатларда, олмошларнинг бошидаги **б - м** тарзида талаффуз этилади: **муни** (А.і=12; Р.і=1), **мунинг** (А.і=9; Р.і=2). Масалан: **Муни** кўриб тўрасининг орқасидан югурди (Рав.54). Алпомиш шунда ухлаб ётибди, ухлаб ётганеридан **бунинг** ҳам руҳини танидан олди (Алп.91). **Мунинг** ўзи шундай сағир болади (Алп.368). Агар берсам **мунга** гавҳар тахтимди (Рав.48).

2. **У - ул** предметни ажратиб кўрсатиш учун қўлланса, **шу - шул** илгаридан сўзланган нарсага диққатни жалб этиш учун қўлланилади: Тақдир **шул**, оқ уйлига бораёйик (Тўл.132). **Ул** сабабдан мендай ининг бузлади, // **Шул** ўзбекнинг қизин олиб берасан (Алп.58).

3. "Халқ оғзаки ижодиёти материалларида ҳам кўрсатиш олмошининг **шул** шакли ишлатилади: **Шул** кийгизди майин кўйлакни // Боз бостириб кийди бел қиш телпакни (Алп.67) Бул, шул, ул, кўрсатиш олмошлари –доқ, -доғ<sup>78</sup>, -дай, -дайн, -дайгачоқ кўшимчаларини қабул қилади: **мундайгачоқ** (А.і=4), **бундайгачоқ** (А.і=2; Р.і=1), **шундайн** (А.і=30). Масалан: Икковига зарар етмай // **Шундайн** айрилиш бўлди (Тўл.143). **Мундайгачоқ** ахмоқ бўлгани наси (Алп.120). **Ундай** бўлса, менда бир от бор, икковимиз минаёйик (О.55). Эр йигитсан, **бундайгачоқ** бўлмагин (Алп.310).

4. **Ўша** кўрсатиш олмоши аниқ предметларни кўрсатиш учун ишлатилади ва **шў** шаклида учрайди. **Шў** вақтида вақти етиб, ойин битиб // Хуройим ўғил туғди (Рус.356). **Шў** – тоғда кўринган қора дарахт Бужул шаҳри экан.. (Рус.403).

5. **Ана, мана** сўзларига **бу, у** кўрсатиш олмошлари кўшилганда фонетик ўзгариш **анов** (Р.і=7), **анови** (Р.і=3), **манов** (Р.і=1), **манови** (Р.і=1) тарзида ишлатилади<sup>79</sup>. Масалан: **Анов** болага қара, тўлган камоли бор, ойдаёй жамоли бор, элдан зиёд ақли бор (Рав.58). Сизлар ҳу **анови** ерга бориб турунглар..(Ой.15). Чўли бозор, мис бозори // **Манов** пишиқ ғишт бозори (Рав.32). **Анов** чангиб ётган ун бозори, нариги кўқиб ётган юн бозори, **ҳу анови** дўкон туп бозори.. (Рав.34).

<sup>78</sup> Ражабов Н. Ўша асар. 186-бет.

<sup>79</sup> Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ўша асар, 121 б.; Ражабов Н. Ўша асар, 187 б.; Иброхимов С. Ўша асар, 160 б.

6. Сухбатдошларнинг нутқ вазиятига қараб кўрсатиш олмошлари предмет тушунчасини ифодалашга хизмат қилади: Энди Рустам ҳам тушуниб қолди: бир нима олар бўлса ёнидан пулни чиқариб беради; у одам ҳам индамайди, қўли билан нимани кўрсатса, пулига яраша шундан олиб беради (Рус.405). Бугун тегди бизга ёрнинг нусхаси // Қайда экан муни тиккан устаси (Рав.25).

7. Бирор ходисани ортиқ таъкидлаб кўрсатиш учун эгалик аффикси қаватлаб қўшилади<sup>80</sup>. Масалан: Равшанбек кўриб бораётир, бир ҳовлидан *униси* яхши, ундан *униси* яхши: (Рав.23).

8. Бир нарсани иккинчи нарса билан тенглаштириб ёки ўлчаб кўрсатиш учун кўрсатиш олмошларига **-ча** қўшимчаси қўшилади: Менинг билан *шунча* сўзни қилгунча, // Бешиқдан ўғлингни олсанг бўлмайми? (О.65). *Мунча* қочиб, бизни халок қилдинг, деб (Алп.267).

9. «**-дай бўлса**» воситалари билан бирга келиб, сўзловчини олдинроқ бўлган воқеани эслатиб, янги фикрга эътибор жалб қилиш учун ишлатилган: *Ундай бўлса*, тезроқ жўнат, бўйингдан (Рав.62).

Сўроқ олмошларининг дostonлар матнида қўлланилишининг ўзига хос белгилари мавжуд.

1. *Нима, нача, нечта, қайси* сўроқ олмошининг қисқарган *не* (А.і=151;Р.і=48) шакли ишлатилиб, “фольклорда бу *не* нинг *нэ* шакли ҳам учрайди<sup>81</sup>” ва қуйидаги маъноларни ифодалайди.

а) **ўтган воқеани аниқлаш, таъкидлаш маъноси.** Масалан: *Не* сабабдан аввал кулдинг, гул юзми? (О.46). *На* бўлди, Рустам келмади (Рус.385). (не сабабдан // нима сабабдан; на бўлди // нима бўлди).

б) **нарсанинг миқдорини аниқлаш маъноси.** *Не* гўзаллар кўзин ёшлаб боради, // Қоражондан баригина қилади (Алп.164).

в) **сўзловчи учун номаълум, ноаниқ нарсани етарли даражада кўрсатиш маъноси.** *Не* бет билан Қўнғирот элда юраман? (Алп.344) (не бет // қайси бет).

г) **узокрокдаги нарсаларни аниқлаш маъноси.** Эна, - дейди, - *на* ерларга борамиз (Рус.391) (на ер // қайси ер).

д) **таажжуб маъноси.** Масалан: Мундайғачоқ аҳмоқ бўлгани *неси*, // Боғонағи сўзимни айтманг турама (Алп.120).

е) **ҳаракат белгиси маъноси.** Сен тўрангдан хабар олсанг *не* бўлди?! (Рав.54) (не бўлди-нима бўлди). Мен ўлган сўнг отам келиб натади? (Рав.61) (натади-нима қилади).

<sup>80</sup> Иброҳимов С. Ўша асар, 160 б.; Иброҳимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960.- №5.- 60-62 б.

<sup>81</sup> Иброҳимов С. Ўша асар, 168-бет.

ж) *бир* сўзи билан қўлланилиб, **гумон маъноси** ифодаланади. *Не бир* эрлар, во Равшан, деб келар-а (Рав.62) (не бир-қайси бир). *Не бир* ботир деганлар, // Дустуман бўб йиқилиб (Рав.93).

з) предмет белгисини ифодаловчи, **қайси, қандай** олмошига яқин вазифасида ёки боғли қуршовда «зўр» маъноси ишлатилади. Умурувли *не* полвонлар, // Йиқилди майдон ичинда (Рав.90) (не полвонлар-қандай полвонлар). *Не* йўлларни тўзон тутди (Алп.70) (не йўллар-қандай йўллар). Шу ерда турганларнинг кўпи эт-петидан тушиб, ақли шошиб, эсидан адашиб, *не* ботирман деганлар туролмай эмаклашиб, бари бирдай чувлашиб қолди (Рав.89) (не ботирман-зўр ботир).

*Не // на* олмоши эгалик, келишик ва сон билан турланиши мумкин: *несин* (P.i=3). Ўлганнинг *несин* қиларсиз тамоша, // Йўл беринглар, тамошабин жонларим! (Рав.54).

*Не // на* шакли кесимлик –*дир* қўшимчасини олиши мумкин. Масалан: Сабаб *надир*, бир саломга келмадинг? (О.64). Сабаб *надир*, қон йиғлайсиз, энажон? (О.10).

(*Не // на + учун*) қолипнинг ҳосиласи фонетик ўзгаришга учрайди: *нечук* (A.i=2; P.i=1). Масалан: *Нечук* сафар қилдинг тоғлар орага (О.18). *Нучук* энди айшу ишрат айлайн (Рав.14). Султон деди, *нечук* бахти қораман (О.79).

2. *Қайси* сўроқ олмошининг қисқа *қай* (A.i=6) шакли қўлланади: *Қай* бетиман Султон элга келади?! (Рус.361). Ростин айтгин *қай* шаҳарга борасан? (Алп.200). *Қай* тарафдан бунда келар аждаҳор? (Рус.399).

3. *Қаерга, қаерда, қаердан* олмошларнинг ҳам *қай, қан* варианты ишлатилади<sup>82</sup>. *Қайда* жойинг бўлса, энди борасан (Алп.310) (*қайда // қаерда*). Йўл бўлсин, карвонлар, *қайда* борасан? (Алп.200) (*қайда // қаерга*). Рустам сифат болам, *қайдин* бўласан? (Рус.378) (*қайдин // қаердан*). Зулфи зарафшоним, *қайдан* бўласан? (Рав.47) (*қайдан // қаердан*). Банди бўлмадим майдонда, // Мендай банди бўлган *қанда*? (Рав.58) (*қанда // қаерда*).

4. *Қандай, нима* сўроқ олмоши иш-ҳаракат ва ходисани аниқлаш учун ишлатилса, *қилиб* равишдошни кўшиб, кўшма олмош сифатида қўлланилади: *қайтайин* (A.i=6; P.i=1), *найлайин* (A.i=5; P.i=3). Бу вақтда олмош фонетик ўзгариш билан қисқаради. Масалан: қалмоқ хони шундай қилди, *қайтайин* (Алп.214) (*қайтайин // қандай қилай*). Ўз отаси *қайтиб* қизин олади (О.8) (*қайтиб//қандай қилиб*).

<sup>82</sup> Қаранг: Иброҳимов С. Ўша асар, 169-бет.

Гулистондай Орзижонни *найладинг?* (О.43) (найладинг// нима қилдинг). Ғайри-ғайри жойа келдим, *найлайн* // Кун тушмаган соя келдим, *найлайн* (Рав.20) (*найлайн* // нима қилайин).

Сўроқ олмоши орқали кўплик категорияси ҳосил қилинади, бунда *қанча* (А.і=78; Р.і=19), *неча* (А.і=220; Р.і=36) олмош сўроқ маъносини эмас, балки ноаниқлик, кўплик, тахминий миқдорни ифодалайди: *Қанча* сўқим, қанча қуйни сўйдирди// *Неча* ердан энди, учоқ уйдирди (Рус.444). *Неча* вақт мен эдим кўнғиротда султон (Алп.228).

Ўзлик олмоши *ўз* сўзининг матнда *ўзавон* шаклида учрайди ва турли хил модал жиолар ифодалаш учун хизмат қилади: Орқаравон эшитиб, шу мусофир бойларда бир қиз бор эмиш, деб булар ҳам *ўзавонда* маслаҳат қилади (Алп.24). Қалмоқ тарафига қараб, йўлда *ўзавонига* бу гапларни айтиб кетиб бораяпти (Алп.219). Йўлга кириб *ўзавонда* калма айтиб жўнай берди (Алп.99).

Белгилаш олмоши *ҳар нима- ҳарна* (А.і=2; Р.і=6) «*ҳар хил нарса*», «*ҳамма нарса*» маъносини ифодалаб, бирор фикрни кучайтириб, таъкидлаб кўрсатиш учун ишлатилади. Матнда унинг қисқарган шакли ҳам қўлланади: *Ҳарна* дардин карвонларга айтади (Алп.200). Олиб қайтсам шоҳнинг қизин миндириб // *Ҳарна* десам айтганимга кўндириб (Рус.413). *Ҳарна* йўку борим, сенга йўл бўлсин? (Рав.12).

Умуман, олмошлар ўзбек халқ дostonлари тилида самарали ишлатилиб, услубий роли беқиёсдир. Олмошларнинг деярли барчаси тортилиши ҳодисасига учраб, бунда сўз шаклларини бутун бир бўғини ёки айрим унли, ундош фонемалар туширилиб талаффуз этилади. Бу ҳодиса оғзаки ижро жараёнида маънога путур етказилмаган ҳолда, талаффузни мукамал даражада осонлаштиради.

### 1.5. Сон сўз туркуми

Сонлар ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан отдан фарқланади:

1. Сон маънан мавҳум хусусиятга эга бўлиб, предметнинг сон, миқдорини ифодалайди.

2. Сонлар кўпликни қабул қилмайди – қабул қилган тақдирда, у отлашади.

3. Сонлар ўзидан олдин аниқловчини қабул қилмайди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1957.- 357 б.

Ўзбек халқ дostonларида учрайдиган сонлар айрим ўзига хос хусусиятларга эга. **Санок сон сўзлар** қуйидаги қолипларда намоён бўлади:

а) {[ бирдан бешгача миқдор номи] + [кам] + [ йигирмадан юзга қадар миқдор номи] = (санок сон)}. Масалан: Орадан бир кам қирқ кун ўтди, бир кам қирқ кун деганда, равзадан овоз келди (Алп.15). Зулхумор ойнинг бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида *тўқсон беш* – *ўн кам икки юз* кокили бор (Рав.34). Тожни тақиб хос саллани ўрайман // *Иккам тўқсон* кўрғонни мен сўрайман (0.24).

Айрим сонларнинг ишлатилишида баъзи фонетик ўзгаришлар рўй беради. қайда борсанг, Шоҳимардон ёр бўлсин, // *Ўн иккимом*, чилтон жиловдор бўлсин (Алп.85). *Олтойгача* жавоб йўқдир улингга (Рус.372). *Ўнолтуруғ* Бойсун – Қўнғирот элига // Илгари пайдо бўлди Добонбий (Алп.313). Мисоллардаги *ўн иккимом*, *олтойгача*, *ўнолтуруғ* бирикмаларда товуш тушиши, қисқариш ходисалари юз берган бўлиб, тилдаги бирикмалдар нутқ талаби билан қисқарган. Улар адабий тилда *ўн икки имом*, *олти ойгача*, *ўн олти уруг* деб таллаффуз қилинади.

*Бир* сони ўрнида *тоқ* (А.і=1; Р.і=1), *якка* (А.і=11; Р.і=9), *ёлғиз* (А.і=101; Р.і=29) сўзлари қўлланилиб, *бир ўзи*, *танҳо* маъноларини англатаверади. Мени ташлаб ҳеч бир ёққа кетмасдинг // Ҳандақ ичра *ёлғиз* қолдим, энажон (О.69). Жабр қилди шундай *якка* ўғлига (О.84). Иягининг ўртасида битта туки бор экан, у ҳам бир қарич бўлиб ўсган, бу *ёлғиз* соқолга қимматбаҳо яхши тошлардан териб солган (Рав.40). Оққиз шундай қиз эди: оти Оққиз Зулхуморга нақ қиз, ўзи тўлган соғ қиз, ўрта бўйли соғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқичи эмас, соғ қиз, эри йўқ *тоқ* қиз (Рав.46).

*Икки* сон ўрнида контекст талаби билан *қўш* сўзи синоним сифатида ишлатилади. Суйганларинг *қўш* кокилли ул бўлсин (О.64).

*Икки* сони қисқарган шаклда ҳам қўлланилади. Хуршидойнинг *ик* кўзини ёшлагин, // Отанг касал дегин, вахтин хушлагин (Хур.180).

б) {[санок сон]+[эгалик қўшимчаси]=(санок сон)}; {[санок сон]+ [келишиқ қўшимчаси]=(санок сон)}. Бу қолипларнинг ҳосиласидан лексик миқдор маъносидан ташқари отга хос ифода ва вазифа маънолари ҳам англашилади. Бунда саналмиш сўзлар қўлланмайди: Ёв бошига балолар ёғдирайлик // *Бирин* кўзлаб, *ўнин* бошин олайлик (О.54). Боринглар, ёр деса, мен Оқтошдан бир эмас, *ўнини* олиб бераман, - деди (О.78).



в) [санок сон+[уйли;уруғ;танга;йил;ой;кун]. Бу қолипдаги бирикмалар кўпинча ажралмаган ҳолда ишлатилади. Улар бир бирикма саналади. Масалан: Маслаҳат бер, *ўн минг уйли* қариндош! (Алп.20). Мен *ўн олти уруғ* Қўнғирот элининг ҳам бойи бўлсам, ҳам шойи бўлсам, мен кимга закот бераман (Алп.18).

Дона сон. [санок сон]+ [-та]=(дона сон) қолипи чексиз миқдорда дона сонларни бериши мумкин. Кам фахм, ҳеч нарсага тушунмайдиган аёл юз *ўн тўртта* деганига думоғи чоғ бўлиб, кўнгли кўтарилиб (Алп.334). Тонг отган сўнг *қирқта* айёр билан мастонни йиғдириб келди (Ойс.9). Мени десангиз маслаҳат шул: Доро подшонинг Ирам боғида парилар мамлакатидан келтирган париларидан *қирқта* парини, *қирқта* мастон, *қирқта* айёрни менга қўшасиз (Ойс.9).

Дона сон *-та* қўшимчасини олиши ҳам, олмаслиги ҳам мумкин. Бу сўздайтиб сағир Ёдгор қаради // Кўпкаридан икки отли келади (Алп.341). Болам, менинг олти ўғлим бор эди (Рав.24). Эронда ўн отли келди (Ойс.14).

Шунингдек, жуфт ҳолда ҳам қўлланилиб, икки хил қолипда воқеалашади:

а) [сон-сон+та] қолипида: Биров эмас, *уч-тўртта* бўп борайин // Бориб каттасига меҳмон бўлайин (Алп.40).

б) [сон+та-сон+та] қолипида: Қорахон подшонинг *бешта – тўртта* катта амалдорлари, уламолари ўғлининг олдига борса керак (Рав.86). *Бешта-ўнта* отдан олиб келади (Алп.226). Бирови: *ўнта-ўнта* бўп кетайик, - деди (Алп.59).

Тартиб сон. [санок сон]+[инчи]=(тартиб сон) қолипи ҳам чексиз миқдорда тартиб сон ясайди. Ниҳоят, *қирқ биринчи* куни Оқтошга етди (О.60). Хон Аҳмадга никоҳ қилди *биринчи* // Хон Аҳмаднинг Оқбилакдай ёрини //Эрназарга никоҳ қилди *иккинчи* // Аҳмаджони қарғаб юрган парини// Алмуҳаммадга никоҳ қилди *учинчи* // Аҳмаджоннинг қалдирғоч жигарини.// қирқ йигитга никоҳ қилди *тўртинчи* // Оқбилакнинг келган канизларини (Я.Аҳм.283).

*Биринчи* сонининг маъноси *аввал, аввали, аввалам бор, дастлабки, олдин* каби сўзлар орқали синонимик ҳолда ишлатилади. Биздан беадаблик ўтмасин, бовани қаторимизга ўтказиб, *аввал* таомни бошланг дейишимиз керак,- деди (О.82). *Олдин* келганни қурбони бўлай (О.19). Қалинимни *даставвал* айтсам мен // Ярмини берсин Оқтош элининг (О.85).

**Тақсим сон.** [Дона сон]+[-дан]=(тақсим сон) қолипидаги ҳосиладан предметларнинг тенг тақсим этилганлиги ифодаланади. Ўн тўққиз хил таом тайёр бўлиб, ҳар бири *биттадан* тилла товоққа солинган (0.20). Тўрт отнинг устини оғир ёптирди, тонг шамолига қотирди, *иккита-иккитадан* миндириб дарвозага чоптирди (Рус.364).

**Жамловчи сон.** Бу сон қуйидаги қолипларда ясалади:

а) {[иккидан бешгача миқдор номи]+[ов]=[жамловчи сон]}. Қизларнинг қорни тўйди, ... бир хил шўх кам уйқу қизлар, жўра бўлиб: *учов биров, тўрттов биров, олтов биров* бўлиб, гул термакка гулзорларни оралаб... (Рав.44). Ларзон каниз икки канизнинг қўлидан ушлаб, *учов* бўлиб отни эгарлаш учун таблага бордилар (О.26).

б) {[иккидан бешгача миқдор номи]+[-ала]=[жамловчи сон]}. Ташқаридан кириб келса Орзигул // Кўзи тушди *иккаласин* ёшига (О.10).

в) {[жамловчи сон]+[эгаллик қўшимчаси]} қолипининг ҳосиласи от бажарган вазифа маъносини ифодалайди: Ташқаридан кириб келса Орзигул // Кўзи тушди *иккаласи* ёшига (О.10). Мирғазаб қараса иккови ухлаб ётибди (Рав.53). Мисолларда жамловчи сонлардан миқдор – лексик маъно сусайиб, ўрнини «шахс» маъноси эгаллайди. Ўзбек адабий тилида жамловчи сон қўшимчалари *-ов, -ала, -овлон* асосан еттигача бўлган сонларга қўшилади. Услуб талаби билан ушбу қўшимчалар еттидан юқори бўлган сонларга ҳам қўшилган. Масалан: *Элов* кўрқса, келсин *олтмиш, етмиши* // Ким талабкор бўлса, келсин майдона! (Я.Ахм.286). Мисолимизда фақат *элик* сони *элов* тарзида талаффуз қилинган.

**Чама сони.** Предметнинг ноаниқ миқдорини, тахминий ҳисобни билдиради. Қуйидаги қолипларда чама сон воқелашади:

а) {[санок сон]+[-ча]=[чама сон]}. Булар орқасидан *уч юзча* қиз ўйнашиб (Рав.37). Эшитаман *тўқсонча* бор қалангиз // Пеш хизматга тайёр турар тўрангиз (О.62). Шу бугун борувдим қизинг олдига // *Ўн-ўн бешча* қизилоёқ бор экан (Хур.80). Кўпкарини чошиб ётур // *ўн икки мингча* бойвачча (Алп.337).

{[санок сон]+[сўз+-ча]=[чама сон]} қолипининг ҳосиласидан чама, тахмин маъносини шакллана. Масалан: Бу орада *ўттиз кунча* бўлибди // Гул энама узмай совчи қўяди (Алп.343). Орадан *бир йилча* вақт ўтди (Ойч. 120).

б) композицион усул билан ҳосил бўлган чама сон жуфтлашади Улар жуфт ҳолда келганда иккала компонент ҳам белгисиз

қўланилади: Элакка жўнаб кетди, борса, *беш-олти* хотинлар уни-буни гапириб ўтирибди (Алп.334). Отни тезлаб *бир-икки* қамчи ўрайин, аждаҳар беғам ётган экан, хабар топгунча шамолдай ғувуллаб, устига бориб қолайин (Рус.415). *Бир-икки* қирдан ошди, бир ёлғизоёқ йўлга тушди (Рав.27).

в) *ошган, янашган, ортиқ, яқин* каби сўзлар ёрдамида ҳам чама маъноси ясалади: Равшанхон қараса, бир кўса: жуда кўхна бўлиб кетган пир кўса, *уч юздан ошган, тўрт юзга янашган*, жуда қари кўса, ёшидан адашган, балки *беш юзга қирган*, дақюнус кўрган, жами эл-халққа фириб берган (Рав.40). *Олтмишдан ошган* эди, тишлари тушган эди (Ойч.24). Чоқари Эрназар *йигирма ёшларда бўлган*, қадди-қомати ҳам йўлбарсдай ўсган эди (Ойч.26).

### «Бир» сўзи ва унинг хусусиятлари

Достонлар тилида *бир* (А.і=1004; Р.і=401) сўзи маҳсулдор қўлланган. *Бир* сўзининг жуда кенг маъно нозикликлари мавжуд бўлиб, унинг ифода ва вазифа маънолари боғлиқ қуршовда юзага чиқади.

*Бир* сўзи асосан, қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) «саноқ сон» маъноси: Барногул канизларидан яшириб, *бир* лаган тиллани ва қизини ҳам момонинг қўлига берди (О.4). *Бир* соатдан кейин канизлар *бир* қўйни ҳайдаб келиб зиндонга ташлаб кетди (Ой.16).

б) «санаш ва кетма-кетлик» маъноси: Кампир *бир* дуо ўқиди, жасади Рустамнинг энаси – Хуройимнинг ўзидай бўлди-да турди (Рус.422) .

в) «кучайтириш» маъноси: Энди гап шу: менинг *бир* ўғлим бор, бойлаб, созлаб қўйибман (Рус.425). Ошиқ киши қон йиғлайди зору зор // Боқиб кўрдим, боғ ичинда *бир* дилбар (О.6).

г) «таъкидлаш» маъноси: Боғдан *бир* ажойиб гулнинг иси подшонинг димоғига урди (О.6). Равшанбек, Зулхумор ойим билан икковгинаси *бир* овлоқ уйда ўтириб қолди (Рав.50).

д) «инкор» маъноси: Туроннинг аскарига қарайди, аскарнинг ичида бунга ўхшаган алп *бир* одам кўринмайди (Ой.21).

е) «гумон» маъноси: Ота, ундай бўлса, қирқ кун муҳлат сўранг, ё қорахон подшога *бир* гап бўлар, ё менга *бир* гап бўлар (О.12).

ж) «хайрон қоларли», «ажабланарли» маъноси: Икки орада дара-дарада **бир** уруш бўлди (Ой.21). Одамларнинг айтувидан у тозилар **бир** назари този (Рус.429).

з) ноаниқлик «қандайдир», «аллақандай» маъноси: Карвон бориб **бир** саройга кўнади (Алп.204). Кўрди: **бир** дев келаётир (Рус.426).

к) «фақат», «ёлғиз» маъно: **Бир** худонинг берганига кўнаман (Алп.201). **Бир** бошига бўлиб бундай аломат // Етаклаб қилганди тозилар хизмат (Рус.427).

л) равишдош, феъл олдидан келганда, ҳаракатнинг миқдорини, ҳаракатдан англашилган маънони кучайтиради: ҳақимхон жойидан **бир** кўзғалди-да, куйиб кетди (Хур.210). **Бир** келар бўлжалинг айтгин, билайн (Алп.131). Зулхумор ойим **бир** энтикди (Рав.46).

**Бир** сўзи кўшимчалар кўшилганда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) (**бир+га**) (А.і=124; Р.і=5) қолипнинг ҳосиласидан ҳаракатнинг бирдан ортиқ шахслар томонидан биргаликда бажарилганлигини билдиради: Белга боғла, тортиб олай // **Бирга** йўлга равон бўлай (Алп.248). Ҳақимбек илгари, синглиси кейин // Қултой қулга **бирга** кетиб боради (Алп.80).

б) (**бир+ов**) (А.і=29; Р.і=14) қолипнинг ҳосиласидан гумон маъноси воқелашади: От олдинда кўрди, **биров** турибди (Алп.286). «Қандай қилай, бу **биров** билмайдиган гап-да», - деб Қосимхонга қараб (Хур.211).

в) (**бир+дай**) (А.і=6; Р.і=17) қолипнинг ҳосиласидан фақат, баробар, айнан, бир хил деган маъноларни билдиради: Ёшу қари қолмай **бирдай** юради // ҳамма кўриб, шоҳим, сизга кулади (Рус.365). Хушвақт бўлиб ҳамма **бирдай** // Ипагини арзон олди (Хур.177).

г) (**бир+ор**) (А.і=4; Р.і=18) қолипнинг ҳосиласидан «қандайдир бир» маъноси англашилади: **Бирор** кеча кўниб ўтар ер борми? (Алп.90). Сўрамайсан сен, амалдор, ҳолимни // **Бирор** одам чоғиштирган ўғлимни (Тўл.168).

## *Достонлар тилида нумератив сўзлар*

Предметнинг сон миқдорини ифодалашда санок сон билан предмет ўртасида махсус сўз қўлланади. Бундай сўзларни баъзи туркологлар ҳисоб сўзлар<sup>83</sup>, баъзилар нумеративлар<sup>84</sup> деб атайдилар.

Сон билан предмет ўртасида қўлланадиган нумеративлар саналаётган аниқ предметни ҳисоблашда унинг қайси гуруҳга оид эканлигини аниқлаш учун ишлатилади.

Нумератив сўзлар предметларнинг хусусиятига қараб қўлланилади. Ўзбек халқ достонларида нумератив сўзларнинг англлатган маъноларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

**1. Оғирликни ўлчаш учун ишлатиладиган нумератив сўзлар:** *пуд*, *қадок*, *чорак* (A.i=2; P.i=1), *ботмон* (A.i=27) кабилар. Масалан: Тўқсон *ботмон* темирдан совут кийган, зиндоннинг бошида қарғадай бўлдураб кўринади (Алп.246). Бўшалса ҳам етолмасин деди-да // Отга жойлаб олти *чорак* совутди (Алп.141).

Қадимда қаттиқ жинсдаги предметларнинг оғирлигини ўлчашда ишлатилиб, сон билан предмет ўртасида қўлланувчи нумератив сўзлар фикрни тўлиқ баён этиш учун хизмат қилган. Агар улар қўлланмаса, мўлжалланган фикрни баён этиб бўлмасди. «Бу сўзлар ҳозир, асосан, тарихий темада ёзилган асарларда, халқ оғзаки ижодида (илгарироқ айтилган вариантларда) учрайди<sup>85</sup>». *Ботмон* - икки пуддан ўн бир пудга, *чорак* - килограмм, 5 қадокқа, *пуд* - 16 килограммга тенг, *қадок* - 400 граммча келадиган оғирлик ўлчовини ифодалаган. *Ботмон* - оғирлик ўлчовидан ташқари, бир гектарга тенг сатх ўлчов бирлигини ҳам ифодалаган.

Матнда *даҳсар* (A.i=2), *понсар* (A.i=1) нумеративлари қўлланилиб, *даҳсар* баъзан ўттиз икки килограмм, баъзан тўртдан бир ботмонга тенг оғирлик ўлчовини, *понсар* бир пуд миқдордаги оғирлик ўлчовини ифодалаган. Агар тортса, ҳар копи ботмон *даҳсари*, ботмон *понсари* чиқаберадигандай (Рус.360). Ё *понсари* биздан кетар, ё *даҳсари* сиздан кетар, ағдариб олиб қўя қолайлик (Рус.360).

<sup>83</sup> Дырленкова Н.П. Грамматика хакасского языка.-Абакан, 1948.- с.65; Его же. Грамматика шорского языка.-Л., с.110; Ўзбек тили грамматикаси.-Тошкент: Фан, 1975.- 313 б.

<sup>84</sup> Дмитриев Н.К. Грамматика кумыкского языка. - М.-Л., 1940.- с.75; Решетов В.В. Современный узбекский язык.-Ташкент, 1946.- с.50; Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка.-Ташкент, 1948.- с.120; Низомиддинова С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. - Тошкент, 1963.- 32 б.; Ҳамдамов П. Ҳозирги ўзбек тилида нумеративлар. Тошкент: Фан, 1983.

<sup>85</sup> Низомиддинова С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. Тошкент, 1963.- 33 б.

Бундан ташқари, *дахсар* сатҳ ўлчов бирлигини ҳам ифодалаш учун хизмат қилган. Масалан: Ўққа учган чинор шохи // *Даҳсарилик* ерни тутди (Алп.369).

**2. Узунлик ўлчови учун ишлатиладиган нумератив сўзлар:** *газ* (А.і=4), *қулоч* (А.і=8), *қарич* (А.і=3; Р.і=2), *қари* (А.і=1; Р.і=2), *таноб* (А.і=1; Р.і=1), *тош*, *қадим* (А.і=5) каби. Масалан: Бозор яқин, мана келдинг, ярим *тош* қолди-да,...(Рав.29). ...тўп-тўпхонасини судратиб, байроғини яркилатиб, ҳар ўн *тош*да бир лашкарни тўхтатиб, қинғир чол қошига етиб келдилар (Ой.44). Анча йўлга бориб тушди Кўкдўнон // қирқ минг *қадим* ўтиб кетди Бойчибор (Алп.149). Қирқ *қулоч* зиндонни қазиб бўлинглар // Катта-кичик баринг ўрнаб кўринглар (Алп.226). Олтмиш *қари* олачадан қалпоғи // Тўқсон қўйнинг терисидан телпаги (Алп.160). ...иягининг ўртасида битта туки бор экан, у ҳам бир *қарич* бўлиб ўсган, бу ёлғиз соқолга қимматбаҳо тошлардан тешиб осган (Рав.40). Тўрт минг *газ* кўтарил Мансурнинг дори //Отганда етмасин даллод арқони! (Рус.386).

*Чақирим* - 1,06 километрга, *тош* - саккиз чақиримга, *газ* - 0,71 метрга тенг узунлик ўлчовини ифодалайди. С.Низомиддинова ёзишича, «*тош*, *чақирим* сўзлари конкрет миқдор ифодаламайди, *тош*, *чақирим* сўзлари диалектларда ҳар хил миқдорни ифодалайди<sup>86</sup>».

**3. Тўдалаб, гуруҳлаб кўрсатувчи нумератив сўзлар:** *тўда* (А.і=2;Р.і=3), *гала* (А.і=2), *тўп* (А.і=2;Р.і=3), *даста* (А.і=6;Р.і=4), *байдоқ* (А.і=4).

*Тўп* - шахс ёки қуш-ҳайвонлар гуруҳини кўрсатади: Бир *тўп* карвон қўнғирот бетдан келади // Юк ташлашиб тоққа карвон кўнади (Алп.309). Равшанбек отини ҳайдаб йўртиб, дўнгнинг устига чиқиб қараса, бир *тўп* бари ўзидан ёш, хушрўй йигит, барининг қўлида бир лаганча тилласи бор (Рав.27).

*Тўда* - шахс тўдасини кўрсатиш учун ишлатилади: Биёбонда ўтин териб юриб, атрофга қараса, даштнинг бир томонидан бир *тўда* одам кўринди (О.36).

*Гала* - кўпроқ қушлар, паррандалар тўдасини ҳисоблаш учун ишлатилади. Лекин дostonлар матнида ҳайвон, шахсларга нисбатан ҳам қўлланган: Тангқа пойлаб Олатовни ёйлаган // Камбағали қирқ минг *гала* ҳайдаган (Алп.103).

<sup>86</sup> Низомиддинова С. Ўша асар, 37-бет.

**Ховуч** - бу сўз предметларнинг кичик тўдасини кўрсатади: Саримирахўр йигирма **ховуч**дан қирқ **ховуч** тангани хуржуннинг икки кўзига солди (О.37). Саримирахўр «қирқ **ховуч** икки юз чорак келар» деб хуржуннинг кўзини ғазначига тутди (О.37).

**Боғ** – боғланадиган предметларнинг кичик-кичик йиғиндисини, тўпламини кўрсатиш учун хизмат қилади: **Боғ** буғдойдай мурдалар //Етилди майдон ичинда (Рав.91).

Бундан нумератив сўзлар аниқ миқдорни ифодаламай, жамлов маъносини кўрсатади ва доим бу сўзлар олдидан санок сон қўлланади. [сон+НЛ] қолипидан юзага келган ҳосила эса аниқ миқдорни билдиради. Тўдалаш, жамлаш учун қўлланган нумератив сўзлар сон билан қўлланмаслиги ҳам мумкин, бундай шароитда бу сўзлар такрор келиб, кўплик маъносини ифодалайди. Кўплик маъноси, асосан, такрор сўзларни қатор келтириш орқали, синтактик йўл билан ифодаланиш<sup>87</sup> ҳоллари дostonлар матнида кўп учрайди: Қараса, кўп канизлар, анча сарви нозлар, беадад канизлар ҳайкаллашиб, ўн бир, беш бир, **тўп-тўп** бўлиб, бир хили оз, бир хили кўп бўлиб юрипти сайл боғ қилиб (Рав.43). Намойишга карнай-сурнай кўяди // **Байдоқ-байдоқ** лашкар жияди (Алп.175). Халқдан йиғилган **тўсат-тўсат**, **даста-даста** лашкар тарқаб кетган (Рус.356). Қараса, бир алп йигит **тўда-тўда** девни олдиға солиб қувади, етганини қилич билан солади (Ой.24). Чувиллашиб **тўп-тўп** босиб ўтди (Тўл.138). ...гул термакка гулзорларни оралаб, яхшисидан саралаб, нимчасидан **даста-даста** қилиб, қўлларига олиб, бир хилини бошларига санчиб,... (Рав.44).

**Даста** шахс ва предметларнинг тўдасини кўрсатиш учун ишлатилган. Шу билан бирга даста сўзи «**взвод**», «**отряд**» маъносида қўлланган: Кўшинлар келди **даста-даста** //Ясов тортди баланд-пастда (Рав.91). Лашкар кетди **даста-даста** // Одам тўлиб баланд-пастда (Алп.175).

Демак, нумератив сўзлар сифатида ишлатилган отлар такрорланганда сон қўлланмайди, балки маънодаги умумийлик кўчаяди, миқдор жиҳатдан ортиқлик<sup>88</sup> каби кўшимча маънолар вужудга келади. **Тўсат-тўсат**, **байдоқ-байдоқ** сўзлари шахснинг тўдасини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, **лак-лак** сўзи ҳам беҳисоб

<sup>87</sup> Фуломов А.Ф. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида // ЎзССР ФА Тил ва адабиёт институти асарлари, - Тошкент, 1949. – 47 б.; Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. -М.-Л., 1948.- с. 92; Фуломов А.Ф. Ўзбек тили морфологиясига кириш. -Тошкент, 1953.- 19 б.

<sup>88</sup> Усмонов С. Морфологические особенности слова в современном узбекском языке: Автореф. дис ...док.фил.наук.-Ташкент. -с.126.

миқдорни ифодалаган. Масалан: Буни кўриб Паҳлавон қайсар девларни олдиға солиб, **лак-лак** лашкарини девлар орқасидан юргизиб, Асқар тоғини ошиб, бу ҳам эниб тушиб келди (Ой.24). Асосан, **лак** (А.і=2) қадимда юз минг миқдорни ифодалаган:...қирқ кундан кейин қирқ **лак** аскарини олиб, карнай-сурнай чалдириб бу ҳам жўнаб кетди (Ой.10). Бир **лак** дев бўлолмас сенга баробар, // Ғайратинг бор экан шунча синадим (Рус.427).

**4. Бутуннинг, тўданинг бир қисмини кўрсатиш учун ишлатиладиган нумератив сўзлар: бўлак** (А.і=9; Р.і=6), **қисим, парча** (А.і=3; Р.і=1), **огиз** (А.і=7; Р.і=1), **эн** (А.і=1) каби.

**Бўлак** - кишилар тўдаси ва предметларнинг қисмини кўрсатади: Шохсупаларнинг устида қизлар, сатта сарвинозлар, неча жоду кўзлар, лаблари қирмизлар, ширин шакар сўзлар, ўн бир **бўлак**, беш бир **бўлак**, ўн беш бир **бўлак** бўлиб ўйнашиб юрипти (Рав.44). Зўр аждаҳор армон билан ўлибди, // Санаб кўрди: қирқ бир **бўлак** бўлибди (Рус.415).

Матнда **бўлак** сўзи ўрнида **туюр, парча** сўзи ҳам қўлланилади. Аммо **бўлак** кишилар, ҳамда предметларнинг қисмини кўрсатса, **туюр, парча** фақат предметларнинг қисмини кўрсатиш учун ишлатилади: Қайсар дегани ўлсин // Бир **туюр** нон бермади (Ойч.54). Бу етимлик мени қилди саргардон // Хизмат қилиб, тилаб ейман **парча** нон (Рав.21).

**Эн** - газламанинг бир қисмини кўрсатиш учун ишлатилади: Кўйлагидан бир **эн** юлиб олади // Кампирнинг қорасин кўрмай қолади (Алп.278).

**Қисим** бу нумератив сўзлар фақат сиқимлаб ажратиш мумкин бўлган отлар олдидан келади: Кампир бир **қисим** тупроқни олиб, дам солиб, Рустамнинг кўзига отди (Рус.426).

**Огиз** - сўзлашишда қисқа жараённи, энг кам сўз ифодасини билдирувчи нумератив сўзлар: Болам, энди мени йўлдан қолдирдингку, шундай ҳам бўлса беш, олти **огиз** сўзни айтиб кетайлик, сен билмаган болам-да, сенга яхши бўлади (Рав.29). Шунда Орзигул хумор кўзини ёшлаб, боласининг устига ўзини ташлаб, қонли юзига қўлини қўйиб, бир-икки **огиз** сўз айтиб турган экан (О.73). Предметларнинг тўда қисмини, бўлагини ифодалайдиган НЛ лар одатда кам миқдордаги сонлар билан бирга келади.

**5. Предметларни яккалаб ҳисоблаш учун ишлатиладиган нумератив сўзлар: Туп** (А.і=1; Р.і=16) - дарахт, гул ва бошқа ўсимликларни ҳисобини кўрсатади: Одами йўқ обод жойга етишдим



// қирқ минг *туп* хурма бор, қирқ минг *туп* анжир (Рав.20). Қирқ минг *туп* олча, қириқ минг *туп* анор, // Соянгда салқинлаб ётади беклар (Рус.395).

**6. Ҳайвонларни тўдалаб кўрсатиш учун ишлатиладиган нумератив сўзлар:** Сон ҳайвонларни билдирувчи (қўй, мол, туя ва бошқа) сўзларга нисбатан қўлланганда сон билан предмет ўртасида *уюр* (А.і=2), *тўқай* (А.і=7; Р.і=1), *қўра* (А.і=8) сўзлари нумератив вазифасини бажаради: Йилки, молларини бир *уюр* фалон тўқайда юрибди, икки *уюр* фалон тўқай ерда юрибди, дер эди (Алп.26). Ўра-ўра, бир *қўра*, икки *қўра*, уч *қўра* деб санагани шул эди (Алп.26). Бойсарбойнинг йилқисини сони шул эди: тўқсон *тўқай* йилқиси бор эди (Алп.26).

*Уюр, тўқай, қўра* сўзлари сон билан бирга қўлланилиб, НЛ вазифасини бажаради ва умумий ноаниқ миқдорни билдиради. Агар сон тушиб қолдирилса, мўлжалланган фикр ўзгариб кетади.

**7. Ёш ҳисоби учун қўлланадиган нумератив сўзлар:** Ёш ҳисоби учун ишлатиладиган нумеративлар асосан кишилар учун, баъзан ҳайвон ва ўсимликлар учун ишлатилади: *ёш* (А.і=5; Р.і=4), *ойлик* (А.і=1; Р.і=1), *кунлик*.

*Ёш* - кишилар ёши ҳисоби учун қўлланиб, деярли қўшимчалар билан бирга келади: Дилмурод уч *ёш*га кирган эди (О.87). Равшанбек айни ўн беш - ўн олти *ёш*да зарли қалпоқ бошида, юзи ярқираб, эшикдан салом бериб кирди (Рав.4).

Бир ёшгача бўлган давр учун *ойлик, кунлик* сўзлари нумератив вазифасида ишлатилади: Шунда бешикда ётган тўққиз *ойлик* боласи Дилмурод чинқираб ёйғлади (О.65). Шунда уч *кунлик* ўғлимиз бор эди // Олиб келди Барногулнинг кизини (О.11).

**8. Вақт ўлчови учун ишлатиладиган нумератив сўзлар:** Бунга *аср, йил* (А.і=3), *ой* (А.і=15; Р.і=7), *ҳафта, кун* (А.і=11; Р.і=8) сўзлари, сутканинг бўлақларини ифодаловчи *кеча, кундуз, соат, дақиқа, минут* каби сўзлар киради. Бундай тузилган вақт бирликлари, жуда кўп ҳолатда феъл ва равишга боғланиб келади. Масалан: Бу боғ ва кўрғоннинг бино бўлганига 360 *йил* бўлган (О.21). Бир ошиқи беқарорман, Сувонхон // Ўн олти *кун* йўл юрдим кенг дашингда (О.21). Тўққиз *ой*, тўққиз *кун*, тўққиз *соат*, тўққиз *дақиқаси* битиб, канизлар Барногулнинг ҳоли танг бўлганини билиб, момоларга хабар қилди (О.4).

Баъзан *кун, йил, ой* нумератив сўзлар *-лик, -чилик* қўшимчасини олиб предметнинг вақтга кўра белгисини кўрсатади: Олти *ойлик*

йўлдан бунда келасан // Сен ёрингни, дўстим, қайтиб оласан (А.113). Равшанбекни қирқ **кунлик** банди қилиб зиндонга солди...(Рав.69). Беш **кунлик** ишкорга Сувонинг кетар // Тикилган душманга бу зарбинг етар (О.29).

Сутканинг бўлақларини ифодаловчи **кеча, кундуз, соат, дақиқа** каби сўзлар кўпинча феъл ва равишга, баъзан отга боғланиб, вақт ўлчовининг кичик миқдорини ифодалайди. Ойсулув подшо элга жар солдириб, қирқ **кеча-кундуз** тўй қилдириб, элни уйқудан, қўйдириб, Офтобойни Кунботирга никоҳ қилиб берди (Ой.23)...Барчин олти ойга муҳлат олган эди, муҳлатидан икки **соат** қолган эди (Алп.114). Қирқ **кеча-кундуз** тинмай тўйни беради // қирқ кундан кей тўйдан охир бўлади (Алп.390). Ўн саккиз **кеча-кундуз** йўл тортдилар (О.36). Бироқ, ярадор ёри унинг эсидан бир **минут** ҳам кўтарилган эмас эди (О.53). Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз **соат**, тўққиз **дақиқаси** битиб, канизлар Барногулнинг ҳоли танг бўлганини билиб, момоларга хабар қилди (О.4).

**9. Қиймат ҳисоби учун ишлатиладиган нумератив сўзлар:** Предметнинг қийматини ҳисоблаш учун **танга** (А.і=11; Р.і=4), **тилла** (А.і=15; Р.і=17), **пул** (А.і=1; Р.і=8) сўзлари пул ҳисоби учун ишлатилган. Масалан: Пойгага қўшиладиган отдан қалмоқларнинг подшосидан ҳам уч от келди: бири олапocha тўриқ от, бири бир шапақ от, бирови ўн минг **тангага** олган саман от (Алп.129). Саксон **тилла** савдо қилиб Бойчиборни олди (Алп.130). Тўрт юз **тангани** тўрт мўллага берди кампир (Рус.360). Нар, моюнг юрибди Чилбир даштида // Минг беш юз **тиллалик** овсар бошида (Алп.104). Сенинг отанг ҳасанда беш юз **тилла** пулим бор, шуни оламан (Рав.41). ...не эр йигитларни икки **пулга** сотар эди, яхшилиқни уч **пулга** олмай, қаерда ёмонлик бўлса излаб етар эди (Рус.356). Шундай қилиб, одамлардан бир **пул** - икки **пул** олар эди (Рав.89).

**10. Тахминий ҳисоб учун қўлланадиган нумератив сўзлар:** Достонлар матнида суяқ ёки каттиқ жинсдаги предметларнинг оғирлигини ўлчашда жуда кўп отлар шу предметлар ўлчовини ифодалаш учун НЛ вазифасида ишлатилади. Бу сўзлар аслида от туркумига оид бўлса-да, [сон+НЛ+предмет] қолипида қўлланилиб, аниқ оғирлик ўлчовини эмас, тахминий ҳисобни кўрсатади. Бундай сўзларга **коса** (А.і=22; Р.і=2), **қоп** (А.і=3), **том** (А.і=1; Р.і=6), **хум** (А.і=1), **лаъли** (Р.і=5), **лаган** (Р.і=4) кабилар киради.

Предметларнинг жойлашган ўрнига қараб ҳисобни кўрсатувчи нумеративлар: Орзигул бир **коса** сувни қўлига олиб..(О.39). Икки

*шиша*да дори берди (О.75). қирқ ошпаз қирқ *қозонни* осиб ошни пишириб ётибди (Алп.353). Неча *хум* ароқни ичиб // Энди маст бўп қолди қайсар (Алп.224). Мома, сенинг хизматингни билайин // Бир *қоп* эмас, тўрт *қоп* тилла берайин (Рус.359). Кампир бир *лаган* танга тугул ўн *лаъли* тиллани Равшандан аямайди (Рав.39)...оловдай қобиниб, бир *қути* гургутдай бўлиб ўт олиб кетгандай бўлди (Рав.29). Шунда бориб бир томни очди - кумушга тўла, бир томни очди - тиллага тўла, бир томни очди - мисга, ғўлага тўла; бир *том* найза, бир *том* қилич, бир *том* совут, бир *том* қалқон (Рав.24).

Предметларни ташувчи восита номи билан ўлчовини кўрсатиш учун *арава* (А.і=2; Р.і=1), *эшак* (А.і=1), *туя* (А.і=18; Р.і=1) сўзлари қўлланади: Ғазнадан тилла олиб, қирқ *хачирга* ортди (О.60). Султонхон ўз фуқаросига бир *эшакдан* ўтин буюрди (О.36). Қирқ *хачирга* кўхна ароқ, қирқ *хачирга* саримой билан қаймоқ, тўрт юз нор *туяга* озиқ-овқат юклаб, Аскартоққа жўнатди (Ой.10). Тўрт юз *аравага* ортиб юборсин //Ипак гилам, кимхоб, атлас, шойини (О.85).

Хуллас, [сон+НЛ+предмет] колипидан юзага келган ҳосила ҳажм, оғирлик, узунлик маъноларини ифодалаш учун восита бўлади. Нумеративлар, асосан, сон билан қўлланади. Предметнинг микдорий образини юзага келтиришга нумератив сўзлар асосий ўринни эгаллайди.

### 1.6. Феъл сўз туркуми

Феъллар ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи тил бирлигидир. Феълларнинг характерли морфологик белгиларидан бири унинг тусланишидир. Тусланиш феълдаги лексик маънони ўзгартирмайди, балки ҳаракат билан боғланган шахс-сон ва замон каби маъноларни аниқлайди. Феъллар ўтимли-ўтимсизлик, даража, майл каби категорияларга ҳам эга. Буларнинг махсус аффикслар орқали, айрим ҳолларда эса ўзакнинг ўз лексик хусусияти орқали ўқилишини кўрамиз<sup>89</sup>.

Ўзбек тилшунослигида феълларнинг лексик-семантик ёки мавзувий гуруҳларга ажратиб ўрганилган. Бу соҳада И.Қўчқортоев<sup>90</sup> ўзбек адабий тилида нутқ феълларининг 8 лексик-семантик гуруҳга,

<sup>89</sup> Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент, 1957.- 377-381 б.

<sup>90</sup> Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. Тошкент, 1977.- 55 б.; Ўзбек тилида нутқ феълларининг валент таҳлили. -Тошкент, 1978.

Р.Расулов<sup>91</sup> ҳолат феълларининг 9 ЛСГга, Ў.Шарипова юмуш феъллари, Б.Бафоев<sup>92</sup>нинг Навоий асарлари тилида феълларни 7 гуруҳи, С.Муҳаммедованинг йўлланма ҳаракат феъллари, А.Собиров<sup>93</sup>нинг ҳаракат ва ҳолат ифодаловчи феъл сўзларнинг лексик-семантик гуруҳларининг системавий таҳлилига бағишланган тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Ушбу тадқиқотларни ўрганиб чиқиб дostonлар тилидаги феълларни қуйидаги лексик-семантик гуруҳга ажратиб ўргандик:

1. Юмуш феъллар: *абзалламоқ* (A.i=4; P.i=1), *эгарламоқ* (A.i=6; P.i=1), *қашантирмоқ* (A.i=1), *қантармоқ* (отни совутмоқ учун тўхтатмоқ) (A.i=3; P.i=2), *онг қилмоқ* (насия қилмоқ) (A.i=1), *чўктармоқ* (чўктирмоқ, туяга нисбатан) (A.i=1).

1. Субъектив ҳукм феъллар: *дўқламоқ* (A.i=10; P.i=3), *жиримоқ* (баҳслашмоқ, тортишмоқ) (A.i=1; P.i=1), *мойтармоқ* (дилга озор бермоқ) (P.i=1), *наза қилмоқ* (кўнглини чўктирмоқ) (A.i=1), *наҳ урмоқ* (камситмоқ) (A.i=1), *улгу қилмоқ* (A.i=1).

2. Гапирув феъллар: *тилга энмоқ* (A.i=1), *жорий қайтармоқ* (айнан такрорламоқ) (A.i=4), *жиланмоқ* (эланмоқ) (A.i=2), *синосиб бўлмоқ* (сухбатдан ўтмоқ) (A.i=1).

3. Сукут феъллар: *димламоқ* (P.i=1), *битмоқ* (жони узилмоқ) (A.i=7; P.i=4), *тун қотмоқ* (бедорлик) (P.i=1), *ченггамоқ* (тингламоқ) (P.i=1).

4. Ифодалов феъллар: *жўрамоқ* (тушнинг таъбирини айтмоқ) (A.i=4), *онгимоқ* (ақл-идрок билан тушунмоқ) (A.i=1), *тусмолламоқ* (тахмин қилиб кўрмоқ) (P.i=3), *ағдариб сўрамоқ* (батафсил сўрамоқ) (A.i=1).

5. Талаффуз феъллар: *аҳаламоқ* (A.i=2), *арқирамоқ* (A.i=1), *ариллаб* (P.i=1), *бўзламоқ* (A.i=15; P.i=10), *чувулламоқ* (A.i=3), *чақчақлашмоқ* (A.i=1; P.i=1), *лоловлашмоқ* (A.i=2), *ловламоқ* (P.i=1), *чувламоқ* (A.i=6; P.i=3), *дўнгилламоқ* (A.i=1), *тўнгилламоқ* (A.i=1), *пўшитламоқ* (P.i=2), *қўзимламоқ* (A.i=1)

6. Нутқий даъват феъллар: *қимтимоқ* (бирор ишни тезроқ бажаришга ундаш) (A.i=1), *аврамоқ* (ваъдалар билан алдаб-сулдаб кундирмоқ) (A.i=2).

<sup>91</sup> Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. -Тошкент, 1989; Ҳолат феълларининг лексик-семантик гуруҳлари ва уларнинг валентлиги. -Тошкент, 1991.

<sup>92</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1983.- 21-27 б.

<sup>93</sup> Собиров А.Ш. Ўзбек тилида лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш: Док. дис. автореф. -Тошкент, 2004. - 60 б.

7. Ҳолат феъллар. Достонлар тилида феълларнинг салмоқли қисмини шахс ёки предметнинг ҳолати ва шунга боғлиқ ҳолда юзага келувчи ҳаракатни ифода қилувчи феъллар ташкил қилади. Улар қуйидагилар:

а) табиий ҳолат феъллар: *бўйламоқ* (A.i=2; P.i=1), *тинжирамоқ* (жимираммоқ) (P.i=1), *тобламоқ* (эшмоқ, чиройли қилиб ўрмоқ (соч ҳақида)) (P.i=4), *балқимоқ* (юзининг қизариб туриши) (A.i=2; P.i=1).

б) рухий ҳолат феъллар: *аччиқланмоқ* (A.i=19; P.i=3), *жўймоқ* (руҳини эзмоқ) (P.i=1), *мўнғаймоқ* (A.i=7), *музоймоқ* (кайфиятсиз ўтирмоқ) (A.i=10), *хун давломоқ* (хунини талаб қилмоқ) (A.i=2; P.i=1), *қабармоқ* (кўнгли қолмоқ) (A.i=1; P.i=1), *қабинмоқ* // *қопинмоқ* (ёнмоқ, куймоқ) (P.i=2).

в) физиологик ҳолат феъллар: *адашмоқ* (A.i=14; P.i=6), *варқирамоқ* (кучли ҳаракат билан терлаб, қизиб кетмоқ) (P.i=2), *сандирамоқ* (довдирамоқ) (A.i=4; P.i=2), *тезланмоқ* (P.i=2), *хезланмоқ* (олдинга интилмоқ) (P.i=3), *аймашмоқ* (ўралиб олмоқ, чирмашмоқ) (A.i=5), *тўбалашмоқ* (A.i=1).

г) образли ҳолат феъллар: *лўкилламоқ* (A.i=1), *селангламоқ* (A.i=2), *чилтонгламоқ* (A.i=1), *чўчангламоқ* (P.i=1), *чўгармоқ* (A.i=2; P.i=1).

д) фақат инсонга хос ҳолатни ифодаловчи феъллар: *ангнимоқ* (кузатмоқ) (A.i=4), *хўрозланмоқ* (A.i=1), *зинкаймоқ* (тик турмоқ) (A.i=9), *анғқаймоқ* (хайрон қараб турмоқ) (A.i=1; P.i=1), *қайқаймоқ* (A.i=5), *тараққос бойламоқ* (хаёли паришон бўлмоқ) (P.i=1), *аймашмоқ* (устма-уст, уйилиб ётмоқ) (A.i=5).

8. Ҳаракат феъллар. а) фақат инсонга хос ҳаракат ифодаловчи феъллар: *дўланмоқ* (тўлғанмоқ) (A.i=1), *иярмоқ* (эргашмоқ) (A.i=9; P.i=4), *ийсинмоқ* (иймоқ, эримоқ) (A.i=1), *кертилмоқ* (майдаламоқ, кесмоқ) (P.i=1), *доримоқ* (тенг келмоқ, ораламоқ) (A.i=5).

б) ҳайвонларга хос ҳаракат ифодаловчи феъллар: *йўртмоқ* (аста юрмоқ) (A.i=2; P.i=5), *жилпимоқ* (ирғимоқ) (A.i=1; P.i=1), *жуптақ ташламоқ* (отнинг ўйноқлаб юриши) (A.i=1), *селдаланг отмоқ* (сакрамоқ) (A.i=1), *ўмгаламмоқ* (сакрамоқ) (A.i=1), *асирламоқ* (тез, илдам юрмоқ) (P.i=2). Достонлар тилида учровчи феълларни яна кўплаб мавзувий гуруҳларга ажратиб кўрсатиш мумкин. Достонлар тилида қўлланилган, лекин адабий истеъмол ишлатилмайдиган феъллар ҳам кўплаб мавжуд. Булар: *чангғирмоқ* (A.i=1), *чилтонгламоқ* (A.i=1), *порт бўлиб қолмоқ* (A.i=1), *сатқанг бўлмоқ* (A.i=4), *савашмоқ* (A.i=3), *себламоқ* (A.i=1), *шовшатмоқ* (A.i=1),

*шубанмоқ* (A.i=1), *тайрангламоқ* (A.i=1), *ақлашмоқ* (A.i=1) ва бошқалар.

Айрим феълларни мисоллар асосида таҳлил қиламиз: *Ангишламоқ*, *ликилламоқ*, *чўлтангламоқ*, *қилпилламоқ*, *лўкилламоқ*, *дингирламоқ*, *диркилламоқ*, *селкилламоқ* каби феълнинг аташ маънолари бир хил, аммо ифода маънолари ҳар хилдир. Ушбу сўзларни боғлиқ куршовда кўриб чиқамиз. Масалан: *Ангишлаб* бу «Қултой» кетиб боради (Алп.336). ..хонинг Чибори *лўкиллаб* йўртди (Алп.112). Ана энди ёш йигит *диркиллаб*, ўйнаб кўчанинг юзи билан сакраб кетаберди (Рав.19). Қир келса *қилпиллатди* (Алп.88). Бедов отлар *диркиллаб* (Алп.87). Равшанбек қараса, бир одам, ёлдор, думдор бир жийрон отни йўрғасига солиб *селкиллаб*, ҳа деб йўрғалатади.. (Рав.39). Ҳала қилса, дингиллар эди (Рав.89). *Чўлтонглаб* кўринди Чибор қуйруғи (Алп.336). Қамчи урса ўйнайди, // Чўлларда *дирка-дирка* (Я.Аҳм.227).

Ушбу қатордаги сўзларнинг асосий тушунчаси «иккала орқа оёғини кўтариб ирғишламоқ», яъни «от» сўзига нисбатан ишлатилади. Аммо куршов талаби билан «инсон» сўзига ўтган. Маънодошлик қаторидаги сўзларнинг умумий аташ маъноси бир хил, аммо маънодан англашилган «ҳаракатнинг тез ёки секинлик» даражаси ҳар хилдир. Бундан ташқари, *ангишламоқ*, *чўлтангламоқ* сўзлари «достонлар тилига хослик» ифода маъносига бирлашади.

Таҳлилга тортилган сўзларга диққат қилсак, уларнинг кўпчилиги «Алпомиш» достонида қайдланган феъллардир. Юқорида қайд этилган лексик-семантик гуруҳларни умумлаштирганимизда феъллар жами 1399 та бўлиб, кейинги даврда адабий истеъмолдан чиқиб қолган, фақат достонлар тилига хос феъллар А.=288 та, Р.=188 та бўлиб, улар умумий матн ҳажмининг А.=0,355 % ини, Р.=1,328 % ини ташкил қилади. Булар орасида *-б*, *-иб* аффикси билан 838 та, *-ган* (*-кан*, *-қан*) 234 та, *-р*, *-ар* 99та, *-гин* (*-қин*, *гин*) 79 та, *-май* аффикси билан 87 та ясалган сўзлар кўп қўлланган. *-ган* аффиксининг *-тан*, *-гай* аффиксининг *-гай*, *-гой*, *-гудай* аффиксининг *-қудай*, *-гудай* аффикслари билан ясалган феъл шакллари кам қўллангани аниқланди. Масалан: *берагойсанг* (A.i=4; P.i=2), *айттан* (A.i=2; P.i=3); *боққудай* (A.i=4; P.i=2).

## 1.7. Равиш сўз туркуми

Равишлар бирон сўз билан грамматик алоқага киришганда, ўз шаклини ўзгартирмайди, ҳеч қандай аффикс олмайди. Шакл жиҳатдан ўзгармаслик равишнинг хусусиятларидан биридир<sup>94</sup>.

Достонлар тилидаги равишлар иш-ҳаракатнинг белгисини билдириб, ҳолат, ўрин, пайт, мақсад, миқдор-даража маъноларини ифодалайди. Бу қуйидагилар:

1) **давомли, йўл бўйи бажарилган ҳаракат маъноси: Йўл-йўлакай** йўлга гулмих тўктирсанг // Авайлаб узади ўзбакнинг оти (А.123).

2) **ҳаракат узунасига қараб эмас, балки энига қараб, эни бўйлаб бажарилиши маъноси:** Бек Равшаннинг кўнглини очиб, қушдай учиб, маст от ёш йигитни **кўндаланг-кўндаланглаб** олиб бораётир (Рав.10). **Кўндаланг-кўндаланглаб** (Р.і=1) сўзи эса, фикрни таъкидлаб, кучайтириб ифодалаган.

3) **ҳаракат галма-гал бажарилиши маъноси:** Қирқ паризод бир-бир алёр айтиб, коса сузиб бера берди, булар **бирин-кетин** маст бўлиб ётиб қолди (Ой.11).

4) **«шунчаки», «жуда ҳам секин» маъноси:** Сизлар **аста-аста** кета беринглар, - деб ўта берди (Алп.89). ўз юртига бориб даврон сурмайми // Мастонмисан, **жўн** ўтирсанг бўлмайми? (Алп.47). Остидаги **зан** маст отлар // Гоҳ йўлларда олиб қочиб (Алп.213). **Зан** (А.і=2), **жўн** (А.і=1; Р.і=2) сўзлари қипчоқ шеваларида қўлланилиб, **зан** «ниҳоятда», «жуда ҳам», **жўн** «тўғри», «шунчаки» маъноларини англатади.

Алпомиш Қўлтойнинг кийимларини кийиб, елкасига жанда-жундани қўйиб, кебанакни устидан **елбагай** кийиб, сиртидан белини бўғиб... (Алп.333). **Елбагай** (А.і=1) сўзи қипчоқ шеваларида ҳам ишлатилиб, кийимини киймасдан елкасига солиб юриш маъносини англатади.

5) **иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни маъноси:** Лашкари тоғнинг **нариги** ошувида қўниб ётган эмиш (Ой.12). Тағин келиб қалмоқ билан // Шаҳар **ичра** аралашди (Алп.292). **Нарёқ** бети чуқур зиндон кўрибди тойиб тушган ери белгили турибди (Алп.258). **Бир ёқдан** от қўйди қалмоқ // Бунда ажаб уруш бўлмоқ (Алп.180). Кетган **ёгин** менга айтгин, норимни (О.44). Аҳмадбек **бир ёгдан** оғиз очдириб, кириб чиқадиган қилиб қўйди (Ойч.241).

<sup>94</sup> Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент, 1957.- 469 б.

**Ёз** сўзи «томон», «тараф» маъносини билдирган. Масалан: Бу жаҳонда кимим бор, // Энди **қайн** кетайин (Ойч.58). **Қайн** сўзи да соддаланиш ҳодисаси юз берган бўлиб, *қайси ён* – «қайси томон», «қайси тараф» маъноларини ифодалаган.

б) **иш-ҳаракатнинг юзага келиш пайти маъноси**: **Богонази** сўзимни айтманг турама (Алп.120). ўйлаб турса менинг кўнглим **боязи** (Алп.384). Мен билдим, **янгимда** сўраб тураман (Алп.272). Наяки тортган одамдай гўнг-гаранг бўлиб, қулоғига гап кирмай, икки кўзи қизариб **не пиллаларда** уйига келди (Рав.37). **Бир пилла** уҳ деб далага чиқди (Рав.37). Шаҳарга **у замон** яқинлаб етди (Рус.416). **Янги** кеп кўргансан қалмоқ элини (Алп.133). **Ҳозир** боришимиз бежой бўлади (Алп.135). **Оқишом** ётди, боз тонг отди, // **Эрта-мертан** хабар қилди (Рус.419).

**Ҳозир** (А.і=44; Р.і=8), **боязи** (А.і=1), **богонази** (А.і=6), **янги** (А.і=21; Р.і=2), **янгимда** (А.і=2) сўзлари синонимик қаторни ташкил қилиб, **ҳозир** «китобийлик, оммабоплик» ифода маъносида, **богонази, боязи, янги, янгимда** «достонлар тилига хослик» маъносида кўпроқ қўлланиши кузатилади. Бундан ташқари, уларнинг маъносида ҳам қисман фарқ мавжуд. **Ҳозир** нутқ сўзланиб турган пайтнинг ўзида, **янги** нутқ сўзланиб турган пайтдан сал олдин, **боязи, богонази** сўз бораётган пайтдан бирмунча олдин каби маъноларни билдиради. **Янги, янгимдадан** ҳам, **боя, боязи, богоназидан** ҳам қандайдир дақиқалар орасида фарқ қилади. **Янги** ҳозирни, **янгимда** ўтмишни ифодалайди.

7) **иш-ҳаракатнинг миқдорий сифати, даражаси маъноси**: Бу гапни Алпомиш айтди, карвонларга **пича** ботиб кетди (Алп.313). ҳайбати салмоғи унинг **анча** бор (Алп.363). Яхши ёр боқади ёрга // **Хўп** талашиб номус-орга (Ой.50). **Хўп** сўзи «ниҳоят даражада», «роса» маъноларини англатади.

8) **«фақат», «нуқул» маъноси**: Шундай қараса, икки юзча **сатта** бўз бола, катта ходанинг ичига бир катта чопонни бойлаб, мойга ботириб, машғал қилиб ёқиб келаётибди (Рав.37). Камликни кўрмаган **сатта** бойбачча (Алп.14).

9) **«жуда», «роса» маъноси**: «Жайрағирга бир бало бўлди деб // Шапақдан ўтмади, **тоза** ўлди деб (Алп.147). Алпомиш бу хонга харба қилмади // Қайта бошдан **яна** чохга тайлади (Алп.304). Оқшом ётди, **боз** тонг отди (Рус.419). **Таги** бир гап бор (Рус.408). **Яна** (А.і=52;Р.і=5), **таги** (А.і=29) (**тагин** (А.і=3;Р.і=6)), **боз** (А.і=2;Р.і=3) синонимик қатор ҳосил қилиб, **яна** «китобийлик, оммабоплик»,



«замонавийлик» ифода маъносида қўлланса, **тағи (тагин)** «сўзлашув нутқиға хослик», «янгилик», **боз** «достонлар тилиға хослик», «эскирганлик» маъносида кўп қўлланади. Мендайин ойимнинг холин билганга, // Мени излаб **оша** элдан келганга (Алп.121). **Оша** сўзи бу ўринда «узоқ», «бегона» каби маъноларни англатиб, равиш вазифасини ўтамоқда. Бундан ташқари, «роса», «жуда» маъноларини англатади. Сен билмайсан, куллар **оша** зўрабор // Ҳаммаси ҳам бўлиб кетди ҳукмдор (Алп.333). Хуршидой **тақ** ўн беш кун йўл тортди (Хур.212).

### 1 боб юзасидан қисқача хулоса


1. Ўзбек халқ достонларининг тил хусусиятларини статистик тадқиқи ўзбек халқи, тил тарихи, ҳозирги ўзбек тилининг ривожланиш босқичларини аниқлашга, луғат бойлигимизни мукамаллаштиришга катта ёрдам беради.

2. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларида мустақил сўзлар серунум қўлланилиб, турли хил услубий вазифаларни бажаришга хизмат қилган. Уларнинг қўлланиши деярли ўзбек адабий тилидаги мустақил сўзларга мос келади. Аммо достонлар тилида учрайдиган айрим ўзгаришлар, фарқли жиҳатлар қардош туркий тилларнинг ва бошқа тилларнинг таъсирида юзага келган.

3. Мустақил сўзлар хусусидаги тақлиллар натижасида юзага келган лингвистик маълумотларни умумлаштирган ҳолда, уларнинг қўлланиш частотасига мувофиқ статистик структурасини юзага келтирамыз:

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
К	1959	1399	1359	1289	465	420	328	257	69	62	46	31
В Алп	0,139	0,589				0,149	0,046		0,019		0,009	
В Рав			0,192	0,182	0,131			0,182		0,026		0,017

Жадвалларда келтирилган статистик маълумотлар асосида достонларда қўлланилган мустақил сўзларни қуйидаги графикда тасвирлаймыз:



Графикда А. достонидаги (1-катор) ва Р. достонидаги (2-катор) мустақил сўзларни солиштирганимизда, максимал кўтарилиш нуқтаси А. достонида 2, 6 га, Р. достонида 2, 4, 6, 8 га тенгдир. А. достонига нисбатан Р. достонидаги мустақил сўзларнинг қўлланиш даражаси юқоридир. Бунда ташқари, уларни фоиз ҳисобида таҳлил қилинганида қуйидаги маълумотлар олинди:

От = А. 1597 та // 11,4%; Р. 1359 та // 19,2%

Сифат = 425 та // 3,02%; Р. 245 та // 3,4%

Сон = 54 та // 0,4%; Р. 28 та // 0,4%

Олмош = 17 та // 0,1%; Р. 20 та // 0,28%

Равиш = 266 та // 1,9%; Р. 238 та // 3,3%

Феъл = 1399 та // 9,9%; Р. 1100 та // 15,5%

4. Достонлар тилида от сўз туркуми энг юқори кўрсаткични кўрсатиб, сўз туркумлари орасида доминант шакл сифатида қаралган. Отнинг жинс, эгалик, келишик, кўплик категориялари ҳам маълум бир услубий вазифа бажарган. Келишик ва эгалик қўшимчаларининг миқдор жиҳатдан кўп бўлиши уларда оҳангдошликни таъминлаш устиворлиги билан изоҳланади. Келишик қўшимчаларнинг хилма-хил кўринишларга эга бўлишдан қатъий назар ўзбек халқ достонлари тилида ўзбек адабий тилидагидек олтига келишик мавжуд. Умуман, келишик ва эгалик қўшимчаларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг бошқа воситалар билан синонимияси достонлар тилида экспрессивлик, таъсирчанликни таъминловчи восита сифатида стилистик нозикликларни ифодаловчи восита бўлиб хизмат қилган. Матнда вужудга келган турлича функционал-стилистик вазиятлар эгалик ва келишик қўшимчалари ўзи бирикиб келаётган бирликларнинг семантик маъноси ва оттенкаларини кенгайтириб боришига сабаб бўлади.

Достонлар тилида кўплик категорияси грамматик ва лексик кўплик ҳосил қилувчи воситалар ёрдамида ифодаланади. Улар нафақат кўплик, балки «**бир қанча**», «**кўплик+ўхшаш**», «**кўплик+жамлик**», «**кўплик+ чама-тахмин**» каби маъноларни юзага чиқаради. Бу эса, кўплик категорияси услубий восита вазифасини бажариши, луғавий ва услубий имкониятларининг кенглигидан далолат беради.

5. Достонлар тилида сифат сўз туркуми ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Сифат сўз туркумидан ранг ва ранг-тус билдирувчи сўзлар унумли қўлланган. Ранг билдирувчи сўзларнинг кўчма маънолари контекстуал бўлганлигидан, уларнинг маъно хилма-хилликлари ва маъно қирралари, улар боғлиқ қуршовидаги сўзлар воситасидагина яққол англашилади. Бу эса, синонимик қаторлар ҳосил қилади, мавжуд маънодошлик уялари эса, маънодошлик компонентлари сони жиҳатдан ошишига сабаб бўлади. Маънодошликдан кенг фойдаланиш тилнинг поэтик тасвирда бойлик даражасини кўрсатса, бадий асарда ижодкорнинг улардан фойдалана олиш, яъни бахшининг поэтик маҳорати даражасини кўрсатади.

Ранг-тус билдирувчи сифатлар отларнинг белгисини ифодалаб, бошқа ҳайвонларга нисбатан қўлланмайди. Ранг-тус билдирувчи сифат сўзлар достонлар тилида нутқнинг аниқ, образли бўлишини, поэтик таъсирчанлик ва оҳангдорликни таъминлашга хизмат қилган.

6. Олмошлар ҳам ўзбек халқ достонлари тилида самарали ишлатилиб, услубий роли беқиёсдир. Олмошларнинг деярли барчаси тортилиши ҳодисасига учраб, бунда сўз шаклларини бутун бир бўғини ёки айрим унли, ундош фонемалар туширилиб талаффуз этилади. Бу ҳодиса оғзаки ижро жараёнида маънога путур етказилмаган ҳолда, талаффузни мукамал даражада осонлаштиради.

7. Таҳлилга тортилган достонларга диққат қилсак, уларда от сўз туркумидан сўнг юқори кўрсаткични кўрсатган сўз туркуми феъллардир. Юқорида қайд этилган лексик-семантик гуруҳларни умумлаштирганимизда феъллар жами 1399 та бўлиб, кейинги даврда адабий истеъмолдан чиқиб қолган, фақат достонлар тилига хос феъллар А.=288 та, Р.=188 та бўлиб, улар умумий матн ҳажмининг А.=0,355 % ини, Р.=1,328 % ини ташкил қилади. Булар орасида **-б, -иб** аффикси билан 838 та, **-ган (-кан, -қан)** 234 та, **-р, -ар** 99та, **-гин (-қин, гин)** 79 та, **-май** аффикси билан 87 та ясалган сўзлар кўп қўлланган. **-ган** аффиксининг **-тан, -гай** аффиксининг **-гай, -гой, -гудай** аффиксининг **-қудай, -гудай** аффикслари билан ясалган феъл

шакллари кам қўллангани аниқланди. Масалан: *берагойсанг* (А.і=4; Р.і=2), *айтман* (А.і=2; Р.і=3); *боққудай* (А.і=4; Р.і=2).

8. Достонлар тилида мавжуд равишларнинг жуда ранг-баранг ва мураккаблиги, бир томондан, шеваларнинг, иккинчи томондан ёндош тилларнинг баракали таъсиридандир. Равишлар ўзининг семантик ва грамматик белгилари жиҳатдан адабий тилга мос келади. Достонлар тилида ишлатилаётган равишлар қўлланиши, айрим морфологик кўрсаткичларни қабул қилиши, турли фонетик позицияларда турли шаклларга кириши, достонлар тилига хос равишларнинг мавжудлиги ёки адабий тилда ишлатиладиган равишларнинг айримлари достонлар тилида ишлатилмаслиги ва акси, достонлар тилида фаол ишлатиладиган айрим равишларнинг адабий тилда ишлатилмаслиги каби хусусиятлар билан фарқ қилади.


## II БОБ

# ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИДА УМУМИЙ НОКАТЕГОРИАЛ МАЪНОГА ЭГА БЎЛГАН СЎЗЛАРНИНГ ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАДҚИҚИ

### 2.1. Достонлар тилида ёрдамчи сўзлар

Умумий категориал маънога эга бўлмаган сўзлар мустақил лексик маънога эга бўлмайди, гапда мустақил бўлак вазифасида кела олмайди. Улар турли хил грамматик маъноларни ифодалайди. Шу хусусиятига кўра улар ёрдамчи сўзлар саналади<sup>95</sup>.

Ёрдамчи сўзларнинг ўрганилиш тарихини кузатиш шуни кўрсатадики, ёрдамчи сўзлар сираси масаласи ҳам охирига етмаган. Айрим birlikларнинг қайси гуруҳга кириши мунозарали бўлса (-ки, -ким, -гина), айримларини муайян гуруҳга ҳамма беистисно киритса-да, баъзи вазифалари ўз гуруҳи умумий маъносига мос келмай қолади<sup>96</sup>. Бу фикрдаги мулоҳазаларни қуйидаги схемада тасвирлаш мумкин:



#### 2.1.1. Кўмакчи сўз туркуми

<sup>95</sup> Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-қисм, -Тошкент: Ўқитувчи, 1980.- 213 б.

<sup>96</sup> Исаков З.С. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни: Номз.дис.авторреф. –Фарғона, 2005.- 12 б.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилаётган кўмакчиларнинг кўпчилик қисми бу тилда анча илганидан мавжуд. Бир томондан, улардан айримлари илгари қандай маъно ифодалаган бўлса, ҳозир ҳам шу маъноларини сақлаган, иккинчи томондан кўмакчи сўзлар системасида турли хил ўзгаришлар юз берди: янги кўмакчилар пайдо бўлди, айрим кўмакчилар истеъмолдан чиқди, айрим кўмакчиларнинг маъно ва вазифасида ўзгаришлар бўлди<sup>97</sup>.

Кўмакчилар ўз лексик маъноларига эга бўлмаса-да, вазифасига кўра бир-биридан фарқланадиган ва ўз грамматик маъносига эга бўлган шакл сифатида гапда объект билан предикат орасидаги синтактик муносабатни ифодалашга хизмат қилади. Кўмакчилар грамматик жиҳатдан ўзгармайди (турланмайди ва тусланмайди), улар ҳозирги ўзбек тилига оид асарларда икки гуруҳга бўлиб ўрганилади: **билан, учун, каби, сари, сайин, қадар** каби мустақил маъносини тамоман йўқотган соф кўмакчилар ва **устида, остида, олдида, соясида, сўнг, кейин, илгари қараганда, кўра** каби мустақил сўзлардан (от, сифат, равиш, феълдан) кўмакчиликка кўчган, кўмакчи вазифасида ҳам ишлатиладиган сўзлардир. Шунинг учун ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан бири бўлган дostonлар тилида қўлланилувчи кўмакчи сўзларни икки гуруҳга бўлиб ўргандик: соф кўмакчилар, функционал кўмакчилар.

### **Соф кўмакчи сўзлар**

Соф кўмакчи сўзлар ўзбек тилшунослигида атрофлича ўрганилган лексик-грамматик парадигмалардан биридир. Соф кўмакчилар релятив муносабатнинг яратилишига хизмат қилувчи тил бирлиги эканлиги, бу бирликларнинг табиати ва грамматик хусусиятлари ҳақида махсус илмий ишларда, ўнлаб қўлланма ва дарсликларда ўз ечимини топган. Шу сабабди бу масалага атрофлича тўхташни лозим топмадик. Фақат дostonлар матнларида қўлланиш даражасини ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Дoston матнларида **билан** (А.и=399; Р.и=153) кўмакчисининг **-ила** (А.и=1; Р.и=2), **-ла, минан** (А.и=1), **ман** (А.и=110; Р.и=25) шакллари

<sup>97</sup> Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти. 1-том, Морфология. –Тошкент: Фан, 1988.- 138-139 б.

қўлланилган бўлиб, унинг вариантлари этимологияси ҳақида тилшунослар ҳар хил фикрлар билдирганлар<sup>98</sup>.

**Билан** ўз маънолари билан эркин қуршовларда қўлланилади. Гапда қандай мазмун воқеалашаётганини фақат катта матн (макроконтекст) орқали аниқлаш мумкин. Шу жиҳатдан **билан** дoston матнларида жуда кўп, хилма-хил маъно нозикликлар билан фарқланади.

**Билан** бош келишик шаклидаги от ва отлашган сўзлар билан бирга келиб қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**1. Биргалик маъноси.** Бу маъно [**шахс билдирувчи от + билан**] қолипнинг ҳосиласидан юзага чиқади: Отларни ўтга қўйиб энаси **билан** бунда турди (Рус.395). Анг ўзбеклар **била** кетиб боради (Алп.217). Сизлар **билан** савашмоққа \\ Қиличимни қўлга олай (О.48).

**Билан** бирикиб келган сўзнинг ва бошқарувчи феълнинг лексик маъносига кўра биргалик маъноси қуйидаги маъно нозикликларига эга бўлади:

а) бирор предмет объект сифатида иштирок этиши маъноси [**предмет номи+билан**] қолипнинг ҳосиласидан ифодаланади: Кунботирнинг ёв-яроғини, тулпор отини, қирқ йигитнинг ҳам ёв-яроғи **билан** минадиган отини ўлжа олдим (О.12). ...бўсағанинг олдида ковушга жой бермай, ковуш **билан** аралашиб, пойга бетда ётар эди (Алп.20).

б) ҳаракатнинг бажарилишида асосий бажарувчи билан биргаликда иштирок этади: Элибойман мен ҳам ахмоқ бўлибман (Алп.34). Жаллодларман қон тўкишиб кўрайин (Рус.374). Мард Ҳасан **билан** қучоқлашиб... (Рав.85).

в) бўлаётган ҳодисаларга, предметларга тавсиф беради ва восита маъноси билан бирга ифодаланади: От анжоминг **билан** Оқтош боринглар (Рус.365). ...йиғлаб-йиғлаб тўрасидан жавоб олиб, жаҳл **билан** жойига келди. (Рав.62).

Биргалик маъносини янада кучайтириш учун **билан** кўмакчиси **бирга** сўзининг қўлланиш ҳоллари учрайди: Отлар қарсоқдай қотган, тўксон кеча-кундуз йўл тортган, балки чопарлар от **билан била** битган,... (Алп.72). Қайтиб отам **билан бирга** турарман (О.12). Офтобойман **бирга** у замон қизлар (Рус.432).

<sup>98</sup> Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. -М.-Л., 1960.- с.110; Кононов А.Н. Послелог в современном узбекском литературном языке. - Ташкент, 1951. - с.11; Рустамов Т. Ўзбек тилидаги билан ёрдамчиси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1962.-№ 5.- 20 б.; Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. -Тошкент, 1965. - 37 б.; Рустамов Т. Соф кўмакчилар. -Ташкент, 1991.- 19 б.; Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. -М., 1988. -с.496.

Мисолларда кўриниб турибдики, **билан бирга** бирикмасида биргалик маъноси кучаяпти. (Отам билан бирга) куршовида эса, бирон бошқа шахс билан эмас, балки фақат отам билан биргаликда ҳаракат бажарилиш таъкидланаяпти. Гапларда икки маъно: 1) отаси билан борган (Офтобой билан); 2) бошқа ҳеч ким билан эмас пресуппозиция мавжуд бўлиб, биринчиси тасдиқ, иккинчи маъно инкор қилинган. Икки зид конструкциядан бир тасдиқ характердаги гап шаклланган.

**2. Сабаб маъноси.** Душман **билан** йўлиқса, // Тоша келар ғайрати (Рус.377). Ёр сўзиман шердил бўлиб кетади (Алп.164). Менманликман бизнинг алплар ўлади (Алп.165).

**Билан** сабаб маъносини ифодалаганда, айрим вақтларда жўналиш келишиги билан параллел қўлланади<sup>99</sup>. Бундай қўлланишда услубий фарқ мавжуд: билан кўмакчили конструкция «китобийлик» ифода маъносига, жўналиш келишигидаги конструкция «достонлар тилига хос» ифода маъноси билан фарқланади. Душман **билан** йўлиқса \\ душманга йўлиқса.

**3. Мақсад маъноси.** Бу қалмоқ қимизни биздан ирим **билан** сўраяпти. (Алп.49). Ихлос **билан** Орзигул турди жойидан, бориб отнинг сағриси силади (О.14). Ундан кейин сени мен жоним **билан** баробар кўраман, тепамга кўтараман (Рав.53).

**4. Қурол-восита маъноси.** ...канизнинг билагига қамчи **билан** солди (Алп.49). қочганин найзаман санчиб (Алп.194). ...мен бориб бир кўзимни қўлим **билан** ёпиб, бир кўзим **билан** келайин...(Рав.39).

Барча тил бириклари каби маъно ҳам нутқда воқеалашади, юзага чиқади, ўхшашлик ва қўшничилик муносабатларида акс этади. Шунга кўра, қурол-восита маъносининг қуйидаги маъно нозикликлари воқеалашади:

а) восита маъноси ҳаракат содир бўлган предмет сатҳи маъноси англашилади: Равшанбек пиёда йўртиб, кўчанинг юзи **билан**, қизларнинг изи **билан** уриб югуриб, қизларни излаб кетаберди (Рав.39). Шу йўл **билан** отини чу деб йўртиб қирга чиқди... (Рав.30). Келтирилган мисоллардаги **билан** кўмакчиси **-дан** чиқиш келишиги қўшимчасига синонимик муносабатда бўлиши мумкин. Мисолларга

---

<sup>99</sup> Туйчибоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сабаб муносабатини ифодалаган от бирикмалар синонимикаси // Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. -Тошкент, 1981.- 176 б.; Кононов А.Н. Послелогии в современном узбекском языке.-Ташкент, 1955.- с.12; Фулом А. Ўзбек тилида келишиклар // Фанлар Академияси Ўзбекистон филиалининг асарлари. 2-серия, филология, 2-китоб, -Тошкент, 1941.- 66 б.



эйтибор беринг: кўчанинг юзи **билан** // кўчанинг юзидан; қизларнинг изи **билан** // қизларнинг изидан; шу йўл **билан** // шу йўлдан.

б) ҳаракат воситаси бўлган предмет маъносини ифодалайди:...ўз шопи **билан** калласини ғарчча кесиб олиб..(Рав.42). Ўткир кўл-ла кесайинми бўйингни? (О.16). Калласиман келиб ерга уради (Алп.164). Бир кўлиман эгар қошидан ушлади (Рус.415).

**5. Пайт маъноси.** Бу маъно [вақт билдирувчи сўз + билан] қолипнинг ҳосиласидан воқелашади: ...шу девона билан отини кўйнига солиб, куни **билан** югуриб юрсам ҳам бир нонча салмоғи бўлмас (Рав.83). Мисолдаги **девона билан** қуршови биргалик маъносини, **куни билан** қуршови пайт маъносини юзага келтирмоқда. ...эрта-мертан салқин **билан** йўл тортайлик, - деди (Рус.433). Куннинг бурни **билан** Қоғотон тоғининг тўқсон дарасидан тўқсон алп йиғилиб... (Алп.64). Куни **билан** Қайқубод ухлаб ётади (Алп.264).

**6. Ҳолат маъноси** [мавҳум сўз + билан] қолипидан ҳосил бўлади: Ғам **билан** сарғайиб гулдайн дийдор (Алп.21). Ҳийла **билан** хон Далилини обкетди (Рав.42). Мен азоб-ла тирикдирман зиндонда (О.94).

**7. Оралиқ-масофа, чегара маъноси.** Пасқамман паналаб кетиб боради (Алп.208). ...теварагини ўхшатиб пишиқ ғишт **билан** иморатлар қилиб...(Рав.70). Сой **билан** паналаб шунқор жўнади (Алп.136).

**8. Қиёслаш-чоғиштириш маъноси.** Майдон бўлса йўлбарс **билан** шермисан (Рав.60). Яшиндай бўп кўтарилди Бойчибор // Балки булут **билан** бўлди баробар (Алп.144). Шапоқ бўлди Бойчиборман баробар (Алп.147).

**9. Шарт маъноси.** ...ўз тош-тарозим **билан** тортиб оламан (Алп.147). Не тилакман тилаб олган ёлғизим (Рав.11).

**Билан** кўмакчиси **орқали, бўйлаб, ёқалаб, ҳам, -да, -дан** воситалари билан синонимик муносабатда қўлланилади: Оққиздан қанча қизлар **билан**, неча жоду кўзлар **билан**, ширин шакар сўзлар **билан**, хизматкор канизлар **билан** нигинни бериб юборди (Рав.49). Қизлар **билан** // қизлардан; жоду кўзлар **билан** // жоду кўзлардан; ширин-шакар сўзлар **билан** // ширин-шакар сўзлардан; канизлар **билан** // канизлардан. Келтирилган бирикмаларнинг аташ маънолари бир хил, аммо ифода маънолари ҳар хил. Аниғи, **билан** воситасида тузилган жумлаларда биргалик маъноси кучли. **-дан** воситасида ҳосил бўлган жумлаларда биргалик маъносидан кўра, бир субъект ёки ҳаракат объектнинг бир қисми орқалигина бажарилгани сезилади.

Масалан: Созандалар созин чертар кўл **билан**, // Ёмон одам куйдиради тил **билан**, // Сени билдим, Бойсарини сўрадинг, // Бора бергин ёлғиздоёқ йўл **билан** (Алп.97). Текис йўлман кетармиз... (Алп.137). Шу йўл **билан** кетсанг, тўғри борасан (Алп.97). Мисоллардаги йўл **билан** қуршовидаги бирикма биргалик маъносини ифодалаяпти ва **орқали** кўмакчиси билан синонимик ҳолатга кириша олади. Аммо бу кўмакчининг қўлланиши турлича. **Орқали** кўмакчиси билан ҳосил бўлган гапда биргалик маъносидан кўра ҳаракатнинг йўналишини ифодалаяпти ва бу кўмакчи билан ясалган конструкция, асосан, китобий услубга хос.

Достон матнларида **билан** бир гапда бир неча марта такрорланиш ҳоллари учрайди. Бу ҳол услубий ғализлик келтириб чиқармайди. Балки гапга таъкид, кучайтириш, айириш маъноларини воқелаштиради. Масалан: ...подшолик юзи хотири **билан**, соппардали чотири **билан**, найзадаст ботири **билан**, жиловдор шотири **билан** боғнинг устидан келиб қолди (О.6). Доро Турон мамлакатига ёвлаб кўниб ётган элга ташвиш солиб, одамларни уй-ўтови **билан**, сўригаласи **билан**, эчки-такаси **билан**, кўзи-кўчқори **билан** жами давлати **билан** ўлжа олиб, Эронга ҳайдаб кетар экан (Ой.7).

Ҳар бир сўзни тизим сифатида таҳлил қилишдаги асосий мезон уларни ўзаро ички муносабатлар асосида муайян қаторларга, гуруҳларга, тур ва туркумларга - катта-кичик парадигмаларга бирлаштиради. Бундай қатор, гуруҳлар, тур ва туркумларда - сўзларнинг ўзаро шакл ва мазмун муносабатлари, сўзларнинг маънолари, уларнинг табиатини аниқлаш мумкин бўлади. Сўзлар қандай қуршовда иштирок этишига қараб, турли маъноларни келтириб чиқаради. Барча сўзлар, тил бирлиги каби поғонали қурилишга эга бўлади. Кўмакчининг бир неча маъноси ва ҳар бир маънонинг бир неча тури борлигини кўриб ўтдик. Жумладан, **билан** кўмакчисининг мазмун тизимини шартли равишда қуйидагича белгилаймиз. Биргалик маъноси (Б), сабаб (С), мақсад (М), қурол-восита (В), пайт (П), ҳолат (Х), оралиқ-масофа (О), қиёслаш-чоғиштириш (К), шарт (Ш) га бўлинади. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида, яна маъно гуруҳларга (Т) ва синонимик воситаларга (СВ) поғонали равишда бўлинади. Санаб ўтилган маъноларнинг поғонали қурилишини қуйидаги чизма орқали қайд этамиз. (қаранг: 2-илова).

**Учун.** Достон матнларида **учун** (А.і=45; Р.і=26) кўмакчисининг – **чун**, **-чин** (А.і=1; Р.і=2), **-ичин**, **-ичун** (А.і=1; Р.і=1), **-чук** (А.і=2; Р.і=1)

шакллари мавжуд. *Учун* ва унинг вариантлари этимологияси ҳақида бир қатор ишларда маълумот келтирилган<sup>100</sup>.

*Учун*, асосан, бош келишик шаклидаги сўзга бирикади. Баъзан, матнда қуйидаги қолипларда воқеалашади: [кишилик олмоши +қаратқич келишиги +учун]; [-ган сифатдоши+учун]; [-лик аффикси+учун]; [буйруқ-истак шакли+учун]; [ҳаракат номи+учун].

Достон матнларини таҳлил қилганимизда, *учун* кўмакчиси ўзи эргаштириб келувчи сўзга уйғунлашган ҳолларини учратдик. Бу ҳолат кўпинча, олмошлар билан бирикиб келганда, қисқа *-чун*, *-чук*, *-чик* шаклида ишлатилади<sup>101</sup>. Масалан: *Нечук* энди айшу ишрат айлайн (Рав.14). Бир *нечук* номардга кўнгил бермагин (Алп.87). Қалмоқшоҳга бориб хабар бермак*чун* (Алп.287). Кўзгинанг мастонмисандир, // Сен *нечик* жононасан? (Хур.188).

*Учун* матнда турли қуршовларда муайян маънони ҳар хил кўринишлар орқали, маъно буюқдорлиги орқали намоён қилиши мумкин:

**1. Мақсад маъноси.** Маълум ҳаракат, ҳолатнинг нима мақсадда рўй бериш ёки бермаслигини ифодалайди: Билмоқ *учун* ким боради қошига. (Рус.406). Хизмат *учун* миниб чиқдим отини (Рус.414). Бир қиз *учун* унутмагин бизларни (Рав.14).

Мақсад маъносини ифодалаётган *учун* кўмакчиси баъзан *деб* воситаси билан синонимик муносабатга кириша олади. Қиёсланг: хизмат *учун* // хизматни *деб*; бир қиз *учун* // бир қизни *деб*.

**2. Сабаб маъноси.** Бундай чоқда *учун* КЛ кўпинча қуйидаги қолипларда учрайди: [-гани+учун]; [-лиги+учун]; [-ганлиги+учун]. Ана шундан етти ёшида ёйни кўтариб отгани *учун* Алпомиш алп атанди (Алп.18). Шунда ўғлинг бир хотин *учун* юртидан кечса... (Рав.86). Мен йиғладим шу от *учун* зор-зор // Шу от *учун* кўса бўлди хору зор (Рав.41). Сиз якка бўлганиз-*чун* сўрайман // Ташқарига якка чиқманг, тўражон (О.46).

Сабаб маъносини ифодалаган *учун сабабли*, *туфайли* воситалари билан синонимлашади. Масалан: шу от *учун* // шу от *туфайли (сабабли)*; бир хотин *учун* // бир хотин *сабабли*. Бу ўринда *сабабли*,

<sup>100</sup> Кононов А.Н. Послелого в современном узбекском литературном языке. - Ташкент, 1951.- с.15; Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. -Тошкент, 1965.- 59 б.; Рустамов Т. Учун кўмакчисининг семантик-грамматик хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1963.- № 2, 29 б.; Рустамов Т. Соф кўмакчилар. -Тошкент, 1991.- 34 б.

<sup>101</sup> Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. -Тошкент, 1965.- 59 б.; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. -Тошкент, 1962.-190 б.; Ўзбек халқ шевалари морфологияси. Тошкент, 1984.- 224 б.

*туфайли* воситасида ясалган конструкциялар китобийлик буёғига эга.

**3. Аталганлик, қарашлилик маъноси.** Ўғли *учун* элу халққа тўй берди (Рус.444). Фарзанд *учун* унда кўнглингни жўшлаб (Рус.381). Боласи *учун* сарғайгандир сиёғи (Рав.84).

**4. Эваз маъноси.** Бери келгин болам, асов қулуним, // Энанг бунда сенинг *учун* меҳрибон (Рус.389). Мен йиғламай, ким йиғласин, бекбачча, // Йиғлаганим менинг сизинг *учуни* (Хур.197). Бизнинг *учун* келган бир эл номдори (Рав.49).

**5. Объект муносабати.** Ўлим *учун* ғам емайман бўйингдан (Рав.56). Дунё *учун* кўндирдим деб гапирма, // Кўнглинг *учун* хизматингни қиламан (Рус.362).

**Каби.** Бу кўмакчи «ўхшатиш», «солиштириш», «қиёслаш» маъноларини ифодалайди. Рустам *каби* мужгонингни // Мен бировларга менгзадим (А.105). Ўн тўрт кунлик ой *каби* хусндор (О.6).

Достон матнларида *каби* (А.і=5) кўмакчисига *мисли* (А.і=10), *ўхшаб* (Р.і=1) сўзлари, *-дайн*, *-дай* кўшимчалари синоним бўлиб иштирок этган. Ўзинг билсанг, *мисли* аждаҳор эди (Алп.359). Чархин кўлнинг ёқасида бир нарса *мисли* бир тоғнинг бўктирилган дарасидай бўлиб ялтираб ётибди (Рус.415). Билсанг кўнғиротлик зотимни // Малакдайн суратимни (Алп.105). Бир ёшингдан юзларинг гулга *ўхшаб*, // Икки ёшда зулфинг сунбулга *ўхшаб*, // Уч ёшингда тилинг булбулга *ўхшаб*, // Тўрт ёшингда айқалашдим, бек ўғли (Я.Аҳм.229).

**Яраша** (А.і=1; Р.і=1). Бу кўмакчи [-га+яраша] қолипида воқеалашиб, тенг, мос, лойиқ маъноларини билдиради: ...у одам ҳам индамайди, кўли билан нимани кўрсатса, пулига *яраша* шундан олиб беради (Рус.405). Шумлигига *яраша*, борганимдан сўнг жазосини ўзим бераман,- деди (О.87).

Предмет хусусиятлари қиёсланади: Орзигулни олган кишининг ўзига *яраша* куч-қуввати бўлса керак, урдасидан чиқиб ёр қилиб олгандир (О.43). ...Элнинг кўчиб борётганини кўриб неча каниз – қизларни ўзига ҳамроҳ қилиб, қиркин қизлар билан ҳар қайсилари ўзларига *яраша* отларга минди (Алп.29).

Хуллас, соф кўмакчилар биргалик, сабаб, мақсад, қурол-восита, пайт, ҳолат, оралик масофа, қиёслаш-чоғиштириш, шарт, аталганлик, қарашлилик, эваз, объект каби маъноларни англатади. *Билан, учун (-чун), каби, мисли, яраша* соф кўмакчилар «достон услубига хослик»;

*сингари, узра, қатори, туфайли, қадар, сайин, орқали, янглиз, сари, биноан* соф кўмакчилари «китобий услубга хослик» маънолари билан фарқланади.

### **Функционал кўмакчи сўзлар**

Функционал кўмакчилар сўзи ўзларининг ифода ва вазифа маъноларини сақлаган мустақил сўз бўлишига қарамай бошқа ёрдамчи сўзлар каби гапда турли синтактик қуршовларда иштирок этади.

Туркий тилларда кўмакчи келишик қўшимчаларини бошқаради. Функционал кўмакчи сўзлар бундай хусусиятидан ташқари ўзи ҳам келишик қўшимчаларини олиб келади. Бу ҳолни унинг турланиши деб бўлмайди. Чунки воситали келишик қўшимчаларидан бирини қабул қилган кўмакчи алоҳида ифода ва вазифа амалларини берувчи кўмакчи ҳисобланади.

Функционал кўмакчи сўзлар морфологик шакли, англатган маънолари, келишикларни бошқариш хусусияти, услубий қўлланилишига кўра фарқланади.

**Бошқа.** От ёки от маъносидаги сўзларнинг чиқиш келишиги шаклида келишини талаб қилиб, қўйидаги маъноларни ифодалайди.

**1. Отдан англашилган предмет ёки ҳолатни ажратиб кўрсатади:** Сендан *бошқа* одам бориб бўлмайди (Алп.243). ...Зулхумор ойимнинг жамоли бир ёқ мойдай бўлиб эриб ётипти, *бошқа* қизлар ҳам яхши-ку, улардан жириб ётипти (Рав.44).

**2. Ўзга маъноси.** Мени десанг, *бошқа* юртни излагин (Рус.390). *Бошқа* сўйлаб ўтирмоқлик не даркор (Рус.417). Бу қиздан *бошқа* кўзининг оқ-қораси йўқ (Рав.30).

Таркибида [-дан **бошқа**] қолипидан ҳосил бўлган кўмакчи ўзаро зидлик муносабатини билдиради: Бу қиздан *бошқа* кўзининг оқ-қораси йўқ (Рав.30) гапида икки маъно: 1) Қорахоннинг Зулхумор исмли қизи бор; 2) бошқа ҳеч кими йўқ прессуппозиция мавжуд. Бунда икки зид прессуппозиция - ҳам тасдиқ, ҳам инкор англашилган. Конструкциядан юзага келган маъно инкор мазмунидадир. Бундай конструкцияларда кўмакчи ўрнида **бўлак, ташқари, ўзга** кўмакчилари қўлланиши мумкин: Сакта сўзни хўп айтибди ўзима, // Сендан **ўзга** кўринмайди кўзима (Ой.195).

**Бўлак.** **Бўлак** (А.і=2; Р.і=1) кўмакчиси **бошқа** (А.і=11; Р.і=16), **ташқари** кўмакчиларининг синоними бўлиб, улар каби «мустаснолик» маъносини ифодалайди: Мундан **бўлак** ўғрилиқка

келмайман (Алп.264). Эна, дев деб эдинг: ё дев, ё **бўлак** жонзот йўк (Рус.394). Олатойдан **бўлак** нарса қолмади (Алп.262).

**Сўнг.** Бу кўмакчининг нутқда **сўнгра** (А.і=19; Р.і=1), **сўгин**<sup>102</sup> (А.і=1), **сай** (А.і=1) шакллари учрайди. **Сўнг** (А.і=36; Р.і=20) КЛ [-дан+сўнг] қолипининг ҳосиласидан, бир иш-ҳаракат тугалланиши билан боғли бўлган вақт маъносини билдиради: Олтойдан **сўнг** хонга жавоб бераман (Рус.372). Авазхон бир-икки йилдан **сўнг** бир қизли бўлди (Рав.3). Сен кетган **сўнг** қонлар йиғлаб қолганман (Алп.302).

[у (бу, шу) –дан + сўнг] қолипининг ҳосиласидан бирор иш-ҳаракатдан кейин иккинчиси содир бўлганлигини билдиради: **Сўгин** келиб кўшилаяпти (Алп.288). Бир сафарга тушиб тургин орага, // Ундан **сўнгра** олгин ҳар даркорингни (Рав.47). Қайкубод қизларга нолиш қилади, // Ундан **сай** шўхлик қип қизлар уради (Алп.268).

**Сўнг** кўмакчиси **кейин** билан синонимик қуршовда иштирок этиши мумкин: Беш кун **кейин** кўринг мендай фарзандни (О.24)...беш кундан **сўнг** дийдорингни кўрайин (О.25). Тонг отгандан **сўнг** // тонг отгандан **кейин**; Олтойдан **сўнг** // олтойдан **кейин**. Бу ўринда сўзларнинг аташ маънолари бир хил бўлса-да, ифода маънолари ҳар хил. Чунки **сўнг** кўмакчи кўпроқ «китобий услубга хослик», **кейин** кўмакчиси эса «сўзлашув услуби» ва «достон услубига хослик» маънолари турличадир.

**Кейин.** Бу кўмакчининг достон матнларида **кай**(А.і=7; Р.і=1), **кей**(А.і=2) қисқа шакллари ишлатилган. **Кейин** (А.і=54; Р.і=17) кўмакчисининг барча шакллари қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **иш-ҳаракатнинг тугалланиш билан боғли бўлган вақт муносабатини:** Қирқ кечаю қирқ кундуз бўлгандан **кай** тўй тарқайдиган кун бўлди (Алп.16). ...қирқ кундан **кей** тўй охир бўлади (Рус.344). ...қирқ кундан **кейин** шу болани чақириб сўрасак... (Рав.59).

2) **иш-ҳаракат тугагандан сўнг, иккинчиси содир бўлишини билдиради:** Бизлар бориб подшога бир маслаҳат қилайлик, ундан **кейин** сенга буюрамиз...(Рав.59). ...тапур-тупур ўйинлар қилаётир, қизиғи **кейин** бўлаётир (Рав.44).

3) **сабаб маъноси.** Гапиришиб ундан **кей** мамлага келган (Рус.404). Бежой бурилгандир назари Чибор қирқ кун **кейин** тушиб қолди бул ишлар (Алп.113).

**Бери.** Бу кўмакчи чиқиш келишигидаги сўзни бошқариб, қуйидаги маъноларни ифодалайди:

<sup>102</sup> Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. Тошкент: Фан, 1965. - 92 б.

1) ҳаракатнинг бошланиши қандайдир пайтдан бошлаб, маълум вақт давомигача чўзилишини ифодалайди: ...неча йилдан *бери* қўнғиротнинг хони ҳам зиндонда ётибди...(Алп.245). Неча кундан *бери* ҳайдаб келамиз (Рус.383).

2) вақт билдирувчи сўзлар билан бирга келиб, пайт оралиғи аниқлашади: Аниқликни сўзлар олдидан келган сонлар кўрсатиб туради: Етти йилдан *бери* азоб кўрибди (Алп.282). Тўқсон кундан *бери* сен ҳам келмагин (Алп.118). Олти кундан *бери* сен фиғон айлаб (О.76).

*Сабабли*. Бу кўмакчи содир бўлаётган иш-ҳаракатнинг бошқа иш-ҳаракатга алоқадор экани, сабабини билдиради: Бу қизлар нима *сабабли* келди (Алп.301). Шул *сабабли* меҳмон келдим уйингга (Рав.5). Ул *сабабли* ҳеч кимнинг кўзига тушмайди (Алп.385).

*Қараб*. Қуйидаги маъноларни англатади:

а) ҳаракат йўналган томон маъноси: Чилбир чўлига *қараб* йўл тортди... (А.246). Кўз тутиб йўлингга *қараб* юрарман (Рус.353).

б) асос, ўлчов маъноси: Хатга *қараб* бундай хафа бўласан (Алп.233). Кампир Равшанхоннинг қадди бастига *қараб*, Равшанбекдан кўнгли тўлиб... (Рав.22).

*Қараб* кўмакчиси йўналиши маъносини ифодалаб келганда *томон* билан синонимик ҳолатда воқеалашади. Қиёсланг: чўлга *қараб* // чўлга *томон*; Қўнғиротга *қараб* // Қўнғиротга *томон*.

*Аввал* (А.і=27; Р.і=6), *илгари* (А.і=20; Р.і=4), *олдин* (А.і=2; Р.і=2), *бурун* (А.і=7; Р.і=2). Бу кўмакчилар қуйидаги қолипларда воқеалашади: [-дан+аввал // илгари // олдин // бурун]; [вақт билдирувчи сўзлар + кўмакчи]. Бу кўмакчилар матнда пайт маъносини билдириб, бирор ҳодиса, иш-ҳаракатнинг воқеа бўлишда ундан олдин содир бўлган ҳодиса ёки вақтни ифодалайди: Мендан *бурун* сен топширдинг жонивор (Алп.316). Сен ўзинг *бурун* ҳам ҳеч бозорга борибмидинг, *илгари* бозорни кўрибмидинг? (Рав.34). Бир растадан қизлар кириб кўради // *Аввал* бориб базозликни тергади (Алп.355).

*Аввал, олдин* кўмакчилари боғли қуршовсиз «ўтмиш» маъносини аниқ ифодалай олмайди. *Илгари, бурун* кўмакчи эса «ўтмиш» маъносини аниқ ифодалайди. *Аввал, олдин, илгари, бурун* кўмакчилари вазифа ва ифода маъноларида бири иккинчисининг ўрнида қўлланиши жиҳатидан бир-бирига синонимдир. Қиёсланг:- Сен ўзинг *бурун* // *олдин* // *илгари* // *аввал* // ҳам ҳеч бозорга борибмидинг? (Рав.34).

**Тортиб.** Бу кўмакчи иш-ҳаракат ёки вақеанинг содир бўлишидаги бошланғич ўрин, манба маъносини ифодалайди: Куннинг ўзи кечга **тортиб** боради (Алп.218).

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва матнларда от сўз туркуми таркибида ўрганилиб келаётган **олд, ост, таг, уст, ич, томон, ён, орқа, қош, ўрта, ўрин** сўзлари [Ш шахс эгалик+жўналиш к-к], [Ш шахс эгалик +ўрин-пайт к-к], [Ш шахс эгалик+чиқиш к-к] қолипларида кўмакчиликка кўчиб, матнларда кўмакчи вазифасида воқеалашади. Улар макроконтекст ва микроконтекстда ҳар бири ўзига хос хусусиятга, хилма-хил маъно нозикликларига эга.

**Ост, таг.** Бу кўмакчилар бир-бири билан синонимик муносабатда бўлиб қуйидаги маъно нозикликларига эга.

**Ост, таг** [Ш шахс эгалик қўшимча+жўналиш келишиги қўшимчаси (Ш ш.э.қ.+ж.к.)<sup>103</sup>] қолипидаги **остига** (А.і=17; Р.і=20), **тагига** кўмакчилар иш-ҳаракатнинг бирор предметнинг остки қисмига йўналганлигини кўрсатади. Масалан: Золимлар дорнинг **остига** яқинлашиб қолди (Рав.86). Бекларнинг **остига** либосни ташлаб (Алп.218). Ястикнинг **тагига** пичоқни қўйди (О.69). Чашма бўйига, Чинор **тагига** келиб ўтирди (О.14).

[Ш шахс эгалик қўшимчаси+ўрин-пайт келишиги қўшимчаси (Ш шш.э.қ.+ў.к.)] қолипидаги **остида** (А.і=21;Р.і=7), **тагида** кўмакчилар иш-ҳаракатни бирор предметнинг пастки қисмида содир бўлганини ифодалайди: Ер **остида** золим тани чирисин (Рус.391). Бир гул бўтанинг **остида** нағма қиляпти (Алп.266).

[Ш шахс эгалик қўшимча+чиқиш келишиги қўшимчаси (Ш ш.э.қ.+ч.к.)] қолипидаги **остидан** (А.і=2), **тагидан** кўмакчилар иш-ҳаракатни бирор предметнинг остки қисмидан йўналганлигини кўрсатади: ...Қалдирғочойим чангалнинг **остидан** чиқиб қаради (Алп.289). Сўнгра бориб Орзигулнинг ястиғи **тагидан** пичоқ топиб келтирдилар (О.73). Ҳам ўғлим, ҳам қизим, бирдан-бир ёлғизим, сув **тагидан** чиққан кундузим - Сувон деган чўлпон юлдузим бордир (О.62).

**Уст.** [Ш ш.э.қ.+ж.к.] қолипидаги **устига** (А.і=69;Р.і=18) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

<sup>103</sup> Бошқа саҳифаларда қисқарган ҳолда берилади.



1) **йўналганлик маъноси:** Қалмоқшоҳ *устига* кетиб бораман (Алп.215). От қўй ғанимнинг *устига* (Рав.89). Алпомишнинг *устига* бориб қолди (Алп.123).

2) **воқеликни кетма-кет содир бўлиши маъноси:** «Хуш келдингиз», деб дастурхон ташлаб, нозу неъматни тўкиб, қанд *устига* новвот, шира *устига* шарбат тўкиб, зиёфат *устига* зиёфат қилиб, отасини сийлаб, хизмат қилиб турди (Рав.4.)...шўрва *устига* палов, чой *устига* ширчай, унинг устига саримой, зиёфат *устига* зиёфат тортаётир... (Рав.49).

3) **ўрин, жой маъноси:** Шохсупа *устига* сувлар сепилган (Рав.20). От *устига* қўяверди бек Равшан, // Ўймалаб ташлаган бахмал чиргини (Рав.8). Қиём чоғи чикди тепа *устига* (О.30).

4) **давр, вақт маъноси:** Тахт *устига* ишорат қип жўнади, // Тахт *устига* давлатли хон минади (Алп.384). Тахт *устига* энди беклар жўнади, // қанча саркардаман бул ўтиради. (Алп.388)

[Ш ш.э.қ.+ў.қ] қолипдаги *устуда* (А.і=28; Р.і=14) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **ўрин, жой маъноси:** Растанинг *устуда* бор гулдасталар (Рав.20)...бир тепанинг *устуда* қатор бўлиб...(Рав.27)...тоғнинг *устуда* ўтирган эди (О.35).

2) **вақт, давр маъноси:** Неча вақт даврон *устуда* ўтирдим (Рус.391). Юрт *устуда* юрган мен ҳам қаландар (Рус.379). ...эсиз ош қолди, худой олгур ошнинг *устуда* кўнгли қоралик қилди (Алп.48).

3) **иш-ҳаракатнинг бажарилиш нарса ёки воқеага боғлилик маъноси:** Калла кесинг душман ўлсин, // Равшан полвоннинг *устуда* (Рав.89). Нар, моянг шу кунда довриқ *устуда* (Алп.104).

[Ш ш.э.қ.+ч.қ] қолипдаги *устидан* (А.і=26; Р.і=13) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **предмет усти бўйлаб йўналиш маъноси:** От *устидан* давлатли хон қаради (Алп.316). Чиргини *устидан* қўйди белликни (Рав.9). Шунда Орзигул тоғнинг *устидан* пастга қараб йиғлаб... (О.52).

2) **иш-ҳаракат бирор нарса ёки кимсага қаратилганини, шу нарса ёки кимса ҳақида эканлиги маъноси:** Хуройим *устидан* додқа бўлинглар (Рус.361). Хуройимнинг *устидан* бир сўз айтиб турган экан (Рус.357). ...молларнинг *устидан* қарайдиган сардор бўлиб... (Алп.197).

3) **кетма-кет истеъмол қилиш ёки кийиш маъноси:**... шакар *устидан* асал, ёнғоқ *устидан* бодом, писта *устидан* руста, майиз

*устидан* офтобий, унинг *устидан* оби миска майиз,...(Рав.49).  
...елкасига жанда-жундани қўйиб, кебанакни *устидан* елбагай кийиб... (Алп.333).

**4) бирор кимса ёки нарса томон йўналиш маъноси:** ...тўпланишиб ўнта қиз Равшанбекнинг *устидан* келиб қолди (Рав.44).

**Олд.** [Ш ш.к.+ж.к.] қолипидаги *олдига* (А.і=38; Р.і=19) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**1) олд томонга йўналганлик маъноси:** Ана шунда Равшанбек йўлбарсдай бўлиб дарвозанинг *олдига* борди (Рав.10).  
...Карвонларнинг *олдига* чиқиб... (Алп.200).

**2) вақт маъноси:** ...то тушнинг *олдигачайин* тенгсалиб кўрикдан ўтиб юрибди (Алп.65).

**3) ёнига, ҳузурига маъноси:** ...Зулхуморнинг *олдига* борди (Рав.44). Шунда отасининг *олдига* чиқиб.. (Рав.4).

[Ш ш.э.қ.+ў.к] қолипидаги *олдида* (А.і=8; Р.і=8) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**1) жой, ўрин маъноси:** Шоҳларнинг *олдида* бўлар шотири (Рав.45). Подшонинг *олдида* бўлса тўртта чопарчи маҳрами бордир-да (Рус.269). ...доим дарвозабоннинг *олдида* ўтирар эди (Рав.10).

**2) нисбатан, қараганда маъноси:** Ирамнинг боғи мунинг *олдида* бедимоғ (Рав.44).

**3) вақт маъноси:** Ётиб эдим тонг *олдида* туш кўрдим (Рус.405). Тонг *олдида* тағи қайтиб жўнади (Алп.136).

[Ш ш.э.қ.+ч.к.] қолипидаги *олдидан* (А.і=9; Р.і=8) кўмакчиси рўпарасидан, олдинги қисмидан йўналганлик маъносини ифодалайди: ...буларнинг *олдидан* чиқиб қолди (Алп.213). Боғдан чикди, *олдидан* бир катта дарвоза келди (Рав.23).

**Орқа.** [Ш ш.э.қ.+ж.к.] қолипидаги *орқасига*(А.і=4; Р.і=1) кўмакчиси орқа томонга йўналганлик маъносини ифодалайди: Икки қўли *орқасига* бойланган...(Рус.396). «Қултой» қулнинг *орқасига* солади (Алп.335). Самандар Чўпон Орзигулни йўқотиб, *орқасига* қайтди (О.18).

[Ш ш.э.қ.+ў.к.] қолипидаги *орқасида* (А.і=2; Р.і=4) кўмакчиси предметнинг ўрни бошқа предмет орқасида эканини ифодалайди: Равшанбек дарчанинг *орқасида* туриб эди (Рав.6). Буларнинг *орқасида* уч юзча қизлар ўйнашиб.. (Рав.37).

[Ш ш.э.қ.+ч.к.] қолипидаги *орқасидан* (А.і=2; Р.і=10) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **орқа томонидан йўналганлик маъноси:** Буларнинг *орқасидан* бояги кўшқда кўрган канизлар билан Зулхумор ойим ўтиб кетиб бораётипти (Рав.38).

2) **изидан маъноси:** Мана мен, мен борайин отангинг *орқасидан*: унинг қизда нимаси бор экан?! (Рав.7). ...ўғлини кўзи қиймай, *орқасидан* чақириб бир сўз айтаётир (Рав.15). Муни кўриб тўрасининг *орқасидан* югурди (Рав.54).

3) **шу сабабли, шарофати билан маънолари:** Тоғай хизматининг *орқасидан* бир кўрғоннинг эгаси бўлиб...(Рус.420). Ёдгорнинг қўйини сўйиб оласан, // Шунинг *орқасидан* катта бўласан (Алп.354).

**Ён. [III ш.э.қ.+ж.к.]** қолипдаги *ёнига*(A.i=1; P.i=1) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **яқинига маъносини:** «Қалмоқшоҳнинг *ёнига* ҳайдаб борайик... (Алп.36). ...момасини *ёнига* жойлаб... (О.4).

2) **ўзи билан бирга етаклаб маъноси:** Ундай бўлса, *ёнига* уч юз муллани кўшиб, Асқар тоғидан ошириб келинглар (О.75). Боваси Дилмуродни ўз *ёнига* олиб... (О.90).

3) **бирор томонга маъноси:** Бир *ёнига* Ойчинор, кўз қириман қаради (Ойч.91).

**Ич. [III ш.э.қ.+ж.к.]** қолипдаги *ичига* (A.i=11; P.i=2) кўмакчи предмет ичига йўналганлик маъносини ифодалайди: Шаҳарнинг *ичига* етиб боради (Алп.204). Ярқиллаган Бобир кўлни кўрди //Туянинг *ичига* келиб қўнади (Алп.239).

**[III ш.э.қ.+ў.к.]** қолипдаги *ичида* (A.i=14; P.i=19) кўмакчисининг *ичра* (A.i=4), *ичинда* (A.i=16;P.i=20) шакллари қўлланилиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1) **қуршовида, орасида маъноси:** Зиндон *ичида* акам буни билибди (Алп.241). Ҳандақ *ичра* ёлғиз қолдим, энажон (О.69). Боқиб кўрдим, боғ *ичинда* бир дилбар (О.6). Гўр *ичинда* кун кечириб, // Хоним, кимдан зулм кўрдинг? (Рус.431). Халқ *ичида* сизни суйиб тияман (Рус.403).

2) **шароитида, оғушида маъноси:** Ҳув олисдан туман *ичра* кўринган (О.17). Сиз кетганингиздан буён Оқтош мотам *ичида*, - деди (О.36). Ухлаганда ғафлат *ичра* келганди (О.71). Олтин коса, гулгун шароб // Ичилди майдон *ичинда* (Рав.91).

3) **маълум вақт мобайнида маъноси:** Агар шу йигирма кун *ичида* келган одам бўлса... (Рав.69).

[Ш ш.э.қ.+ч.к.] қолипидаги *ичидан* (А.і=2; Р.і=2) кўмакчиси бирор предмет орасидан йўналганлик маъносини ифодалайди: Оқ чодирнинг *ичидан* Қорахон подшо қораси (О.48) ...ховлининг *ичидан* лаҳм уриб..(Рав.69) ...кўйлакнинг *ичидан* белига бойлаб... (Алп.336)

**Ўрта.** [Ш ш.э.қ.+ж.к] қолипидаги *ўртасига* (А.і=3; Р.і=5) кўмакчиси предметнинг орасига йўналганлик маъносини ифодалайди: ...қизларнинг *ўртасига* ўтқизиб... (Алп.371). Кўпнинг *ўртасига* тушиб қоласан (Алп.38). Икки отнинг *ўртасига* Бахтиёр кириб... (О.58).

[Ш ш.э.қ.+ў.к] қолипидаги *ўртасида* (А.і=1; Р.і=2) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **оралиғида маъноси:** ...ховли *ўртасида* олти якка миҳга олти тулпор от бойланиб турипти (Рав.23)...бозорнинг *ўртасида* дори, шу ерда Равшаннинг осилиб ўладиган ери (Рав.69). Қушлар *ўртасида* сайраб турибсан, (Рус.395).

2) **кишилар орасидаги муносабат маъноси:** Халқнинг *ўртасида* тухматга учраб... (Рус.391)

**Бош.** [Ш ш. э.қ.+ж.к] қолипидаги *бошига* (А.і=37; Р.і=10) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди;

1) **предмет тепасига йўналганлик маъноси:** Қирнинг *бошига* чиқиб қаради (Рус.415). ..ангдай овлоқ тепанинг *бошига* тикиб қўйди (Алп.64). ...дарахтнинг *бошига* қаради (Рав.21).

2) **ажратиб кўрсатилган предмет маъноси:** Уй *бошига* бир қиздан солиқ солган (Рус.398). Уй *бошига* хоним ўтин солами? (О.37)

[Ш ш.э.қ.+ў.к.] қолипидаги *бошида* (А.і=28; Р.і=2) кўмакчиси «бирор предмет тепасида» маъносини ифодалайди: Тепанинг *бошида* сенга қарайман (Алп.102).

«бирор предмет ёнида» маъносини билдиради: Чоҳ *бошида* Алпомишни кўради (Алп.287). Пойганинг *бошида* тортиб бойладинг (Алп.150). Ногаҳон мол *бошида* юриб эди...(Алп.200).

[Ш ш.э.қ.+ч.к.] қолипидаги *бошидан* (А.і=10; Р.і=2) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **олдидан йўналганлик маъноси:** Зиндоннинг *бошидан* пайдо бўлади (Алп.287). Шоҳнинг қизи, чоҳ *бошидан* қарадинг (Алп.272).

2) **воқеанинг содир бўлишидаги бошланғич ўрин, манба маъноси:** ...шу гапнинг *бошидан* оёғини чўмманглаб сен бузиб келаяпсан: (Рус.383)

**Қош.** [Ш ш.э.қ.+ж.к.] қолипидаги *қошига* (А.і=15; Р.і=2) кўмакчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) бирор предмет олдига йўналганлик маъноси:..ўзи кўриб юрган Мурод тепанинг *қошига* етди (Алп.246). ...Эгар-абзалнинг *қошига* етаклаб кела берди, эгар-абзалнинг *қошига* бориб, уёқ-буёғини кўра берди (Алп.82).

2) атрофида маъноси: Шосупага сувлар сепилган, *қошига* гуллар экилган (Рус.394).

3) хузурига маъноси: Яқинлади қаландарнинг *қошига* (Рус.440). Алпомиш *қошига* энди боради (Алп.226). Султонхон *қошига* бу кампир етди (Рус.364).

[III ш.э.қ.+ў.к.] қолипидаги *қошида* (А.і=7; Р.і=1) кўмакчиси қуйидаги маъноларини ифодалайди:

1) бирор предмет олдида маъноси: Эгар *қошида* олтин садоғинг (Алп.108). Кеча-кундуз дастурхонлар *қошида* (О.29).

2) хузурида маъноси:..телпаги қайқайиб, энасининг *қошида* ўтирибди (Рус.440)...битган арзанг Султонхоннинг *қошида* мўътабар бўлгудай (Рус.361).

[III ш.э.қ.+ч.к.] қолипидаги *қошидан* (А.і=1) кўмакчиси бирор предмет олдидан йўналганлик маъносини ифодалайди: Алпомиш Қултойнинг *қошидан* қайтди (Алп.79). Чўпон ва Сувон булар *қошидан* чиқди (О.57).

Ўрин. [III ш.э.қ.+ж.к.] қолипидаги *ўрнига* (А.і=10; Р.і=1) кўмакчиси «бадалига, эвазига» маъносини ифодалайди: Акамнинг *ўрнига* қолган, чироғим (Алп.233). ..ўғлимнинг *ўрнига* олган ёлғизим...(О.15).

«бирор нарса жойида бошқаси» маъноси: Кигизнинг *ўрнига* уйига бахмал ёпган эди (Алп.36). Тош кўрмаган гоҳ кўчалар,// Тош *ўрнига* бош кўргандир,// Сув кўрмаган гоҳ кўчалар,// Сув *ўрнига* қон кўргандир (Алп.29).

[III ш.э.қ.+ў.к.] қолипидаги *ўрнида* (А.і=1) кўмакчиси «бирор нарса жойида бошқаси» маъносини ифодалайди: ...бекни одам *ўрнида* кўрмай, қандай одам, деб парво қилмай турди (Алп.321).

Кет. [III ш.э.қ.+ж.к.] қолипидаги *кетига* (А.і=1) кўмакчиси «орқа томонга йўналганлик» маъносини ифодалайди: Бова ичкари эшикнинг *қошига* бориб, *кетига* қараса, Сувонхон ҳам келаётир экан (О.83).

[III ш.э.қ.+ч.к.] қолипидаги *кетидан* (А.і=1) кўмакчиси тубандаги маъноларни ифодалайди:

1) «изидан, орқасидан» маъноси: Одам ияради унинг *кетидан* (Рус.365). Югурай *кетидан* пойи пиёда (Рус.373). Саманнинг *кетидан* етиб Бойчибор (Алп.148).

2) «воқеликни кетма-кет содир бўлиш» маъноси: Агар занги билса, ўлдириб, гўшимизни арақ *кетидан* кабоб қилади,- деб бир сўз деди (Я.Аҳм.274).

Хуллас, дostonлар тилида соф кўмакчиларга нисбатан функционал кўмакчилар кўпроқ қўлланади. Улар нутқ эмоционаллиги, экспрессивлигини оширишга хизмат қилади.

### 2.1.2. Боғловчи сўз туркуми

Боғловчилар бошқа ёрдамчи сўзлардан махсус ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Масалан, кўмакчилар от туркумидаги сўзларнинг бошқа туркумдаги сўзлар билан алоқасини таъминласа, боғловчиларда бу нарса фарқланмайди. Биргина боғловчи турли сўз туркумига тегишли сўзларнинг бир-бири билан алоқасини таъминлаши мумкин: отлар (менинг акам ва укам бор), феъллар (бола ёзади ва ўқийди), сифатлар (ақлли ва гўзал), равишлар (эрта ва кеч) кабилар. Кўпчилик боғловчи сўзлар фақат сўзлар ва гаплар ўртасидаги алоқанигина таъминламасдан, балки уларнинг маъносини конкретлаштиради ва намоён қилади. Шундай хусусиятларга эга бўлган боғловчилар кўп йиллардан буён тилшунос олимларимизнинг текшириш объекти бўлиб келмоқда<sup>104</sup>.

Ҳозирги ўзбек адабий тилига оид дарслик ва қўлланмаларда, илмий ишларда тил ҳам нутқда боғловчи сўзларнинг қуйидаги турлари ва уларга оид боғловчилар деб қуйидаги сўзлар қайд этилганлигини кўрамиз. Тенг боғловчи сўзлар: *ва, ҳамда*, боғловчи вазифасида келган *билан* кўмакчиси, *ҳам* юкламаси (бириктирув боғловчи сўзлари); *аммо, лекин, бироқ, балки, холбуки* (зидловчи боғловчи сўзлар); *ё, (ёки, ёинки, ёхуд), гоҳ..., гоҳ, бир.., бир.., баъзан, баъзан.., хоҳ.., хоҳ..* (айирувчи боғловчи сўзлар).

Эргаштирувчи боғловчи сўзлар: *яъни, -ки, -ким*, (аниқлов боғловчи сўзлари); *чунки, шунинг учун*, (сабаб боғловчи сўзлар); *агар, агарда, агарчи, башарти* (шарт боғловчи сўзлар); *гуё, гуёки* (чоғиштирув боғловчи сўзлари).

<sup>104</sup> Мухторов Дж. Союзы в современном узбекском языке: Автореф.дис...канд.фил.наук.-Самарканд, 1953.

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва нутқида боғловчиларнинг қайси турлари борлигини ва ҳар бир турда қандай боғловчилар мавжудлигини аниқлаш бизнинг вазифамизга кирмайди. Вазифамиз ўзбек адабий тилининг ҳозирги тараққиётида боғловчилар тизимида юз берган ўзгаришларни аниқлаш жараёнида икки нарсани ҳал қилишни лозим топдик. Биринчидан, ўзбек халқ достонларида қайси сўзларнинг боғловчи вазифасида қўлланилаётганини аниқлаш, иккинчидан, халқ достонлари тилида боғловчиларнинг маъно ва вазифасида юз берган ўзгаришлар, унинг сабабларини белгилаш лозим.

### *Тенг боғловчи сўзлар*

Ҳозирги ўзбек адабий тили ва достонлари матнларида тенг боғловчи сўзлар тил ва нутқдаги вазифа маъносига кўра, гапнинг уюшиқ бўлақларини, қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни боғлашга хизмат қилади ва улар ўртасидаги тенг мазмуний муносабатни кўрсатади. Тенг боғловчи сўзларнинг ифода ва вазифа маъносига кўра қуйидаги гуруҳга бўламиз:

**1. Бириктирув боғловчи сўзлар: ва, ҳам(ҳамда), то.**

**2. Зидлов боғловчи сўзлар: лекин, аммо, бироқ, балки.**

**3. Айирув боғловчи сўзлар: ё, гоҳ, дам, хоҳ.**

**Ва** бириктирув боғловчиси. Бу боғловчи айрим гапларни ва уюшиқ бўлақларни боғлаб, улар орасидаги тенг муносабатни ифодалайди. У уюшган бўлақлар орасидаги тенг муносабатни кўрсатиш билан бирга ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш учун ишлатилади: Подшо қирқ йигит **ва** қирқ отни берди (О.80) Келган камбағалларни от **ва** тўнли қилдилар (О.57). Сувонхон **ва** Орзигул бу ишлардан беҳабар эди (О.45).

Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларда воқеалашган иш-ҳаракат, воқеа ва ҳодисаларнинг кетма-кет бўлганини кўрсатади: Беклар Сувонхонни таниб, орқага - шаҳарга келдилар **ва** подшога қараб бир сўз айтиб тургани (О.38). Подшо Оллоёрга қаради **ва** ўзига муносиб кўрмади (О.61). ...сени бизлар подшодан тилаб олайлик **ва** мана Зулхумор ёринг экан, сен Зулхуморга ёр экансан... (Рав.86).

Достонлар тилида **билан** (А.і=26; Р.і=6) ўзининг асосий кўмакчилик вазифасидан ташқари, бириктирувчи боғловчи

вазифасида ҳам қўлланиши мумкин<sup>105</sup>. Бу кўмакчи боғловчи вазифасида келганда икки гап ёки гапнинг уюшиқ бўлақларини боғлайди ва вазифа жиҳатдан *ва* (A.i=12; P.i=2) боғловчига тўғри келади. Матнда у уюшган бўлақларнинг зич муносабатини ҳам ифодалайди. Масалан: Отга солди арпа *билан* ийирни (Алп.31). Қўлдан кетди давр *ила* давронларим (Рав.54). Хуройим берган йўк сарпоман пулди (Рус.372).

*Билан* кўмакчи боғловчи вазифасида келганда *ҳам* боғловчи билан синонимик муносабатда бўлади: Отам *ҳам* энамнинг жони дилиман (Рав.85). Хуройим *ҳам* ёлғиз ўғлин ўлдиргин (Рус.356). Отам *ҳам* энам // отам *билан* энам; Хуройим *ҳам* ўғлин // Хуройим *билан* ўғлин. Бу ўринда *ҳам* орқали ифодаланган гапда *ҳам* юклама кучайтириш, таъкидлаш маъносини сақлаган ҳолда биргалик маъносини ҳам воқелаштирмакда. *Ҳам* орқали тузилган конструкция адабий нормада кузатилмайди. Бундай конструкциялар, асосан, дoston матнларида учрайди. Адабий нормага кўра *билан* орқали тузилган конструкция тўғри ҳисобланади.

*Ҳам*. Бу юклама боғловчи вазифасида келиб, боғланган қўшма гап таркибида қўлланиши *ва* боғловчига нисбатан камроқ, уюшиқ бўлақларни боғлашда эса, аксинча, ҳолатни кўрамаиз. Чунки *ҳам* (A.i=26; P.i=15) боғловчиси уюшиқ бўлақларда яққа ва такрор ҳолда қўлланаверади, *ва* боғловчи эса бундай хусусиятга эга эмас. Ҳозирги ўзбек адабий тилига бағишланган ишларда *ҳам* сўзи бириктирув боғловчи<sup>106</sup>, боғловчи вазифасидаги юклама<sup>107</sup>, юкламага силжиган боғловчи<sup>108</sup>, айирувчи боғловчи<sup>109</sup> деб талқин этилган.

*Ҳам* юкламаси *ва* боғловчиси вазифасида келиб, икки ва ундан ортиқ бир хил гап бўлақлари ёки содда гаплар қисмларини алоқага киритиб уларни таъкидлайди ва санаш оҳанги билан айтилишини таъминлайди: Қайтиб борсам, кўчиб бориб ўл, баччағар, ўғли бориб *ҳам* ўзингни олиб келди, *ҳам* қизингни олиб келди (Алп.169). *Ҳам* гулистонни кўролмассан, султоним, // *Ҳам* кўлингдан кетар тожу элатинг (О.45). Бундай пайтда улар синонимик муносабатда бўлиши мумкин: Баланд *ҳам* пастни, тоғли дарбандни, бошқа қирлардан ўтиб ғойиб бўлиб кетди (О. 19). Баланд *ва* паст // баланд *ҳам* паст.

<sup>105</sup> Ўзбек тили грамматикаси. Морфология, Тошкент: Фан, 1975.- 569 б.

<sup>106</sup> Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1965.- 245 б.

<sup>107</sup> Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I. –Тошкент: Ўқитувчи, 1980.- 246 б.

<sup>108</sup> Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1978.- 164 б.

<sup>109</sup> Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. -Тошкент, 1972.-187 б.



**То** (А.і=15; Р.і=1) бириктирув боғловчиси бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатнинг эргаш гапда ифодаланганлигини билдиради: Химча ойим ташқарида арз сўрайди, навбат тегмаган талашиб ётади, **то** ҳусни кўргунча (Рус.356). Тавба қилдик, бизлар **то** ўлгунча сизларнинг хизматларингизда бўлайик, - деб ёлвордилар (О.57). Қуйганимда гапни гапга улайин, // **То** ўлгунча сайисинг бўп юрайин (Алп.153).

**Лекин**. Бу зидлов боғловчиси бирор предмет, ҳодиса ёки иш-ҳаракатнинг бошқасига зид қарама-қарши қўйиш маъносини ифодалайди: ... ўзбакнинг қизи ҳар сўзининг ўролида айтади, **лекин** бунинг норининг бори ҳам рост...(Алп.68). ...зиндонга солинглар. **Лекин** Зулҳуморни ҳам урманглар, сўкманглар..(Рав.59).

**Бироқ** боғловчиси гапда мазмунан зид бўлақларни боғлаш учун ишлатилади. Бу боғловчи **лекин** (А.і=5; Р.і=7), **аммо** боғловчилари билан синоним бўла олади: ...Орзигулнинг аччиғи келиб, аввал рози бўлмади. **Бироқ**, ярадор ёри унинг эсидан бир дақиқа кўтарилган эмас эди (О.53). Келтирилган мисолларни қиёслаб кўриб, бизнингча, **лекин**, **аммо**, **бироқ** боғловчилари ўртасида услубий фарқланиш мавжуд. **Бироқ** кўпроқ «бадийлик» ифода маъносида, **лекин**, **аммо** эса «достон тилига хослик» маъносида ишлатилади.

**Балки** (А.і=26; Р.і=6) боғловчиси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **предмет, шахс ёки иш-ҳаракат орасидаги зид муносабатни билдиради**: Алпомиш ичида мени ҳоҳлагандай бўлди, **балки** менинг зўрлигимни ҳам билди (Алп.67). ...каллеси гов саватдай, қопадиган итдай, **балки** баҳайбат бойтебатдай кампир (Рав.21).

2) **эҳтимоллик, гумон маъноларини англатади**: ...ҳеч кимнинг уйи бунга тўғри келмайди, **балки** подшоликларда ҳам бундай салтанат қилмайди...(Алп.36). Биз Оқтошдан чиқиб кетганимизга кеча неча замон ўтди, **балки** ўн тўрт йилга яқинлаб етди (Рус.365).

**Ё (ёки)** боғловчиси қуйидаги вазифаларда воқелашади:

1) уюшган бўлақларнинг бирини иккинчисидан, бирор воқеа, ҳодиса ёки иш-ҳаракатни бошқасидан айириб кўрсатади: ...қалмоқ вилоятига етганча, **ё** бир ўтинчига, **ё** бир подачига, **ё** чўлда юрган чўпонга «биз Барчиннинг чопари бўлар эдик», - деб...(Алп.72). Бу бола бир катта ердан чиққан болада: **ё** бир подшонинг боласи, **ё** бир катта бекнинг боласи, **ё** бир аслзода бир оқсуяк эшоннинг боласи, албатта (Рав. 22).

2) зидлик муносабатни ифодалайди: Таваккал-да, *ё* уларга берар, *ё* бизларга (Рав.82). ...ғайратни маҳкам қилдим, энди *ё* ўғлингни айириб оламан, *ё* ўламан (Рав. 82).

3) кўшма гап компонентларидаги воқеа, ҳодиса ҳам юзага чиқмаган, улардан бирининг бажарилиши энди мўлжалланаётганлигини билдиради: Бир бало қиласанми, *ё* ёмонлаб ўласанми..(Алп.82). Ёрман суҳбат қурган борми? // *Ёки* бирга юрган борми? (Рав.30).

4) уюшиқ бўлақлар орасида келиб, гумон, тахмин маъноларини билдиради: Момомиз ғордамикан, *ё* бир алла гўрдамикан (Рус.356). қалин – қисматни бованг соладими *ёки* сен ўзингми? - деди (О.85).

*Ё* (А.і=61; Р.і=20) боғловчисининг *ёхуд*, *ёинки* шакллари «китобийлик, бадийлик» маъносига хос бўлиб, дostonлар тилида деярли кузатилмайди.

*Гоҳ* (А.і=1; Р.і=2) боғловчиси уюшиқ бўлақларни ёки икки содда гапни айириш учун хизмат қилади. Унинг *гоҳи* (А.і=21; Р.і=7), *гоҳида* (А.і=1), *гоҳо*, *го*, *гана* (А.і=2), *ганада* (Р.і=1) шакллари дostonлар тилида кўплаб ишлатилади. Юрган йўлим *гоҳи* баланд, *гоҳи* жар, // Найза текса, оқ бадандан қон оқар (Рав. 28). *Гоҳ* созини созлайди, // *Гоҳ* бўтадай бўзлайди, // *Гоҳи* чакка, *гоҳ* пукка (Рав.73). Тоғай, ҳар кимнинг хизматини қилган, *ганада* ҳаммомга ўт ёқиб кун ўтказиб келаётган... (Рус.407).

*Гоҳ* боғловчиси гапда такрорланиб, галма-галлик, воқеа-ҳодисаларнинг галма-гал рўй бериши мумкинлиги маъносини ифодалайди: Худо қилган ишга банда кўнади, // *Гоҳ* йиғлайди, *гоҳи* ойим кулади (Алп.232). *Гана* чўлда, *гана* элда, // Салтанат билан йўл тортди (Хур.178).

*Хоҳ* боғловчиси айрим гап ёки гап бўлақларини ўзаро боғлаб, галма-галлик, алмашиниб туриш маъноларини билдиради: *Хоҳи* Оқтош, *хоҳи* ўзга мамлакат, одам насли бундай гапдан беҳабар (Рус.365). *Хоҳ* оғир ол, *хоҳ* оғир олма (Рус.370). *Хоҳи* Алпомиш қилиб олсин, *хоҳи* қалмоқларнинг бири қилиб олсин... (Алп.120).

Хуллас, тенг боғловчи сўзлар гап мазмунини ёки нутқ қуршовида кўшимча маъноларни воқеаланишида муҳим белги саналади.

### *Эргаштирувчи боғловчи сўзлар*

Матнда эргаштирувчи боғловчи сўзлар кўшма гаплар таркибидаги эргаш гапларни бош гапга боғлаш учун ишлатилади. Эргаштирувчи боғловчилар кўшма гап таркибида бири ҳоким, бири

тобе бўлган қисмларни боғлашга хизмат қилади ва турли вазифаларни бажаради. Уларнинг ифода ва вазифа маъноларига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Аниқлов боғловчилар: *яъни, -ки, -ким*
2. Сабаб боғловчи сўзлар: *чунки, шунинг учун*
3. Шарт боғловчи сўзлар: *агар, башарти*
4. Чоғиштирув боғловчи сўзлар: *гуё (гуёки)*

Бу боғловчиларнинг қандай мазмун ва муносабат ифодалашини, уларни қайси турга киритиш масаласини, фикримизча, мунозаралидир<sup>110</sup>. Биз ана шу мунозараларга кўшилган ҳолда боғловчи вазифасида қўлланаётган сўзларнинг ифода ва вазифа маъноларида юз берган ўзгаришларни алоҳида баён этишга ҳаракат қиламиз.

**-ки (-ким)** боғловчиси ҳақида турли қарашлар мавжуд. Ш.Шоабдурахмонов **-ки**, боғловчини ҳам аниқлов боғловчи, ҳам кучайтирув ва таъкид юкласи деб ҳисобласа<sup>111</sup>, Ғ.Абдурахмонов «юклама»<sup>112</sup>, Ж.Мухторов ва А.Рустамов «боғловчи»<sup>113</sup>, М.Асқарова «содда гап составида юклама, эргаш гап кўшма гап составида боғловчи, яъни боғловчи-юклама»<sup>114</sup>, О.Бозоров ҳам «боғловчи-юклама»<sup>115</sup> деген деб кўрсатадилар.

**-ки** боғловчиси содда гап таркибида ҳам, эргаш гап кўшма гап таркибида ҳам ишлатилади. У отларга кўшилиб келиб, маънони кучайтиради, гапларни изоҳлаш, аниқлаш, таъкидлаш йўли билан боғлайди: Арзимиз шуки, бугун ҳукми кушга буюрган одам жуда ёш бола экан (Рав.59). Сағриси силага, бурнидан найча қўйиб, дурбин билан қараб кўрдиким, қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти буклам-таклам бўлиб ётир (А.122).

Хуллас, **-ки (-ким)** боғловчиси кўшма гап составидаги гапларни таъкидлаш йўли билан боғлайди. Содда гапларда кўпинча маънони кучайтириш учун юклама вазифасида қўлланади.

<sup>110</sup> Ўзбек тили грамматикаси. I-Тошкент, 1975.- 572 б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент, 1965.- 248 б.

<sup>111</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. -Тошкент, 1953.-19 б.

<sup>112</sup> Абдурахмонов Х. Кўшма гап синтаксиси асослари. -Тошкент, 1958.- 92 б.

<sup>113</sup> Мухторов Дж. Союзы в современном узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. - Самарканд, 1953. -с.7; Рустамов А. Ўзбек тилидаги -ки (ким) боғловчисининг синтактик вазифаси // Ўрта Осиё давлат университети илмий асарлари. -Тошкент, 1957.- 182 б.

<sup>114</sup> Асқарова М. Кўшма гап қисмларининг боғловчи орқали бирикиши // Тошкент давлат университети илмий асарлари. 42-том. -Тошкент, 1963.- 297 б.

<sup>115</sup> Бозоров О. Натижа эргаш гапли кўшма гапларнинг семантик табиати ва -ки ёрдамчисининг функцияси // - Тошкент давлат пединститутини илмий асарлари. -Тошкент, 1979.- 86 б.

**Шунинг учун** (A.i=2; P.i=3) сабаб боғловчи сўз [олмош+кўмакчи] қолипида шаклланиб, эргаш гапни бош гапга боғлаб, бош гап таркибида келади. Достон матнларида **шуни** шакли кўпроқ қўлланилади. Бу боғловчи микроконтекста куйидаги маъноларда воқеаланади.

**а) сабаб маъноси:**- Бова, мен бозорнинг йўлини тополмай юрибман, **шунинг учун** сизга ташвиш бердим (Рав.29)...бир йўллик олиб бориб қаманглар, тагин ундан бошқа гап чиқиб юрмасин, **шуни** эҳтиёт қилинглари (Рав.59).

**б) натижа маъноси:** Бек Алпомиш чоҳда ётган тўради, // **Шунинг учун** кўп меҳнат қилади (Алп.276). Мен ҳам ўл деган ерда ўлар эдим, асли гапни икки қилган эмас эдим. Энди **шунинг учун** эртага майдонга кираман (Рав.82).

**Агар** (A.i=43; P.i=26) шарт боғловчисининг **агарда, агарчи, гар** (A.i=2), **гарчи, магар** (A.i=6; P.i=1) шакллари бўлиб, боғлиқ қуршовда шарт, тўсиқсизлик маъноларини кучайтириб, бўрттириб кўрсатади: **Агар** етолмай йўлда қолсам, **агар** бир ўсал иш бўлса, ҳасан марднинг кўнглида армони қоларди (Рав.71). Анови турганлардан сўрайин, **агар** шунинг маъносини билмай кетсам бўлсам (Рав.27). Лекин олис-яқинини билмайман, **магар** шунда бориб кел демасанг (Рус. 396).

**Агар** боғловчиси иштирок этган эргаш гаплар кўпинча феълнинг шарт майли шакли ёрдамида бош гапга боғланади ва шарт маъносини ифодалайди: Ўлганимча тўйни бузиб кўрайин, // **Гар** қўлимдан келса, ўрлаб тураин (Алп.345). **Магар** билса кўздан тўкар ёшингни, // Йиғлатади қавми-қариндошингни (Алп.355).

**Агар** боғловчиси эргаш гапнинг бошида келиб, тингловчи диққатини жалб қилади: **Агар** билса, билмаганинг билдирар, // Дўст йиғлатар, душманингни кулдирар (Алп.355).

Достонлар тилида бу боғловчи ўрнида **мабодо** (A.i=4; P.i=1)- **мабодо** (A.i=2; P.i=1) (**навода** (A.i=2; P.i=1)) сўзлари қўлланади: **Мабодо** қизлар кўрса, қувса ушлатмагин; **мабодо** ушлаб олса, «бу чанқовузни ким қилди «деса, ўзим қилдим дегин, менинг дарагимни айтмагин (Алп.266). **Навода** сен хизматингни олма, // Менинг сўзим сира қиёмга олма (Алп.274).

**Деб** сўзи боғловчи вазифасида келиб эргаш гапларни бош гапга боғлайди. **Деб** (A.i=85; P.i=33) боғловчиси [аниқлик майлидаги феъл+деб] қолипида шаклланса, сабаб маъносини ифодалайди: Отни буриб, тушининг таъбири бу ерда топилди **деб**, ҳовуз лабига борди (О.31). Халқни йиғиб уч кечаю, уч кундуз тўй қиламиз - **деб**, бутун

эл-юртга маълум қилди (О.39). «...бу марднинг иши бўлмас» *деб*, индамай далага чиқиб,.. (О.46).

[**буйруқ-истак феъли+деб**] қолипида воқелашса, мақсад маъносини ифодалайди: Ғозни элчи қипти, бунда борсин, *деб*, // Олатоғда қолган дўстим кўрсин, *деб*, // Бу хатларни тоза ўқиб билсин, *деб*, // қўлидан келганча хизмат қилсин, *деб* (А.243). Қани, бориб Оқбўтани кўрсак, *деб*, // Хизмат қилиб бегдан ином олсак, *деб*, // Ўратепа қирқ, юзнинг кўрғонига, // Чиқиб ёвдан кўриб турсак, *деб* (Тўл.137).

*Гўё (ки)* чоғиштирув боғловчи. Бу боғловчи чоғиштириш, ўхшатиш маъноларини ифодалаш учун хизмат қилиб, эргаш гапни бош гапга боғлайди: кулоқ солгин мендай беги ҳайдарга, // *Гуё* мисли подшо қилай шаҳарга (О.9).

### 2.1.3. Юклама сўз туркуми

Юкламалар фақат ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки туркологияда ҳам етарли даражада ўрганилмаган тил ва нутқ ҳодисаларидан биридир<sup>116</sup>.

Юкламалар тўлиқ гапга ёки унинг бирор қисмиг қўшимча маъно жилоси бериш учун хизмат қилади. Аммо айнан ана шу қўшимча маъно жилоларини ифодалаш учун хизмат қиладиган қатор бошқа бирликлар ҳам мавжуд бўлиб, улар билан муносабат масаласи анча мураккабдир. Юкламаларнинг маъно турлари, унинг модал сўзлар, боғловчилар кўмакчилар, ундовлар, қўшимчалар муносабатида аниқланади<sup>117</sup>. Юклама сўзлар турланмайдиган, тусланмайдиган ёрдамчи сўзлардан бири бўлиб, у айрим сўз ёки гап учун умумий бўлган маъно жилоси беришга хизмат қиладиган категориядир. Улар грамматик муносабатларини ёки кесимини кучайтириш, гапга қўшимча маъно бериш учун ишлатилади. Юкламалар тузилишига кўра, икки хилдир: қўшимча ҳолидаги юкламалар ва айрим сўз ҳолидаги юкламалар. Аммо қўшимча ҳолидаги юкламалар билан аффиксларни аралаштирмаслик керак.

Аффикслар билан юкламалар орасида фарқ мавжуд: аффикслар янги сўз ясайди, туслайди ёки турлайди. Масалан: **-чи** аффикси

<sup>116</sup> Бозоров О. Юклама категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1977. -№ 2.- 24 б.; Шу муаллиф. Частицы в узбекском языке: Автореф. дис... канд. фил. наук. -М., 1983.

<sup>117</sup> Исаков З.С. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро муносабати ва унда юкламаларнинг ўрни: Номз. дис. автореф.- Фарғона, 2005.- 13 б.

отгагина қўшилиб янги от ясайди: ишчи, аълочи, бекорчи, ёлғончи каби.

Юкламалар сўз ёки гапга қўшилиб қуйидаги вазифаларни бажаришга хизмат қилади: 1) сўзнинг турли морфологик шакллари ва турли маъно хусусиятларини ифодаловчи гап шакллари ҳосил қилишда иштирок этади (кучайтирув, таажжуб, шарт, истак). Масалан: **-чи** юклама сўзи барча сўз туркумларига қўшилиб, гапга сўроқ маъносини бериш учун қўлланади (олдин-чи? кел-чи?)<sup>118</sup>. 2) турли хил субъектив модал тавсифни ифодалайди: Ажал етса паймонамиз тўла**ми**? Ситам билан камбағаллар ўла**ми**? Отадан қизига совчи кела**ми**? Билиб туриб хонга берсам бўла**ми**? (0.8). 3) хабар мақсадини ифодалайди (таъкид, тасдиқ, сўроқ, инкор), 4) ҳаракат ёки ҳолатнинг кечиш жараёнини, уларнинг тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаган, натижали ёки натижасиз бажарилиши жараёнини ифодалайди.

Юкламаларнинг ишлатилиши нутқ маънодорлиги, аниқлигини таъминлайди, унга оғзакилик жилосини беради<sup>119</sup> ва фикр мазмунини янада тўлиқ, чуқур ифода этишга ёрдам беради.

Бизнинг вазифамиз, назаримизда, ҳозирги юклама сўзлар қаторига киритилиб келинаётган лексик-грамматик шаклларнинг ҳар бирини халқ оғзаки ижоди асарлари тилида қандай маъноларда қўлланиш хусусиятларини ёритиб беришдан иборат.

Достонлар тилида юклама сўзларнинг ўзига хос семантик хусусиятлари мавжуд. Юкламалар сўз ёки гапларга қўшилиб, дарак гапни сўроқ гапга айлантиради.

**-ми** юкламаси нутқда гапнинг кесимига қўшилиб келади. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, **-ми** юкламасининг гап ичидаги мантиқий урғу тушган ҳар қандай бўлакка қўшилиши достонлар услуби учун характерлидир. Чунки услубий талабларга кўра бу юклама кесими яширинган ёки тушириб қолдирилган тўлиқсиз гаплардаги мантиқий урғули бўлакларга қўшилади. Достонлар тилида **-ми** (А.и=496; Р.и=174) юкламасининг **-ма** (А.и=17; Р.и=6) шакли қўлланган. Масалан: Марднинг иши элга шундай бўла**ма**, // Отдан айрилиб яёв қола**ма**, // Хаёлингга шундай гаплар кела**ма**, // Ҳеч замонда қалмоқ дўстлик қила**ма**?! (Алп.133).

**-ми** юкламаси қуйидаги вазифа маъносини ифодалайди:

1) боғланган қўшма гап таркибидаги сўроқ гапларда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

<sup>118</sup> Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. -Тошкент, 1953.

<sup>119</sup> Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. -Ленинград: Наука, 1987.-с.94.

а) ҳар иккала гап ҳам бир субъектнинг номаълум бўлган ҳолатини аниқлашга қаратилади: Юрар бўлсанг, сенга майдон йўлмиди, //Ғанимнинг шавкати сенга элмиди, // Сенга тегадиган Барчин гулмиди, //Қўнғирот элдан минган отинг шулмиди? (Алп.112).

б) ҳар иккала гапда белгиланган ҳаракат-ҳолатнинг объектини аниқлаш мўлжалланади: Кетган одам излаб бунда келами, // Келган одам сендан камроқ бўлами, // Ўзи ўлмай, киши ёрин берами, // ҳеч бир элда сендай тентак юрами, // Лоф уриб ўзини бозор солами, // Лоф билан қўлидан бир гап келами? (Алп.125).

2) уюшиқ бўлакли гапларда уюшувчиларнинг ҳар бирига қўшилиб, ноаниқлик, номаълумлик маъносини ифодалайди: Ў, Равшанбек сенинг элинг йўқмиди, овларга кўлинг йўқмиди, ўтирсанг-қўнсанг манзилинг йўқмиди, ўйнасанг, юрсанг тенгу хилинг йўқмиди? (Рав.27). Қулми, кўтонми, подачими, чўпонми, сомонхонадами, тезакхонадами айтишабий-да (Алп.373).

Хуллас, **-ми** юкламаси турли сўз туркумларига қўшилиб, нутқ жараёнида қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **соф сўроқ маъноси:** Тилларинг йўқми? Кўзинг уёқда бўлса, оғзинг ҳам бандми? (Рав.27). Бир боғчада олмамиди, нормиди, // Мендан ўзга сенинг ғаминг ермиди? (Рав.61).

2) **риторик сўроқ маъноси:** Подшо деган бул ишларни билмайми, // Билиб элдан оғир лашкар олмайми, // Ўзбекларга қиёматни қилмайми, // Подшо бўлган номус-орни билмайми, // Майдон бўлса иш кўрсатиб келмайми, // Моли-ҳолин, борин талон қилмайми, // Қизу жувон от остинда қолмайми, // қасд қилганга шундай кунни солмайми?! (Алп.173).

3) **таажжуб, ҳайрат маъноси:** Ҳеч замонда шундай гаплар бўлами, // Бир ўзбек шундайин ишни қилами, // Шундай алплар бул бейўқлов ўлами // Бевахм сендай шоҳ элда турами?! (Алп.173).

4) **ғазаб маъноси:** Мен қайтган сўнг қалмоқларда турдингми, // Хабар бер, бек дўстим, барин кирдингми, // Менинг тилим олмай уруш қип эди, // Баччағарни жуда андай қилдингми? (Алп.183). Сен кўсанинг мендан ўлгинг келдимми? // Ё билмайман кунинг охир бўлдимми? // Менга мунча қилавердинг дўқингни // Ё билмайман шайтон васвас қилдимми? (Рав.41).

5) **ташвиш, ғамхўрлик маъноси:** Билмайман, мен ночор кўнглим бўлами, // Терини кўтариб борсам урами, // Сарсон бўлдим менга азоб берами, // Мен билмайман, ишим ёмон бўлами, // Айтган сўзим ё бир маъқул қилами?! (Алп.261). Асқар тоғи туманмикан, //

Мен билмайман бу йўлларда // Ота-эна омон**микан**?! // Кўрганим йўк  
Қўнғирот эли // Қадимгидай замон**микан**? (Алп.308).

**б) сўзловчининг ўзича мулоҳаза қилиши англашилади:** «Келе, бугун индамай ўтиб кетайин, эртага анов олти отнинг бировини миниб келайин, йўлларда елайин, буларнинг барининг оғзи-бурнини қумга тўлдириб кетмасам**ми**» (Рав.29). ..мабодо бизга ўғил**ми**, қиз**ми** бериб, суюнчига келаётган қорам**ми**кин! (Рус.363).

**-ми** юкламаси гапда уюшиқ бўлақларнинг ҳар бирига қўшилиб, айрим ҳолларда **ё** ёрдамчиси билан синоним бўла олади: ҳар ким ўз элида бек**ми**, тўра**ми** (Алп.46). **Ё** бек, **ё** тўра // бек**ми**, тўра**ми**: **Ё** дев, **ё** одамзод: «бу жой бизники эди» (Рус.395). **Ё** дев, **ё** одамзод // дев**ми**, одамзод**ми**.

**-ми** юкламаси **ё** ёрдамчи билан бирга қўлланиши ҳам мумкин: Биримиз олайлик**ми**, ё баримиз олайлик**ми**, ё ўртада хотинли бўп қолайик**ми**? (Алп.59).

Баъзан **-ми** юкламаси **-дир** гумон юкламаси билан синоним бўлиши кузатилади. Масалан: Менинг отим касал бўлди**ми**, дарди ёмон ўсал бўлди**ми**, кўзинг бўлмаса ҳам, қўлинг билади...(Алп.130). Касал бўлди**ми**, ўсал бўлди**ми** //касал бўлган**дир**, ўсал бўлган**дир**.

Хуллас, **-ми** юкламаси ғазаб, нафрат, аччиғланиш, ҳайратланиш, таажжубланиш, мамнунлик, норозилик каби маъноларни ифодалаб, гапларни эмоционал-экспрессив оттенка билан бойитади.

**-чи**. Бу юклама ёрдамида шаклланган сўроқ гаплар тўлиқсиз шаклда бўлади. Бу эса дostonлар нутқи учунгина характерли хусусиятдир.

**-чи** (А.і=38; Р.і=15) юкламаси қуйидаги маъно муносабатларни ифодалайди:

**1) сўроқ маъноси:** Э, жўра, айтсанг-**чи**, мен ҳам кўрайин! (Рав.28). қани ҳийлангни айт-**чи**, эшитай, маъқул бўлса қилайик, - деди (О.60).

**2) дўк, буйрук, хоҳиш, илтимос маъноси:** Ў, йўловчи! Кетаберсанг-**чи**, бу гапларни сенга ким қўйипти? (Рав.28). Айтган сўзнинг поёнини билсанг-**чи**, // Шумлик қилсанг, қонлар ютиб ўлсанг-**чи**, // Икки қўллаб як жилов қип бурсанг-**чи** (Алп.277).

**3) риторик сўроқни ифодалайди:** Айтганимга кўнмаса-**чи**. // Алдаб кўндирсам, деб келдим (Рав.31).

**4) таъкид, уқдириш маъноси:** ...сен ҳам бориб ҳазиллашиб кўр-**чи**, кўрайин..(Рав.59). ҳа боласи қурғур, қайт-**чи**-қайт! (Рав.39). Менинг гапим фойдасини билсанг-**чи**, // Беш кунлик дунёда ўйнаб-



кулсанг-**чи**, // Султонимга бериб Орзигулингни, // Бу ўтар дунёда кайфин сурсанг-**чи**. (О.9).

**5) истак, қисташ маъноси:** Бораман деб бундан талаб қилсанг-**чи**, // Мендайин мунглиқнинг кўнглин олсанг-**чи**, // Жоним ака, яхши хизмат қилсанг-**чи**, // Кашал элга сен ҳам бориб келсанг-**чи** (Алп.248). кўй-**чи**, ўғлим, гап пули борники (Рав.30).

Хуллас, **-ми, -чи** юкламалари қўлланган сўроқ гаплар нутқий аралашувни келтириб чиқаради. Бунда сўзловчи кўпинча ўз саволига тингловчидан жавоб кутади. Бундай сўроқ гаплар эса барча нутқ услубларида учрайди. Аммо улар турли нутқ услубларида турлича услубий вазифа бажаради. **-ми** юкламаси **-чи** юкламасига нисбатан нутққа эмоционал-экспрессив жило беришда фаол иштирок этади.

**-а (-я).** Бу юклама ёрдамида шаклланган сўроқ гаплар интонациясига кўра икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида муайян фикрни ифодаловчи гап, иккинчи қисмида **-а** (А.і=10; Р.і=18) юкламаси келади. ...сен гапни билмайсан, э нодон болама-**а**, - деб жойидан турди (Рав.39).

Нутқда **-а** юкламаси якка ҳолда қўлланиб, бир сўроқ гап вазифасини бажаради. Бундай гаплар тингловчи сўзловчи фикрини эшитмай ёки англамай қолганда шаклланади. Газаб, таажжуб маъноларини ифодалайди: **А**, жўвонмарк, акангнинг кўзи тирик турганда чечангга бориб тегинсанг... (Алп.58). **А**, аждаҳарга бораман деганга гуноҳкор бўлдимми, мен? (Рус.409). **А**, қайтдинг, қайним? - деди (Алп.265).

**-а** юкламаси боғлиқ қуршовларда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**1) сўроқ маъноси:** Менинг қизим боғда очилган лолам-**а** // қариганда сенинг ақлинг олама**а**? // ҳар кимни тенгига кўш-да валламат // қарчиғай кўзғунман ошна бўлама**а**? (Рав.6). Мисолдаги биринчи-**а** юкламаси, қолганлари эса **-ми** юкламаси бўлиб келмоқда.

**2) тасдиқ, ишонч маъноси:** Езна, менга меҳрибонлик қилсан-**а**, // Еган молларингни ҳақлаб турсан-**а**, // Товкани эртароқ олиб берасан-**а**, // Сен менинг кўнглимни хурсанд қилсан-**а** (Алп.261).

**3) ҳис-ҳаяжон маъноси:** Не бир эрлар во Равшан, деб келар-**а**, // Умид қил, тўрангни айириб олар-**а** // Хабарингни юборабер, бўйингдан, // Ичкуярлар келиб қирғин солар-**а** (Рав62).

**4) таажжуб, ажабланиш маъноси:** Оққиз-**а**, нигиннинг қадрин билмадинг! (Рав.49). Э, нодон болам-**а**, - деб жойидан турди (Рав.39).

**5) таъкид, кучайтириш маъноси:** Алла қилсин болам- **а**, // Уйқудан ором олсин- **а**, // Алла болам деганда, // Жимгина ухлаб қолсин – **а** (О.68). Осмондаги турналар –**а**, охува, // Икки ўтар бир йилда- **я**, охува, // Икки ошиқ бирикса – **я**, охува, // Бир йил бўлмас бир кунча- **я**, охува // (Ой.25).

Хуллас, **-а(-я)** юкламаси тўлиқ ва тўлиқсиз гапларни шакллантиришда маҳсулдор қўлланилиб, турли хил модал маъноларни англатади ва сўзловчининг эмоциясини ифодалаш учун хизмат қилади.

**-е** (А.і=2; Р.і=3) кучайтирув ва таъкид юкламаси дostonлар матнларида қўлланилиб, сўз маъносини таъкидлайди, кучайтиради: Кел-**е**, «култой» ҳам ўзимизнинг каттамыз-да...(Алп.354). Келе, бугун индамай ўтиб кетайин... (Рав.29). Уре, миршаб, каттикроқ ур! - деб ўтиб кетаверди (О.75).

**-да** (А.і=138; Р.і=38). Бу юклама қўшилган сўз ва гаплар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**1) таъкид, кучайтириш маъноси:** Отам зўрламасин кўнглим билар-**да**, // Отам ўлса, бир йўриғи бўлар-**да**, // Подшолик ишлари бир оғир юк-**да**, // Мени кўйсин, ўзи сўраб турар-**да** (Рус.445). Бир ўзбак-**да**, - деди. Бир нечаси айтди: - Жуда ҳадди муғум зўр ўзбак-**да** (Алп.128). Келтирилган гапларда –да ЮЛ ўйланган, тахмин қилинган фикрни мазмунан ҳам таъкидлаб, ҳам тасдиқ қилиб келмоқда. Яъни «кўнглимга қулоқ соламан», «кейин бирор гап бўлар», «ҳозирча ўзлари ҳукмронлик қилсинлар» пресуппозицияга ишора қилинмоқда.

**2) ғазаб маъноси:** Ҳай, аттанг, подшомизни ерга кўмди-**да** (Рав.55). ҳа, сенга бизлар шундай хизматкор-**да**, бизларга бир пул юзукни ҳам кўзинг қиймайди...(Рав.48).

**3) хоҳиш, истак маъноси:** Ҳа, энам билан тозилар бугун келмади деб йўлга қараб турар-**да**, бир кун ярим кунда савдо очилар-**да** (Рус.405). Эна, бера қол-**да!** (Рав.39). Хазон чалиб боғда гули сўлсин-**да**, // Менинг муножотим қабул бўлсин-**да**, // Дуо қилай, қалмоқшоҳи ўлсин-**да**, // Ул ҳам мендай сарсон бўлиб қолсин-**да!** (Алп.214). Мисоллардаги «йўлга қараб турар-**да**» гапидан «қараб турадилар» тарзидаги тасдиқ маъно, «савдо очилар-**да**» гапидан эса «очилиши ҳам мумкин, очилмаслиги ҳам мумкин» деган тахминий маънога, яъни пресуппозицияга ишора қилмоқда.

Кетма –кет бўлган иш-ҳаракатни бир-бирига боғловчи **ва** ўрнида –**да** юкламаси қўлланади, бунда ҳаракат тезлик билан бажарилиши таъкидланади: Чикмасданок, кўзи тушди баччага, // ғорига қочди-**да**,

кирди-**да** турди (Я.Аҳм). Ёмондан қоч-**да** қутул, ё тон-**да** қутул (Ой.206). Достонлар тилида қўлланган ёрдамчи сўзлар синонимиясини 3-иловада берилган жадвал орқали яққол кузатиш мумкин.

Умуман,-**да** юкламаси «гапнинг мазмунини мураккаблаштиради, гапнинг актуал тузилишида актуаллаштирувчи восита сифатида иштирок этади. Прагматик тузилишида лингвистик пресуппозиция ифодалаб, синтактик тузилиш орқали ифодалаган очиқ ҳукмга қўшимча тарзда яширин ҳукм англатади<sup>120</sup>».

**Ё** (А.i=3) кучайтирув ва таъкид юкламаси сўз маъносини кучайтиради, шунингдек, сўзловчи фикрини таъкидлайди, бурттириб кўрсатади. Масалан: Зор йиғлаб отам шўр бўзлаб қолди - **ё**, // Энамнинг кўз ёши дарё бўлди - **ё**, // Ярим йўлда суяр ёрим келди - **ё**, // Вафодорим, сендан кўнглим тўлди - **ё**, // Шукрилло, йўлим калта бўлди - **ё** (Я.Аҳм. 228). қоражонбек дейди мени, // Ким аҳмоқ қилди - **ё** сени? (Алп.179). Жимгина ухлаб қолсин - а, // Алла болам, алла - **ё**, // Икки кўзим, алла - **ё** (О.68).

«Юкламаларнинг аксарияти, айрим боғловчилар, шунингдек, бошқа айрим лексик бирликлар гапда муайян логик пресуппозиция сигнализатори сифатида иштирок этади<sup>121</sup>.» Мисолларда келтирилган, бўзлаб қолди - **ё**, кўз ёши дарё бўлди - **ё**, ёрим келди - **ё**, кўнглим тўлди - **ё**, йўлим калта бўлди - **ё**, аҳмоқ қилди - **ё**, алла - **ё** бирикмаларида **ё** юкламаси пресуппозиция ифодалаган. **Ё** юкламаси гапда қўлланмаса, гап хабар мазмунини воқелаштиради, холос. Юклама иштирок этганда, бўзлаб қолди - **ё**, кўз ёши дарё бўлди - **ё** бирикмаларида кучайтирув, таъкиддан ташқари, ачиниш, афсусланиш маъноси, ёрим келди -**ё**, кўнглим тўлди - **ё**, йўлим калта бўлди - **ё**, алла - **ё** ич-ичидан завқланиш, шодлик, қувониш, аҳмоқ қилди - **ё** бирикмасида аччиқланиш каби маънолар ифодаланади.

**-гина** айирув ва чегаралов юкламаси [мустақил сўзлар+(гина)], [билан+(-гина)], [фақат+(-гина)], [туфайли+(-гина)] колипларидаги ҳосилаларда воқелашади ва қуйидаги маъноларни ифдалайди:

1) **айириш, чегаралаш маъноси**:...бир кўрадиган қиз экан, бир**гина** кўрадиган қиз экан (Рав.39). Равшанбек, Зулхуморойим билан икков**гина**си бир овлоқ уйда ўтириб қолди (Рав.51). Бир шу **ғозгина** кампирнинг ўғлидан йиқилмай кетган эди (Алп.235).

<sup>120</sup> Раҳимов У. –да юкламасининг семантик-грамматик хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили бўйича давлат таълим стандартларини жорий этиш масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Қўқон, 2003.- 132-136 б.

<sup>121</sup> Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. № 6.- 31 б.

2) **камлик, кучсизлик маъноси:** Ундай деган бўлса, астагина айта қўй, - деди (Алп.246). ...гўшгинаси қоққина, уйкугинаси соққина...(Рав.25). ..озгина эмас мўл юриб, уч ой тинмасдан йўл юриб...(Рав.19).

Достонлар матнларида **-гина** юкламаси вазифасида **фақат** (P.i=6), **ёлғиз** (A.i=1; P.i=3), **қуруқ** (P.i=1) сўзлари ҳам қўлланилади<sup>122</sup>. Масалан: ...қизлар тушиб кетипти, **ёлғиз** ўзи қолипти (Рав.37). қоражон **ёлғиз** айрилиб, бу лашкарга рўпара бўлиб...(Алп.179). Икков эмас, учов эмас синглиси, // Яратганда **ёлғизгина** укаси (Ой.182).

Бу юкламалар бири ўрнида иккинчиси қўлланиши мумкин. Лекин улар доим ҳам алмашган ҳолда қўллана олмайди. Бу юкламаларни услубга нисбатан олиб қарасак, **фақат** юкламаси нейтрал қийматли, **ёлғиз** юкламаси эса экспрессив бўёққа эга бўлиб, кўпроқ бадий услубга хос, **қуруқ** юкламаси шевага хосдир.

Хуллас, **қуруқ, фақат** юкламаси бир-бирига вазифа ва ифода маънолари жиҳатдан яқин. Улар таъкидлаш ва чегаралаш маъносида ишлатилса, **ёлғиз** юкламаси яқка, биргина маъносида ифодаланади.

**-дир** гумон юкламаси барча сўз туркумларига қўшилиб кела олади ва сўзларга гумон маъносини воқеалаштиради: Кўп қалмоқман Бобоҳонга боргандир, // қоражонман менинг отим ўлгандир (Алп.152). Отанг ҳозир шундай бўлиб тургандир, // Кетар вақтда оша ўрлик қилгандир, // Энди шўрли пушаймон қип юргандир, // Ўз ишидан наф топмайин қолгандир (Алп.207).

**-дир** юкламаси [сўроқ олмошлари+(-дир)] қолипдаги шаклларда қўлланиб, боғлиқ қуршовларда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) [ким (нима; не; на)+(-дир)] қолипидаги ҳосилдан шахс ёки предметнинг ноаниқлигини кўрсатади: қўйингнинг эгаси кимдир, билайин? (Алп.330). Ошук бўлса недир чора? (Рав.31). Сабаб надир, бир саломга келмадинг? (О.61).

2) [қайси+(-дир)] қолипидаги ҳосила белги, маконнинг ноаниқлигини ифодалайди: Рост айтгин, болам диёринг қайсидир? // қилиб юрган касб-коринг қайсидир? // Подшоҳи номдоринг қайсидир? (Рав.28).

3) [қаер (қаёқ)+(-дир)] қолипидаги ҳосила эса, ўриннинг ноаниқ белгисини кўрсатади: Қаердадир ўйнаб-ўсган жойларинг?(О.32). Қаердадир у Дилмурод кокилдор? (О.72).

<sup>122</sup> Совет даврида ўзбек адабий тилининг тараққиёти.1 том. -Тошкент, 1988.- 222 б.; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. -Тошкент: Фан, 1962.- 198 б.; Эгамов В. Самарқанд областининг Ғаллаорол шеvasи. -Самарқанд, 1970.- 101 б.

Хуллас, **-дир** юкламаси гумон маъносини воқеалаштириш билан бирга гумон олмошларини яшашда ҳам хизмат қилади.

**-ку** кучайтирув ва таъкид юкламаси матнларда **-ку** (А.і=41; Р.і=11), **-зу** (А.і=1) шаклларида қўлланиб, нутққа тасвирийлик бериб, таъкид маъносини ва маънони кучайтириш учун хизмат қилади: Сен ҳам менинг акамсан-**ку**, меҳрибон (Алп.243). Сен ахир, аждаҳарга бораман деяпсан-**ку**! (Рус.409). Шу туянг-**зу** жуда сени ҳоритди (Алп.324). Бу лаънати кўсани худо урди-**ку** (Рав.40). Мисолларда кўриниб турибдики, **-ку** ЮЛ [от+ (**-ку**)] қолипидаги ҳосила предметни (акам-ку, туянг-ғу) таъкидласа, [феъл+ (**-ку**)] қолипидаги ҳосила гап маъносини кучайтириш учун хизмат қилган.

**-у(-ю)** юкламаси [феъл+(-у (-ю))] қолипида қўлланилиб, иш-ҳаракатнинг бажарилишидаги тезлик маъносини ифодалайди: «Ана бир қалмоқ ўзини чориб бойлаб юрибди-**ю**», - деб кулди (Алп.52). Элингни кўрдиму, бўлганман хайрон (Рус.403).

**-оқ(-ёқ)** (А.і=12). Бу юклама [феъл + (-у(-ю))] қолипида қўлланилиб, иш-ҳаракатнинг бирин-кетин тезлик билан давом қилишини, бошланишини, таъкидни кўрсатади: Чикмасдан**оқ** кўзи тушди баччага, // Ғорига қочди-да, кирди-да турди (Я.Аҳм.237). Оқработни кўргандан**оқ** Аҳмаджон, // Чопиб келиб работни уч айланди (Я.Аҳм.232).

[от+(-у(-ю))] қолипининг ҳосиласидан эса, кучайтириш, ажратиб кўрсатиш маъноси воқелашади: Бир иликни Ёдгор**оқ** еяқўйсин (Алп.354). «...бориб шарманда бўлгунча, бормаи, шу ердан**оқ** қайтиб кета берсаммикан», - деди (Алп.105). Оббо келган бойдан**оқ** қулоғимиз тинмади, - деди (Алп.59).

**Ҳам** (А.і=627; Р.і=33). Бу сўз ўзбек тилига оид ишларда бириктирув ва тўсиқсизлик боғловчи сифатида қаралади. Лекин кейинги даврда яратилган ишларда унинг юклама вазифасида қўлланилиши ҳақида кўп гапирилмоқда<sup>123</sup>.

Достонлар тилида **ҳам** юкламасининг куйидаги маънолари ифодаланади:

1) [мустақил сўз+ҳам] қолипининг ҳосиласидан айриб кўрсатиш, таъкидлаш маъноси воқелашади: Хуройим **ҳам** подшонинг хотини, бир гап айтиб гуноҳкор бўлмайик...(Рус.360). Қоражан **ҳам** жовчи бўлиб бориб қолди (Алп.116). Сен**ам** бир кун йўл оласан, \ Саломат элга борасан (Тўл.162).

<sup>123</sup> Турсунов У., Мухторов Ж. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент: Ўқитувчи, 1975.-245 б.; Ўзбек тили грамматикаси. Морфология, -Тошкент, 1975.- 577 б.

**Ҳам** юкламаси «сўз маъносини кучайтириш, таъкидлаш каби маъноларни ифодалаш билан бирга гап мазмуний тузилишида пресуппозиция англатиб келади ва актуализаторлик вазифасини ҳам бажаради<sup>124</sup>». Юқорида келтирилган мисолларни таҳлил қилсак, яширин маъно борлиги аниқланади *хуройим ҳам подшонинг хотини* бирикмасида **ҳам** юкламаси «подшонинг яна бошқа хотинлари борлиги» пресуппозициясига ишора қилмоқда. *Сенам, қоражон ҳам* бирикмаларида «шу ишга яна бошқа кишилар ҳам қўл ўрганлиги» ҳақидаги пресуппозиция англашилмоқда. Таъкидлаш маъносига боғлиқ қуршовда қўшиб ҳисоблаш, биргалик маъносидаги пресуппозиция қўшиляпти.

2) [**ҳам+сўз**] қолипнинг ҳосиласидан фақат таъкидлаш маъноси воқелашади:..ёлғиз қолип, **ҳам** юртидан, **ҳам** қизидан айрилиб...(Алп.172). *Ҳам* кеча, **ҳам** кундуз ҳозир бўб юргин (Рав.16). «**ҳам** отамдан, **ҳам** юртимдан айрилдим».. (Алп.150). Мисолларда **ҳам** юкламаси *юрт, қиз, ота, кеча, кундуз* сўзларига қўшилиб, таъкидлаш маъноси билан бирга шу сўзларнинг лексик маъносига яқин тушунчаларга ишора қиляпти ва таъкидлаб келган сўздаги ҳолатни бошқа шу каби сўзларга ҳам тааллуқли эканлигини яширин англатаяпти, кутиш, ўхшатиш маъносини ифодаловчи пресуппозиция ҳосил қиляпти.

3) [**шарт майлидаги феъл (сифатдош)+ ҳам**] қолипнинг ҳосиласидан тўсиқсизлик шарт маъноси юзага келади: Осмонга учганини **ҳам**, ерга кирганини **ҳам** билмай қолди (Тўл.147). ..акам қайтиб кеп қўярдан **ҳам** тоймас; ўз кўзимиз билан жўнатиб юборайлик (Алп.79). ...тиғ тегмаса **ҳам**, ўлим ҳаракатига келиб эди... (Рус.387). Бу гапларда сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги коммуникатив мақсад иш-ҳаракатнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигига тўсиқ бўлсада юзага келиш шартлиги талаб этиляпти. *Осмонга учганини ҳам, ерга кирганини ҳам* гапида “у яна бошқа яшириниш мумкин бўлган жойларга кетганлиги”, *тиғ тегмаса ҳам* гапида “балки милтиқ билан отилган, балки дорга осилган”, *кеп қўярдан ҳам* гапида “умуман йўлга чиқмасилиги, боришни хоҳламаётганлиги” тарзида пресуппозиция тушунилади.

**Ҳам** юкламасининг (**ҳ**) ундоши тушган ҳолда қўлланиши кузатилади. Бундай вақтда у ўзи алоқадор бўлган сўзга қўшиб ёзилади ва қўшимча вазифасини ўтайди: Бугун бунда кўрдим, дер, //

<sup>124</sup> Раҳмонов У. Ҳам юкламасининг пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993. № 4. - 58 б.

Ўзимданам золимни (Ойч.54). Булам шердил караб турмас, // Ундай ёвни писанд қилмас (Тўл.144).

Хуллас, **хам** юкламасининг маъно нозикликлари нутқ сўзлаган пайтдаги коммуникатив мақсадига боғлиқ ҳолда юзага келади.

**Худди** (А.і=1) аниқлов юкламаси дostonлар матнида қўлланиб, қуйидаги маъноларни ифодалаш учун ишлатилади:

1) аниқлаб кўрсатиш маъносини ифодалайди: ...**худди**-мудди жасади букуртоб қултойнинг ўзи бўпти (Алп.334). Мен сизни ўхшатдим жиғадор қўшга // **Худди** шундай бўлиб келдинг, тўражон (О.55). Беклар ҳам бевани **худди** илгари кўргандай муомалада бўлдилар (О.825).

2) чоғиштириш, қиёслаш мазмунини билдиради: ...кечаликка бўлса шу ёнимда, **худди** кечаси бўлар кундузи... (О.18).

**Тагин** (А.і=2; Р.і=1). Бу сўз аслида равиш бўлиб, «бундан ташқари», «яна» маъноларида ишлатилади. Шунинг учун бу сўзни ўзбек тилига оид ишларда юкламанинг бирор турига киритилмайди<sup>125</sup>. Лекин дostonлар тилида бу сўзнинг кучайтирув юклама сўзи вазифасида қўлланилганини кузатамиз. Матнда **таги**, **тагин** шакллари ишлатилган: ...жаллоди бўлса, **таги** менинг қошима юборсин,... (Рус.388). Шаҳарга яқин етишда, // **Тагин** келиб қалмоқ билан // Шаҳар ичра аралашди (Алп.292). Тоқатим йўқ **тагин** гул очилгунча (Рав.21).

**Тагин** юкламаси ҳадик, шубҳаланиш маъносини ҳам ифодалайди: «**Таги** ҳам битта-яримта жони бор йўқмикан» деб ағдариб кўриб юриб эди (Рус.389). Лекин Зулхуморни ҳам урманглар, сўкманглар, бир йўллик олиб бориб қаманглар, **тагин** ундан бошқа гап чиқиб юрмасин, шуни эҳтиёт қилинглар (Рав.59). Ёлғиз фарзандим **таги** тиймасин, // Бир ёмонга **таги** тегиб қўймасин (Ой.175).

**Туғул** (А.і=1). Бу юклама дostonлар тилида **туғил**(Р.і=1), **тува** (А.і=1) шаклларида қўлланиб, инкор маъносини ифодалаш учун хизмат қилади: Қизим **туғул**, кучугимдан садаға (Рав.6)...от **туғул** эшак минмаган... (Рус.407). Кампир бир лаган танга **туғил** ўн лаъли тиллани Равшандан аямайди (Рав.39). Муна элда давлатли деб суяманми, ёр-ёр, // Тегмак **тува** изувига сияманми, ёр-ёр (Алп.379).

Юқорида кўриб ўтганимиз юкламалар турли хил ишларда юклама сифатида тан олинган ва улар таснифида юкламаларнинг бирор турига киритилган. Лекин ўзбек адабий тили ва дostonлар тилида **ха**,

<sup>125</sup> Совет даврида ўзбек адабий тилининг таракқиёти. I том, -Тошкент: Фан, 1988.- 220 б.

*хўш, хўп, лаббай* каби сўзлар мавжудки, уларни юкламаларнинг бирор турига киритмайдилар.

Ҳозирги ўзбек адабий тилига доир ишларда юқоридаги сўзларнинг юкламалиги тан олинади<sup>126</sup>.

*Хўш* (Р.і=3) юкламаси дostonлар матнида фаол ишлатилиб, қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) сўроқ гаплар олдидан келиб, «айтинг-чи», «жавоб беринг-чи», «тушунтириб беринг-чи» каби маъноларни билдиради: *Хўш*, менга нима арзинг бор?, - деди (О.38). У чиқиб, «*хўш?*» деди (О.84).

2) кисташ маъносини ифодалайди: *Хўш* энди Хуморим, энди *хўш* энди (Рав.61). Жондан ортиқ, азиз дўстим, *хўш* энди (О.58).

*Хўп* (А.і=31). Бу юклама тасдиқ маъносини ифодаловчи сўз сифатида эслатилади. Бу ЮЛ розилик маъносини ифодалаш учун хизмат қилиб, «майли», «майлига» маъносини воқеалаштиради: Чўпон «*хўп*» деб, таблага кириб... (О.55). Сувонхон: «*Хўп*» деб қайтиб, бу воқеани ёрига билдирмади (О.65). Шунда энаси:- *Хўп* ўғлим,...(О.25).

*Хўп* юкламаси тасдиқ маъносини ифодалаб, *ҳа* юкламаси билан синонимик муносабатни ташкил қилади: Шунда энаси:- *Хўп* ўғлим,...(О.25). *Хўп* ўғлим // *ҳа* ўғлим. *ҳа*, бўлса, аямайик, берайик (О.4). // *Хўп*, бўлса, аямайик, берайик.

*Ҳа*. Бу юклама нутқимизда хилма-хил синтактик конструкцияларга тенг кела оладиган семантик-грамматик ва стилистик вазифаларда қўллана олади<sup>127</sup>.

*Ҳа* (А.і=4; Р.і=1) сўз-юкламаси нутқ бирлиги сифатида, фақат диалогда яшайди ва суҳбатдошнинг у ёки бу мазмундаги сўроғига ихчам жавоб бериш, бирор фикрни маъқуллаш воситасидир. Нутқда *ҳа* сўз-юкламаси ифода мақсадига кўра дарак, сўроқ, буйрук, ундов гап вазифасида қўлланилади: - *Ҳа*, майли!, - деди(О.79). «...*Ҳа* сени кўраман-да», - дейишиб» (Рус.7).

*Ҳа* юкламаси қандай гап бўлиб келишдан қатъий назар юклама сифатида қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **жавобда бирор фикрни тасдиқлаш, розиликни ифодалаш маъноси:** *Ҳа*, тўғри тақсир! - деб турди (О.43). *Ҳа*, бўлса, аямайик, берайик (О.4).

<sup>126</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 том,- М: Русский язык, 1981.- 668 б.; Джураев Б. Шахриябский говор узбекского языка. -Ташкент, 1964.- с.124.

<sup>127</sup> Шодмонов Э.С. «Ҳа» сўзининг функционал-синтактик хусусияти ва стилистик синонимларига доир // Тилшунослик масалалари.-Тошкент, 1970.- 139 б.



2) бирор фикрни таъкидлаш, унга диққат жалб этиш учун ишлатилади: **Ҳа**, қайтинг, бобо, - деб порт бўлиб қолди (Алп.335). **Ҳа**, сенга биз шундай хизматкорда...(Рав.48).

3) дўқ, пўписа маъноси: **Ҳа**, жувонмарг, ҳароми, сени ангдай топдим. (Рав.41). **Ҳа**, боласи қурғур, кел уйга, қарама! - деб уришаётир (Рав.38). «...**Ҳа** сени кўраман-да», - дейишиб...(Рус.7).

4) ундаш, қисташ маъноси: **Ҳа** тез бўлинглар, дарров келинглар! (Рав.36). Кел-**ҳа**! Бўл-**ҳа** бўл! - деяётир...(Рав.37). «**Ҳа**, бова, **ҳа** бова, қўявер!» деб... (Рав.42). ...**Ҳа** деб йўрғалатади...(Рав.39).


Хуллас, тасдиқ юкламалари **ҳа**, **хўп** вазифа маъносига кўра ўхшаш бўлса-да, аташ маъносига кўра турли маъно нозикликларини ифодалаб келади. Бу нарса нутқ шароити, оҳанг орқали фарқланади.

Юқоридаги лингвистик маълумотларни умумлаштирган ҳолда статистик маълумотларни келтирамиз. (Қаранг: 4-илова)

Жадвалда келтирилган ёрдамчи сўзларнинг қўлланиш частотасига мувофиқ сўзларнинг статистик структурасини юзага келтирамиз:

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
К	2	18	12	8	5	4	4	3	3	2	2	1	2	1	1	2	1	1	2	2	1	1
В Алп	0,0016		0,0017			0,007		0,0006	0,0044	0,0005	0,0007	0,0004	0,0011	0,0006	0,0007	0,021	0,025	0,044				
В Рав		0,0025		0,0022	0,0021	0,003	0,0039	0,0076		0,0022	0,0028	0,0045		0,0018	0,0019	0,0042	0,0035	0,0053	0,0073	0,0033	0,021	0,0246

Жадвалларда келтирилган статистик маълумотлар асосида дostonларда қўлланилган ёрдамчи сўзларни куйидаги графикда тасвирлаймиз:



Графикда тасвирланганидек, А. достонидаги (1-қатор, узиқ чизик) ёрдамчи сўзларга нисбатан Р. достонидаги (2-қатор, узлуксиз чизик) сўзларнинг қўлланиш даражаси юқоридир. Максимал кўтарилиш даражаси А. достонида 6, 18 га, Р. достонида 6, 8, 22 га тенг. Кўринадики, А. достонига нисбатан Р. достонидаги ёрдамчи сўзлар ранг-баранг ва кўп миқдорда қўлланилган. Бу эса ижодкорнинг сўз қўллашдаги маҳоратини кўрсатади.

## ***2.2. Достонлар тилида алоҳида гуруҳни ташкил этувчи сўзлар***

Ҳозирги ўзбек адабий тилида алоҳида гуруҳни ташкил этувчи сўзлар таркибига модал сўзлар, ундов ва тақлид сўзлар киритилган. Модал сўзлар муносабатни номласа, ундов сўзлар ҳис-ҳаяжонни тасвирласа, тақлид сўзлар товуш ёки кўринишга тақлидни ифодалайди.

Модал сўзларнинг ўзгармаслиги ва маъноси уларни юкламаларга жуда яқинлаштиради. Модал сўзларнинг юкламаларга жуда яқин келишини кўрсатувчи синтактик томони, айти пайтда уни юкламалардан фарқли эканлигини ҳам кўрсатади.

Ундов ва юкламалар икки томони билан яқинлашади. Биринчидан, ундов ва юклама морфологик жиҳатдан ўзгармасдир. Иккинчидан, ундов ва юкламалар семантик жиҳатдан эмоционал-экспрессив маъно ифодалайди.

Тақлид сўзлар ўзгармаслиги юклама, ундовлар, модал сўзларга яқинлаштиради. Тақлидий сўзларнинг улардан фарқли томони у қандай? қанақа? сўроқларига эгаллиги ҳамда синтактик вазифа бажаришидир.

### 2.2.1. Модал сўз туркуми

Тилшуносликда модал сўзларни маъноларига кўра тасниф қилишда олимларнинг турли хил қарашлари мавжуд<sup>128</sup>.

«Ўзбек тили грамматикаси»да модал сўзлар 2 гуруҳга бўлинган:

1) фикрни аниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар;

2) фикрнинг номаниқлигини ифодалаш учун хизмат қилувчи модал сўзлар<sup>129</sup>.

Булар эса яна бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганилган. Биз дostonлар матнидаги модал сўзларни ўрганиб чиққан таснифлар ва тўпланган манбалар асосида қуйидагича таҳлил қилишни лозим топдик.

1. Сўзловчининг ўз фикрига ишончини ва уни тасдиқлаш орқали воқеликка бўлган муносабатини ифодаловчи модал сўзлар.

2. Сўзловчининг гапда ифодаланган фикрнинг ноаниқлигини, гумонлигини ва у орқали муносабатини ифодаловчи модал сўзлар.

3. Сўзловчининг ўз нутқини эмоционал баҳолаш ва у орқали воқеликка муносабатни билдирувчи модал сўзлар.

4. Сўзловчининг фикрини ифодалаш шакли ва у орқали воқеликка муносабат билдирувчи модал сўзлар.

5. Зарурат, лозимлик, юклаш маъносини англатадиган модал сўзлар.

**1. Сўзловчининг ўз фикрига ишончини ва уни тасдиқлаш орқали воқеликка бўлган муносабатини ифодаловчи модал сўзлар.**

Бу сўзлар матн таркибидан ажратиб олинганда конкрет маъно ифодаламайди. Улар фақатгина боғли қуршовда модал муносабат ҳосил қилади. Мазмун жиҳатдан умумий модаллик маъноси бир қанча хусусий маънолар орқали намоён бўлади.

**1) ишонч маъноси:** Вафоси йўқ бундай шоҳлик давлатдан // Бошим олиб кетай, бундан, *албатта* (Рус.352). «Бу бола бир катта

<sup>128</sup> Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке //Труды института русского языка, II, -М.-Л., 1950; Бордович А.М. Модальные слова в современном русском литературном языке: Автореф. дис... канд. фил. наук. -Минск, 1956; Пинхасов Я. Ҳозирги ўзбек адабий тилида модал сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1961. №1.- 44 б.; Саидов С. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида модал сўзларнинг классификацияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963, № 6.- 41 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида модал сўзлар. -Тошкент, 1963; Кўнғуров Р. Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. 2 қисм, -Самарқанд, 1980; Камилджанова Р.А. Модальные слова а современном узбекском языке: Автореф. дис... канд. фил. наук. -Ташкент, 1975.

<sup>129</sup> Ўзбек тили грамматикаси. I, Морфология. Тошкент: Фан, 1975.- 583 б.

ердан чиққан бола-да: ё бир подшонинг боласи... ё бир аслзод бир оқсуяк эшоннинг боласи, *албатта*», - деб (Рав.22). *Албатта*, бу боласнинг ота-энаси бор (Рав.22). *Албатта*, бу элнинг каттаси шулда...(Алп.36). 1-мисолда *албатта* (А.и=31; Р.и=4) МЛ «ишонч» маъноси билан «тасдиқ» маъноси бирга қўлланган бўлса, 2-мисолда эса «ишонч» маъноси устун келган. 3-4 мисолларда эса «ишонч»дан кўра «тасдиқ» маъноси кучлироқ воқелашмоқда.

2) **тасдиқ маъноси:** *Майлинг*, қандай от миниб борсанг, - деди (Алп.112). *Рост*, «отам отини қистамаган», деярки, *рост* (Рав.72). Улар тепа устига чиқиб қарасалар, *ҳақиқатан*, саратон юлдузли, ўткир кўзли йўлбарс билакли, шер юракли, бошида яллуғи ярақлаб Сувонхон кўринди (О.38).

Бу гаплар орқали ифодаланган фикрнинг тўғрилигига, аниқлигига тингловчи шубҳа қилмайди.

**2. Сўзловчининг гапда ифодаланган фикрининг ноаниқлигини, гумонлигини ва у орқали муносабатини ифодаловчи модал сўзлар.**

Бундай модал сўзлар қуйидаги маънолирни ифодалайди:

1) **шубҳа маъноси:** «*Мабодо*, зўрлигимдан англаб юрмасин», - деб билагини бўшатди,... (Алп.342). *Мабодо*, йўлда лочин, баҳрин дучор келмасин, ошу меҳнатим зойи бўлмасин,...(Рав.63).

2) **гумон, ишончсизлик маъноси:** *Балки* мен мени уялтдинг (Алп.248). Бу зиндондан тортиб олиб кетиб қолади, *шекилли* (Алп.249).

3) **эҳтимоллик маъноси:** Айтган сўзи бизга маъқул келганди, // *Балки* яхши билди мендай полвонди, // Шундай ойим билан қилсанг давронди, // *Балки* сўзи кўнгли бордай бўлганди (Алп.67).

**3. Сўзловчининг ўз нутқини эмоционал баҳолаш ва у орқали воқеликка муносабатни билдирувчи модал сўзлар.**

Бундай модал сўзлар, асосан, эмоция билан боғлиқ бўлиб, қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) **афсусланиш маъноси:** *Ҳай аттанг*, *ҳай аттанг*, келе бугун индамай ўтиб кетайин (Рав.29). *Аттанг*, *аттанг*, амир ҳам маҳрамни топиб қўяр экан, агар шу жасадига аёл бўлса, қандай одам кўрса шайтонлаб қолар экан, дейишди (Тўл.163). *Эсиз*, менинг ғамсиз бошим ғамхона бўлди, найлайин (Алп.307).

2) **ачиниш маъноси:** «Ҳай *аттанг*, ёш бола экан, жуда яхши бола экан», - деб кўп афсуслар эдилар (Рав.58). «Армон билан, *эсиз*, алплар ўлди, - деб (Алп.164).

3) **завқланиш, шодлик маъноси: Шуқурилилло**, қалмоқларда қолмадинг (Алп.171). **Шуқур**, сени кўрар куним бор экан (О.39). **қуллу бўлсин**, акажон, арғумоғинг (Алп.82). Меҳрибоним келган экан, **минг шуқур**. // Мендан хабар олган экан, **минг шуқур** (Рав.88).

**4. Сўзловчининг фикрини ифодалаш шакли ва у орқали воқеликка муносабат билдирувчи модал сўзлар.**

Бу гуруҳга кирувчи модал сўзларнинг айримлари фикрни яқунлаш, умумлаштириш, хулоса маъноларини англатса, айримлари фикрнинг тартиби, уларнинг изоҳланиши, қарама-қарши қўйилиши каби маъноларни ифодалайди.

1) **яқунлаш, умумлаштириш маъноси: Ниҳоят**, қирқ биринчи куни Оқтошга етди (О.60). «**Барибир**, ўлим-да, икки бошдан унда ҳам ўлади, бунда ҳам ўлади» деб бўйнига сиртмоқ солиб... (Рус.387). **Ростин айтсам**, бирга ватан қиламан (Алп.119). **Шундай қилиб**, одамлардан бир пул-икки пул олар эди (Рав.89).

2) **фикр тартиби маъноси: Авбаҳолам**, Ултон юртнинг эгаси (Алп.234). қалинимни **даставвал** айтсам мен // Ярмини берсин Оқтош элининг (О.85).

3) **хулоса, натижа маъноси: Энди**, болам, подшоликда эрка ўсган чопсон зўр қиз-да...(Рав.30). **Энди**, гапни бошқа ёқдан эшитинг (Ой.10).

**5. Зарурат, лозимлик, юклаш маъносини англатадиган модал сўзлар.**

Бундай сўзловчи бир ишнинг бажарилишини лозим эканлигини таъкидлаб, бошқа шахсга юклайди. Бундай модал сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди.

1) **[феъл+МЛ]** қолипидаги бирикма лозимлик, юклаш маъносини кўрсатади: Албатта сен бундан кетмоғинг **даркор** (Алп.113). Бизларга бўйин эгиб келган кишини дўст билмоқ **керак**, ўзига бир яхши амал бериш **керак**, - деди (О.62). Ака, сендан бормоқ **лозим** бўлибди (Алп.76).

2) **[-са+МЛ]** қолипидаги бирикма гумон, ноаниқлик маъносини ифодалайди: Маълум бўлса **керак**, бова, ўзингга (О.87). Улар ҳали ҳам зиндонда бўлсалар **керак** (О.93). Доронинг тахтини йиқиб, ўзини банди қилиб, зиндонга солсам **керак** (Ой.11).

Умуман, модал сўзлар кўпроқ диалогда, хусусан, оғзаки нутқда кўп қўлланади, дoston матнида ҳам образлар нутқини индивидуаллаштиришда оғзаки нутқ элементлари сифатида ишлатилади.

## 2.2.2. Ундов сўз туркуми

Маълумки, онгимиздаги тушунчаларнинг ҳаммаси ҳам воқеликдаги нарса-буюм, белги-хусусият, муносабат асосида ҳосил бўлмаган. Аниқроғи, фақат онгимиз маҳсули бўлган тушунчалар ҳам мавжуд. Хаёлий ва мавҳум тушунча билан бирга тасаввур ва образлар ҳақида ҳам тушунчалар мавжуд. Буларни ундов ва таклидий сўзларда кўриш мумкин.

Достон матнларида тасаввур ва образлар ҳақидаги тушунчаларни ифодаловчи ундов сўзлар ифода ва вазифа маъносига кўра 3 катта гуруҳга бўлинади: **1. Эмоционал ундов сўзлар . 2. Императив ундов сўзлар . 3. Кўрсатиш ундов сўзлар .**

### **Эмоционал ундов сўзлар.**

Кимларнинг ҳис-туйғусини, эмоция ва руҳий ҳолатини билдирувчи ундов сўзлар сўз туркумлари ичида энг катта гуруҳни ташкил қилади. Улар ҳолат ва интонация билан боғлиқ равишда ижобий ёки салбий эмоцияни кўрсатади.

Шунга кўра икки гуруҳга бўлинади:

- 1) *ижобий эмоционал ундов сўзлар*
- 2) *салбий эмоционал ундов сўзлар*

Ижобий эмоционал ундов сўзлар матн ва интонация билан боғлиқ равишда қуйидаги маъноларни ифодалаши мумкин:

**а) ундаш, огоҳлантириш, маъноси: Эй,** опа, беҳуда кўп сўзлаб, мени қийнаб...(Рус.375). **Хў,** парилар, менинг кўнглимга бир гап келди (Рав.4). **Ҳой** мома, қаёқдан келаётисиз! (Рав.25).

**б) сўзловчининг ўзича мулоҳаза қилиш англашилади.** «Э Равшанбек ҳам сен бир савдо билан Чамбилнинг белидан чиқиб келаётисан. Э эси кетган Равшанбек кимникига бораётисан? (Рав.19).

**в) севинч, хурсандчилик, завқланиш маъноси: Эй,** Офтобой! Бугун сен менга яхши хабар топиб келдинг! (Ой.17). **Эй,** Саримироҳўр! – деб дўстига қараб бир сўз деди: Баҳра олдим сенинг айтган сўзингдан, // Ёш оқмасин сенинг наргас кўзингдан (О.80).

**г) қойил қолиш, роҳатланиш маъноси: Эй,** тақсир, сизнинг шундай баркамол ўғлингиз бор экан (О.65). **Ў,** бувишим! Олплиги Рустамдан ҳам зиёд, сулувлиги сиздан ҳам зиёд, синли-симбатли, Юсуф талъатли йигит экан (О.15).

Салбий эмоционал ундов сўзлар сўзловчининг воқеа-ҳодисаларга салбий муносабатини, салбий эмоциясини билдиради. Бундай ундов сўзларнинг маънолари асосан боғлиқ қуршовида макро ва микро

контекстда ойдинлашади. Ундов сўзлар воситасида ифодаланган маъно нозикликлари куйидагича воқеаланади:

**а) эътироз, норозилик, шикоят, зорланиш маъноси:** Э Химчаойим, мен сени дўст деб, тушимни айтиб эдим (Рус.370). Сира қолмади тоқатим энам дейди оҳ уриб // **Оббо** баччағар, булар қулоқ солиб турган экан... (Рус.408).

**б) жирканиш, нафрат, ғазаб маъноси:** Не боласи келди, хў, болангни егуй...(Рав.27). **Эй!** Нимага ҳамманг осмонга тикилиб қарайсан. (Рав.27).

**в) ачиниш, афсусланиш маъноси:** Ў, шўйинг куйсин, сен ҳам менга ўхшаган куйганлайдан экансан (Рав.25). **Хў...** шўйли бола экансан (Рав.27). **Ҳай** аттанг, деб бармоқ тишлаб қолмагин (Рав.53). Гўрўғлибек «**во** ажабо, сахар вақтида боласи ўлган ким бўлди?» деб (Рав.70).

**в) дўқ, пўписа маъноси:** ...кўсанинг орқасидан эргашиб, «ў кўса, кўябер, хў кўса, кўй дейман!» деб бораётир (Рав.42).

**г) киноя, кесатик, пичинг маъноси:** ...сен «э, балли», дегин, ҳароми!...(Рав.42). Унда кўса: «**ҳа** бованг кўяди, кўядиган одамнингга йўликқанинг йўқ!» деб отини чу деб, ху деб юраберди (Рав.42).

**д) танбеҳ, огоҳлантириш маъноси:** **Ҳай** аттанг, **ҳай** аттанг. Ким, бугун индамай ўтиб кетайин...(Рав.29).

**е) чўчиш, ваҳима, даҳшат маъноси:** ...ў баччағар, отам айтганининг ўзи бу лаънати қайдан келиб қолди? (Рав.21). «**Ўббо**, баччағар кампир, отам айтган мастоннинг ўзи экан... (Рав.23).

**ж) ғам-ғусса, алам маъноси:** **Во** Равшан, дер, сенинг учун ўлдим, дер // Армон билан сен улдан айрилдинг, дер // **Вой-вой** дейди, ўзин уриб бузлайди (Рав.67).

**ё) кишининг оғир кайфиятини ифодаловчи маъно:** «...супага келиб, **ух**, деб ўтириб, кўзасини шу ерга кўйиб... (Рав.21). Бир пилла **ух**, деб далага чикди (Рав.97).

**з) ажабланиш, таажжуб, хайрат маъноси:** Э, Султоним, элингизда бирорта ақиллироқ одам чиқиб, сизни Сувон ўғлингиз билан яраштириб кўймабди-да (О.63). **Ҳа**, фарзанд, сизга хотиннинг қадри жуда ўтган экан, сизни биз билмаганимиз йўқ экан (Ой.198).

**к) койиш маъноси:** **Эй** бола! Мунча бақирасан, кайф деган нарсадан қолмади-ку! (Рав.34). **Вой бўй**, бети қора, уялмаган, - дейишабердилар (Рав.37).

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, дostonлар тилида ундов сўзлар синонимияси ҳам кузатилади. Уларнинг кўринишини чизма орқали тасвирлаш мумкин (қаранг: 5- илова).

Кўринадикки, биргина ундов сўзлар контекст билан боғлиқ равишда гоҳ ижобий, гоҳ салбий маъноли эмоцияни билдириш учун хизмат қилади. Тилда ва нутқда турли хил расм-одат билан боғланган сўзлар ҳам борки, улар сўзловчи ёки нотикнинг эмоциясини кўрсатиш учун хизмат қилади. Бундай сўзлар, одатда, ундов-сўзлар ичида қаралади. Бу типдаги расм-одат ундовлари аслида мустақил сўзлардан келиб чиққан бўлиб, ҳозир кишининг турли ҳис-туйғусини ифодалашга хизмат қилади. Бу типдаги сўзларни ижобий эмоционал ундов сўзлар гуруҳига киритиш мумкин.

Расм-одат ундов сўзлари қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**а) сўрашиш маъноси:** *Ҳорманг*, яхши йигит, қаёқдан бўласиз...(Рав.46). Яхши келдинг, тўрам, тоза келибсан // *Хуш келибсан*, ана манзил, ана жой (Рав.50). *Йўл бўлсин*, бекбачча, қайда борасан? (Алп.102).

**б) табрик ва хайрлашиш маъноси:** *Ассалому алайкум*, аҳли кубурлар! (Алп.90). *Ассалому алайкум*, чўлда чўпонлар! (Алп.95). *Хайр*, ундай бўлса, - деб майдонга табла қила берди (Алп.162).

**в) рағбатлантириш, миннатдорчилик, ташаккур маъноси:** *Баракалла*, ҳуройимнинг ишига...(Рус.371). *Айланай*, сен бўлгин боғимда гулим (Рав.23) *Балли*, сенинг соз қайирган кўлингдан (О.34). *қуллуқ* деб тўнқайиб салом беради (Алп.384). *Офарин* - юз *офарин*, - деб қалпоққа қараб бир сўз деди (Рав.25). Меҳрибоним келган экан, минг *шукур*, // Мендан хабар олган экан, минг *шукур* (Рав. 88).

### ***Императив ундов сўзлар***

Императив ундов сўзлар кишиларга нисбатан уларнинг диққатини тортиш, огоҳлантириш ёки ундаш, хитоб қилиш, тўхтатиш каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Бундай ундов сўзлар тингловчига (II шахс) қаратилганлиги билан кўпроқ буйруқ феълларига ўхшаб кетади. Лекин улар турли хил лексик ва грамматик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қиладилар, албатта.

Ундов сўзлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- 1) **одамларга қаратилган ундов сўзлар**
- 2) **ҳайвон ва жониворларга қаратилган ундов сўзлар.**



Одамларга қаратилган ундов сўзлар кишиларнинг диққатини сўзловчига тортиш учун *хай, хой, ҳей, эй* каби, таъкид, буюриш учун *ма тес, бос, қани, тек, жим* кабилар қўлланилади.

Бу гуруҳ ундов сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**а) ўзига жалб қилиш маъноси:** *Ҳала*, дейман, *ҳов* қора нор, бесойиб (Алп.323). *Ҳов* шул ҳам тухмати бўламикан, ёр-ёр (Алп.380). *Ў*, кимдан таади ўтди, Кўкаман (Алп.57). *Эй*, султоним, оқ фотиҳа беринг... (О. 41).

**б) буюриш, таъкид маъноси:** қутулганинг кўрай, *қани* (О.48). *қани*, ҳийлангни айтчи, эштай..! (О.60).

**в) огоҳлантириш маъноси:** Зулхумор турасига чидолмай *пушт-пушт* деб бир суз деди (Рав.54).

*Пушт-пушт* сўзи қадимда эрлар бегона ҳовлига кирганларида аёлларини яширинишга огоҳлантириш учун айтиладиган хитоб маъносини ифодалайди.

2) ҳайвон ва бошқа жониворларга қаратилган ундов сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**а) жониворларнинг юргизиш маъноси:** *Чу* деганда Жийранқуш // Учар қушдай қутилиб (Рав.17). *Ҳайт* деб ҳасан мард Ғиркўкни ўйнатиб (Рав.73). *Чув*, десанг ўзади осмонда қушдан (Алп.84). *Чу, ҳа*, деди, қамчи тортди (Алп.88).

**б) жониворларни ҳайдашига ундаш маъноси:** *курру-ё кур ҳайт-а*, тўрамнинг оти (Алп.153). *Кур ҳайт*, деди, желагини бўлғади (Алп.153). *Так*, дейди, *чу-ҳа*, дейди, жўнади (Алп.155). *Ҳала*, дейман, бесоҳибнинг туяси (Алп.323). Бойларнинг кучуги жабр қилади // *Тур!* - деган довушни энди эшитиб // Уйдан туриб бул бойбича қаради (Алп.44).

### ***Кўрсатиш ундов сўзлар***

Достонлар матнларини кўздан кечирганда, яна шундай сўзларни учратдик-ки, улар ҳис-ҳаяжон ундовлар гуруҳига ҳам, императив ундов сўзлар синфига ҳам кирмайди. Чунки бундай ундов сўзлар қисмининг ҳис-туйғусини билдирмасдан, предметларни ўрнини кўрсатиш, бўлиб ўтган воқеани эслатиш, жавоб, тасдиқ, таъкид маъноларини ифодалайди. Бундай ундов сўзлар маъно нозикликлари билан бошқа ундов сўзлардан фарқ қилса-да, гапдаги вазифаси, таркиби жиҳатдан умумийликка эга.

Кўрсатиш ундов сўзлар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

**а) кўрсатиш маъноси:** Барчиннинг ўтовини кўтариб, **хў**, анадай овлоқ тепанинг бошига тикиб кўйди (Алп.64). ...нариги кўқиб ётган юн бозори, **хў**, анови дўкон тўн бозори...(Рав.34).

**б) жавоб, таъкид маъноси: Лаббай,** - деб жаллодларнинг олдига туриб кела берди (Алп.36). **Ҳа**, сенга бизлар шундай хизматкорда...(Рав.48). Бир одамни ҳам шундай мақтайсизлар, э ўлақолгурлар, нима бало бўлди, бети қоралар?! (Рав.46). «**Ҳа** сени кўраман-да», - дейишиб тураверсин (Рав.7). Мисоллардан кўриниб турибдики, ундов сўзлар матнлардаги эмоционал-экспрессив маънони кучайтириш, персонажларнинг турли руҳий ҳолатини, ички кечинмаларини, ҳистуйғуларини англатиш, бўрттириш учун хизмат қилади. Мабодо, юқоридаги келтирилган мисоллардаги ундов сўзларнинг бирортасини тушириб қолдирсак, матндаги маъно, услубий ўзгариш яққол кўзга ташланади.

Ундов сўзлар интонация жиҳатдан жуда ранг-барангдир. Бу ҳолатни 6- иловадаги чизмада кўриш мумкин. Демак, биргина ундов сўзлар матнга, нутқ интонациясига ва персонаж мимикаси, ҳолатига боғлиқ равишда гоҳ ижобий, гоҳ салбий маъноли эмоция билдиради. Яъни, турли хил интонация билан талаффуз қилиш орқали уларнинг маъносини ўзгартириш мумкин.

Хуллас, ундов сўзлар халқ дostonлари тилида персонажлар нутқида кенг қўлланилади. Ундов сўзлар интонация ва мимика таъсири остида нутқда ифодалиликни кучайтириш, кишиларнинг ҳистуйғусини, воқеа-ҳодисани баҳолаш муносабатини билдириш учун хизмат қилади. Dostonлар тилида ундов сўзлар персонажлар нутқининг жонлилигини, табиийлигини, миллийлик колоритини, эмоционал-экспрессивлигини таъминлашда услубий восита сифатида фойдаланилган.

### **2.2.3. Тақлид сўз туркуми**

Тақлид сўзларнинг семантикаси жуда ҳам хилма-хилдир. Уларнинг баъзилари предметларнинг чиқарган товушларини ифодаласа, баъзилари предметларнинг ҳолат, ҳаракат ва ташқи кўринишини, баъзилари киши организмда пайдо бўлган сезги ва бошқа мавҳум маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Тақлид сўзларнинг маъносидаги бу ҳар хилликни ҳисобга олиб, уларни маълум семантик гуруҳларга ажратиш талаб қилинади. Туркологияда

бундай семантик гуруҳланиш турлича талқин қилинган<sup>130</sup>. Биз ҳам ана шу таснифларни ўрганиб чиқиб, дoston матнларидаги тақлид сўзларни икки катта гуруҳга бўлишини лозим топдик.

**1. Товушга тақлид сўзлар.** Бу сўзлар киши, жониворлар, нарса ва ҳодисаларнинг чиқарган товушларига шартли равишда тақлид қилиш натижасида пайдо бўлади: *қарс, қарс-қурс, қиср, қиср-қиср, тарақ-туруқ, дўкир-дўкир, тапир-тупур* каби. Товушга тақлид сўзларнинг қай ҳолатда, ниманинг товушига ёки тақлид қилинаётган предметнинг ўзаро фарқларига қараб бир неча турларга бўлинади.

**1) жонли предметлар товушига тақлид сўзлар:**

а) кишиларнинг товушларига тақлид сўзлар: Қўрқоклари **чирқираб**, // Айноқжоннинг довуши, // қўйма! Дейди **варқираб** (Рав.95). Хўп ўрлашиб талаш бўлар, // Бораётир **лоловлашиб** (Алп.137). Мисоллардаги **чирқ** сўзи «зорланиб, илтижо қилиб йиғламоқ» (ЎТИЛ, 2-том, 373-бет) маъносини, **варқ** «шовқинли баланд овоз билан бақирмоқ», **лолов** «чувиллашмоқ, қий-чув қилмоқ» маъноларини ифодалаган. Шулардан **варқ, лолов** сўзлари ўзбек адабий тилида кузатилмайди. Ўзбек сўзлашув нутқи ва шеваларда «сувнинг қаттиқ қайнаш» ҳолатини **варқ-варқ** сифатида ишлатилади.

«Ху-ху», дейишиб қараётир (Рав.36). Ер қаттиқ, кўса, **иҳ-иҳ** этиб тушди (Рав.43). Ҳаммаси **чувуллаб** ҳайрон бўлади (Алп.115). Икковаро, учоваро **шивир-шивир**, одамлар шивирлаша берадилар (Рав.59).

б) кишиларнинг ҳолати ва ҳаракатларидан пайдо бўлган товушларга тақлид сўзлар: кизлар бир базмлар, **тапур-тупур** ўйинлар қилаётир...(Рав.44). Уч укаси четни опти, // қувиб юрур **зирқираб** (Рав.93). Во болам, деб **шарқ** ураман сонима (Ойч.270). Ўттиз тишин **шақир-шуқур** қайрайди (Ойч.237). Мисоллардаги «**зирқирамоқ**» сўзи «*томир тепкиси сингари узук-узук, лекин тўхтовсиз оғриб турмоқ, зирқ-зирқ қилиб қақшаб оғримоқ*» (ЎТИЛ, I-том, 305-бет) маъносини ифодаласа, дostonларда ўзининг аташ маъносини ўзгартириб «*тирақайлаб қочмоқ*» маъносида қўлланилган. «**Шарқ**» сўзи нинг аташ маъноси «*тош, темир каби қаттиқ нарсаларнинг ўзаро ёки бошқа қаттиқ нарсага урилишидан ҳосил бўлган овоз*»ни англатади. Боғли қуршовда бу сўз ўз аташ маъносидан чекинган. Биргина сўз орқали аёлнинг улкан дард ифодаси, адоқсиз руҳий

<sup>130</sup> Ашмарин Н.И. Подражание в языках Среднего Поволжья. т.4-5, -Баку, 1925; Дмитриев Н.К. Грамматика кумыкского языка.- М. - Л., 1940; Кўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. -Тошкент, 1966; Кўнғуров Р. Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. 2-қисм, -Самарқанд, 1980.

изтироблари, тушкун ҳолатига келганлиги сабаби янада таъсирли ва образли ифодаланган.

в) турли ҳайвон ва паррандалар товушига тақлид сўзлар: ...гул-гул очилган, **чақ-чақ** учурган...(Рав.19). ...мусича **ху-ху** тортиб...(Рав.19). ..ҳаққулар **ҳақ-ҳақ** деб,...(Рав.44). Ғознинг **ғанқиллаган** довуши кампирнинг ўғлининг қулоғига бориб...(Алп.235). Бораётир кўю-кўзи **манграниб**...(Алп.184).

**2. Жонсиз предметлар товушига тақлид сўзлар.** Кишилар табиатдаги жисмларнинг синиш, эгилиш, бир-бирига урилиши каби ҳаракатлар натижасида чиқарган товушларини, қуроллардан ўқ узишда пайдо бўлган товушларни характерлаб беради. Натижада кўплаб тақлид сўзлар пайдо бўлади. Бундай тақлид сўзлар физик ва химик хусусиятларига қараб бир неча хил бўлиши мумкин:

а) қаттиқ предметлар товушига тақлид сўзлар: ...бир пилла **шиқ** этиб боғнинг девори очилди (Рав.21). Тоғ орасин **данггирлатди** (О.31). Тилла қалқонлар **шариллаб** (О.29). Маст йигитлар аралашди // Яловлари **париллашди** (О.57). Дубулға бошида **дўнгуллаб**, // Карк қубба қалқон **қарқиллаб**, // Тилла поянак урилган, // Узангиларга **ширқиллаб** (Алп.87). Келтирилган мисолларда «данг» сўзи «метал нарсаларнинг урилишидан чиқадиган овоз» (ЎТИЛ, I-том, 208-бет), «дўнг» «йўгон, тор, сим ва шу кабилар чертилганда чиқадиган дағал овоз» (ЎТИЛ, I-том, 243-бет), «шарилла» «тез ва бетиним шовқин билан оқмоқ(сув, суюқлик ҳақида)» (ЎТИЛ, II-том, 398-бет), «парилла» «тез қанот қоқиб, «парр» этган товуш чиқармоқ (паранда ҳақида)» (ЎТИЛ, I-том, 573-бет) маъноси сўзларнинг аташ маъноси бўлиб, достонлар матнида улар боғли қуршовда кўчма маъно касб этган.

б) қуроллардан ўқ узиш пайтида пайдо бўлган товушларга тақлид сўзлар: **Шиппа-шип** қамчи тортди (Рав.74). Паранг милтиқ **патир-патир** (Рав.91). Паранги милтиқ **тапира-тупур** (О.49). Найза, қалқон **ширқиллатди** (О.30). Хитойчалар **патир-путур**, // Отилиб майдон ичинда (Алп.289). Сиёсатга тўплар ортиб, // Шаҳарларни **гумбурлатиб** (Алп.288).

в) муסיқа асбобларининг товушларига тақлид сўзлар: Келиб кўр қалмоқ қизлари, // Чанқовузим **бию-бию** (Алп.265).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида тақлид сўзларнинг бу таснифи, уларнинг семантик гуруҳланиши ва хусусиятлари жуда кенг. Чунки табиатдаги жонли ва жонсиз предметларнинг чиқарган товушлари

ҳисобсиздир. Биз эса фақат дostonлар матнларида учраган тақлид сўзларни гуруҳлашга ҳаракат қилдик.

## 2. Образга тақлид сўзлар.

Образга тақлид сўзлар киши, нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати, ҳолатини, ёруғлик образини кўз ўнгимизда аниқ акс эттиради. Образга тақлид сўзлар билан товушга тақлид сўзлар фонетик, морфологик ва синтактик томондан грамматик категория сифатида бир-бирларига жуда яқин туради.

Образга тақлид сўзлар ифода ва вазифа маъносига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) ҳаракатни билдирувчи образга тақлид сўзлар: Бу сўзлар кишиларнинг, нарса ва жониворларнинг юриши ва ҳар хил ҳаракатларидаги ҳолатларнинг образли ифодаланишидан майдонга келган: *лип-лип, лоп-лоп, дик-дик, гивир-гивир, милт, пилдир-пилдир* кабилар. Чўлларда **диркка-диркка** (Рав.74). Арғимоқ отларни чопгани, // Даштни, чўлни **сўлқиллатди** (О.30). қор бадан гулдай **пириллаб** (О.29). Бирдан кўриб **ғалжирашиб** қолади (Алп.287). ...хоннинг Чибори **лўкиллаб** йўртди (Алп.112). **Гуруллаб** йиғилса бунда қалмоқлар (Алп.113). ...думдор бир жийрон отни йўрғасига солиб **селкиллаб**, ҳа деб йўрғалатади (Рав.39).

б) киши ва бошқа предметларнинг ҳолатини, ташқи кўриниши тасвирини ифодаловчи образли тақлид сўзлар. Бундай тақлид сўзлар ҳаракат жараёнини эмас, балки нарсаларнинг тинч, осойишта ҳолатини тасвирлайди: қочқинчи шаҳар борди, // Дўкондорлар **ангтанг** қолди (Алп.292). Шунда Оллоёр кўзини **лўқ** қилиб...(О.71). Сарихон бу сўзни эшитиб, нима дерини билмай, **лол** қолди (Ойч.216). ...фарзанд қандай нарса, кўзидан **жим-жим** ёши тўкилиб бир сўз айта берди (Ой.211). қулоқ сол, жон қизим, айтган сўзима, \\ **Жимма-жимма** ёшим тўлган кўзима (Я.Аҳм.269).

в) ёруғликни ифодаловчи образга тақлид сўзлар. ...муҳрланган қоғоздай **ялт-юлт** этиб ўтирипти (Рав.34). Баланд қараса Зулҳумор бетининг шуъласи ойнани офтобга тутгандай **ярқ-юрқ** этиб ерга ураётипти (Рав.35). Кечаси бўлганда, // Ойдаи қилиб **ярқиллатди** (О.59). Жамоли **ярқиллаб** бекнинг кетади (Алп.383). **Ярқиллаган** Бобир кўлни кўради (Алп.239).

Тақлид сўзларнинг семантикасини аниқлашда кўп ўринларда уларнинг қуршови, яъни микро ва макроматнлар хизмат қилади. қуршов сўзларнинг қўшничилик муносабатларининг рўёбга чиқиши, бир сўзнинг турли ўринда турли маъно англатиш жараёнини

белгилайди. Бир таклид сўзлар маълум кўршовда товушга таклид сўзларни билдирса, бошқа кўршовда образга таклид сўзларни ифодалайди. Ҳатто, полисемантик, омонимик характерга эга бўлади.

Қиёсланг: **ғув** (тақл.с. Шамол ёки ундан ҳосил бўладиган овоз (ЎТИЛ. 2-том. 663-бет)). ...ҳам юртидан, ҳам қизидан айрилиб, калласи **ғувуллаб**, мусофирлиги асар қилиб қолди (Алп.172). Бойчибор **ғувуллаб** кетб боради (Алп.154). Мард хасан бадани, // **ғувлаб** кетиб боради (Рав.78). Азаматлар, алвон-алвон дўнинглар, // Саваш деса **ғувлаб** ўтдай ёнинглар (Я.Аҳм.243). Бу гаплар таркибидаги таклид сўзлар маънолари орасидаги муносабат йўқолиб, омонимик ҳодиса юз берган. Биринчи мисолида «мушкул аҳвол», «чорасизлик», маъносини, иккинчи мисолда «тезлик, шамолдай ўчиб» маъносини, учинчи мисолда маъносини, тўртинчи мисолда «тезлик» маъносини ифодаляпти.

**Гумбур** - (тақл.с. Портлашга ўхшаш кучли ва узлуксиз товуш) (ЎТИЛ. 1-том. 198-бет). Сувсиз чўл **гумбир**лайди, // Марднинг сиёсати (Рав.17). Боради элнинг тураси, // **Гумбурлар** тоғнинг дараси (Алп.89). Сиёсатга тўплар ортиб // Шаҳарларни **гумбурлатиб** (Алп.288). Добирига **гумбирлар**, // Сувсиз тоғнинг дараси (Ойч.103). Таклид сўзлар маънолари орасидаги алоқа сақланиб қолган бўлиб, полисемия ҳосил қилмоқда, биринчи ва иккинчи мисолларда «қаҳрамон ҳаракати, юришидан ҳосил бўлган товуш» маъносини ифодалаб, қаҳрамонинг алплигини, баҳодирлигини таъкидлаб, бўрттириб кўрсатмоқда. Учинчи мисолда ўз маъноси, яъни «портлаш» маъноси сақланган. Тўртинчи мисолда сўз отнинг туёғидан чиққан товушга кўчирилган.

**Чак-чак** (тақл.с. хушчакчаклик билан, овозини баралла қўйиб кулмоқ ёки гапирмоқ (ЎТИЛ, 2-том, 360-бет). Кундуз борсам, одамлар, сўраса, бир қиз шундай қилиб кетди десам, улар **чак-чак** этиб кулса, ундан баттар изза қилса;(Ой.152). ..майна тўтига қараб **чак-чак** учуриб, ғурраклар ғуруллаб, ...кўрганнинг баҳрини очипти (Рав.19). Савдогарлар **чак-чак** этиб, // Туяларини пишқиртиб (Ой.177).

Берилган мисолларда бош маъно орқали бир-бири билан алоқадор янги маъно яратилган. Биринчи мисолда “хушчакчаклик билан кулмоқ”, иккинчи мисолда ҳаракат шахс орқали эмас, парандаларга ўтиб, уларнинг чуғурлашини ўхшатиш орқали, учинчи мисолда “овозни баралла қўйиб гапирмоқ” маъноси тасвирланмоқда. Бундан ташқари, дostonлар тилида таклид сўзларнинг синонимик

ҳолати ҳам кенг тараққий этган. Масалан: Жилға келса **жилпитти**, // Ариқ келса **ирғитти** (Рав.18). Бедовлар **селдаланг** отди. // Чув-ҳа, деди, қамчи тортди (Алп.70). Танидими итлари, // **Чўпчиб-чўпчиб** уйнайди(Ойч.104).

Мисолларнинг барчасида тақлид сўзлар сакраш ҳолатини кўрсатиш учун қўлланган. Аммо бу сўзлар ифодалаган сакраш ҳолати ҳаммасида бир хил эмас. *Жилпимоқ* билан *ирғимоқ*, *селдаланг отмоқ* билан *чўпчимоқ* ҳаракатлари орасида маълум бир маъно нозиклиги билан бир-биридан фарқланади. Бундан ташқари, услубий фарқ ҳам мавжуд. *Жилпимоқ*, *селдаланг отмоқ* тақлид сўзлар “достонлар тилига хослик” ифода маъносида, *ирғимоқ*, *чўпчимоқ* “сўзлашув услуби”, “шеваларга хослик” ифода маънолари билан фарқланади.

Достонлар тилида шундай тақлид сўзлар мавжудки, улар ўзбек адабий тилида деярли қўлланмайди. Масалан: **анг-танг** || **онг-тонг** (лол), **арилламоқ** (ўқдай учиш ҳолати), **жимма-жимма** (кўзга ёш тўлиш ҳолати), **жилпимоқ** (сакраб ўтиш ҳолати), **зинкаймоқ** (қақайиб тик туриш ҳолати), **лов** (бирдан қизишиб, жаҳл билан), **лоловлашмоқ** (чувиллашмоқ), **муқомсимоқ** (ноз-карашма билан қадам ташлаш ҳолати), **селдирамоқ** (шилдирамоқ), **селангламоқ** (лапангламоқ), **тенгсалмоқ** (чайқалиб туриш ҳолати), **чирпимоқ** (қўл кўтариб айлантуриш ҳолати), **тинжирамоқ** (жимирламоқ), **чўпчимоқ** (сакраш ҳолати), **ғалогул** (ғалағовур). Ўзбек адабий тилида қўлланган айрим тақлид сўзлар достонлар тилида ўз аташ маъносини ўзгартирган. Масалан: **Жилп** – кишиларнинг юриш ҳаракатига тақлид. Достонлар тилида шахс ҳаракати эмас, предмет ҳаракати ифодаланган: Шамол рўмолини **жилп** этиб бошидан учириб кетди (Хур.178).

Хуллас, тақлид сўзлар достонлар тилида кенг қўлланилиб, нутқнинг таъсирчанлигини ошириш, эмоционал-экспрессивликни кучайтириш, асар бадиийлигини, қимматини таъминлашда муҳим услубий восита саналади.


Юқоридаги лингвистик маълумотларни умумлаштирган ҳолда статистик маълумотларни келтирамиз (6-илова).

Жадвалда келтирилган алоҳида гуруҳ сўзларнинг қўлланиш частотасига мувофиқ сўзларнинг статистик структурасини юзага келтирамиз:

№	1	2	3	4	5	6	7	8	8	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21
К	25	13	5	4	3	3	3	3	3	2	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

В Алл		0,0018		0,0019	0,0002	0,0006	0,0008	0,001	0,0025	0,0014	0,0044	0,0009	0,0031								
В Рав	0,0035		0,0014	0,0011							0,0019	0,0007	0,0012	0,0018	0,0019	0,0025	0,0026	0,0031	0,0045	0,0056	0,0063

Жадвалларда келтирилган статистик маълумотлар асосида дostonларда қўлланилган алоҳида гуруҳ сўзларни қуйидаги графикда тасвирлаймиз:



Графикдаги узлуксиз чизикда Р. дostonидаги алоҳида гуруҳ сўзларнинг дostonлар матнида қўлланиш даражасини кўриш мумкин. А. дostonига нисбатан, Р. дostonида алоҳида гуруҳ сўзларнинг қўлланиш даражаси салмоқли бўлганлиги, А. дostonидаги алоҳида гуруҳ сўзларнинг мавжудлик эҳтимоли паст бўлганлиги сабабли графикда А. дostonининг кўрсаткичлари юзага чиқмаган. Р. дostonидаги модал, тақлид ва ундов сўзларнинг қўлланиш даражаси анча юқори. Узлуксиз чизик 4 марта максимал кўтарилиб, алоҳида гуруҳ сўзларнинг ўзига хослиги ва фарқли хусусиятларини кўрсатади.

### 2 боб юзасидан қисқача хулоса

Хуллас, дostonлар тилидаги ўрдамчи сўзларни ўрганиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Дostonлар тилида ёрдамчи сўзларнинг ўзига хос моҳияти, гапда ўрни ва услубий вазифаси мавжуд. Умуман, дostonларнинг матнларида ёрдамчи сўзлар адабий тилдагига нисбатан кам қўлланилади. Қўлланиши ва вазифаси жиҳатдан ҳозирги замон ўзбек адабий тилидаги ҳолатга деярли мос келади.

2. Дoston матнлари, асосан, назмий ёзилганлиги учун шундай конструкциялар тузиладики, улардан бири ўзидан олдинги гап билан маъноси жиҳатдан жуда яқин синтактик алоқада бўлади. Бирисиз



иккинчисининг мазмуни тушунилмайди. Шунинг учун дoston нутқининг характериға мос тушган ўринларда боғловчи ва кўмакчилар олдида нукта қўйилиши мумкин. Яъни боғловчи фикрни мантиқий асослаш учун олдинги айтилган фикрнинг сабаблари кўрсатилган гаплар бошида қўлланилади. Бу ҳодисанинг турли сабаблари мавжуд: биринчидан, боғловчилардан олдин нукта қўйиш айтувчи (бахши) нинг ихтиёриға, мақсадига боғлиқ; иккинчидан, дoston нутқининг шеваларға яқинлигиға боғлиқ; 3-дан; матнда тўлиқсиз гапларни кўп ишлатилишиға боғлиқ; 4-дан; гаплар деярли содда, қисқа шаклда ишлатилишиға боғлиқ.

3.Баъзи боғловчи сўзлар: *бирок, ҳолбуки,ёхуд, ёинки, башарти* кабилар деярли ишлатилмайди.

4.Эргаш гапларнинг турини, бош ва эргаш гапларнинг мазмуний муносабатини аниқлашда боғловчилар муҳим аҳамиятға эға. Услужий ва мантиқий талабларға кўра бош ва эргаш гапларнинг ўрни ўзгариши мумкин, лекин бунда мазмунға путур етмайди. Дostonлар матнларида иккинчи ўринда келиши лозим бўлган бош гап биринчи ўринда келса-да, услуб жиҳатдан ўзини оқлайди.

5. Ундов, модал ва тақлид сўзлар дostonлар тилида кенг қўлланилиб, нутқнинг таъсирчанлигини ошириш, эмоционал-экспрессивликни кучайтириш, асар бадиийлигини, қимматини таъминлашда муҳим услубий восита саналади. Ундов сўзлар интонация ва мимика таъсири остида нутқда ифодалиликни кучайтириш, кишиларнинг ҳис-туйғусини, воқеа-ҳодисани баҳолаш муносабатини билдириш учун хизмат қилса, модал сўзлар кўпроқ диалогда, хусусан, оғзаки нутқда кўп қўлланиб, образлар нутқини индивидуаллаштиришда оғзаки нутқ элементлари сифатида ишлатилади. Дostonлар тилида модал, тақлид ва ундов сўзлар персонажлар нутқининг жонлилигини, табиийлигини, миллийлик колоритини, эмоционал-экспрессивлигини таъминлашда услубий восита сифатида фойдаланилган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек халқ достонлари тилини ўрганиш борасидаги танишиб чиқилган адабиётлар, кузатишлар, уларнинг статистик таҳлили асосида олинган натижаларга таяниб қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1. Тил системаси ҳозирги даврда мавжуд бўлган лексик ва грамматик ахборотларни статистик сақлаш тизимидир. Ушбу ахборот статистик ва умумлашган ҳолатда ҳаракатдаги динамик системада ўз аксини топади. Шундай экан, ҳар бир матнда систем-грамматик ва систем-лексик бирликларни танлаш имконияти яратилади. Лексик ва грамматик бирликларнинг тил тизимида сақланувчи умумий ва хусусий маънолари аниқ матнда аниқланади.

2. Ўзбек халқ достонлари тил хусусиятларини статистик усулда ўрганиш орқали бахши ёки ижодкорнинг услуби, сўз бойлигини ўрганиш орқали оғзаки ижод манбаларининг лингвистик тизимда тутган ўрни, аҳамияти ҳамда умумхалқ тилининг қуйи ва юқори сатҳлари бўлган сўзлашув тили, диалектлар ва адабий тилни компьютерда текшириш, тадқиқ этиш, исталган матнни автоматик ишлов бериш имконини туғдиради.

3. Компьютер ёрдамида 28499 сўз шаклидан иборат, учта частотали ва учта алфавит-частотали луғатлар олинди: «Алпомиш» достони умумий матн ҳажми – 14029, яъни –247,7 %ни; «Равшан» достони – 7059, яъни 24,7 % ни; «Рустамхон» достони – 7411 сўз шакли, 49,2 % ини ташкил қилади. Матнларни қайта текшириш жараёнида ушбу достонларда жами 28499 сўз шакллари қўлланилиб, шундан 18841 сўз шакли ва 9658 сўз бирикмаси мавжудлиги аниқланди. Частотали рангнинг юқори босқичида феъл ва от сўзлар эгаллаган. Қуйи рангида асосан умумхалқ сўзлар ўрин олган.

28499 танланма ҳажмида ёрдамчи сўзлар 85 та бўлиб, буларнинг умумий матнда қўлланиш частотаси – 4098 га тенг. Диалектал сўзлар эса 590 та бўлиб, буларнинг умумий матндаги қўлланиш частотаси - 2180 та. Достонлар тилига хос сўзлар 990 та. Ёрдамчи сўзлар умумий матн ҳажмининг 0,29 % ини, диалектал сўзлар 2,07 % ини, достонлар тилига хос сўзлар 3,47 % ини ташкил қилади.

4. Достонлар тилида умумий категориал маънога эга бўлган (от, сифат, сон, олмош, равиш, феъл) сўзлар алоҳида лисоний белгиларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу хил алоҳидаликни от, сон, олмош сўзлар қўлланилишида кузатиш мумкин.

5. Достонлар тилида умумий нокатегориал маънога эга бўлган (кўмакчи, боғловчи, юклама) сўзлар қўлланилади. Гарчи достонлар тилида ёрдамчи сўзлар иштирок этса-да, адабий тилдаги ёрдамчи сўзлар билан достонлар тили ўртасида тенглик қўйиб бўлмайди.

6. Достонлар матнида алоҳида гуруҳни ташкил этувчи (модал, ундов, таклид) сўзлар муносабатни номлашга, ҳис-ҳаяжонни тасвирлашга, товуш ёки кўринишга таклидни ифодалашга хизмат қилган. Улар нутқнинг кенг қамровли, матннинг таъсирчанлигини, бўёқдорлигини таъминловчи восита эканлигини кўрсатади.

7. Ўзбек халқ достонлари маълум ҳудудда яшовчи шева вакиллари (бахшилар) томонидан куйланганлиги сабабли уларда ўша жойлардаги шева хусусиятлари ўз аксини топган. Достонлар тилида диалектал сўзлар семантик-стилистик мундарижасининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Уларни бошқа сўзлар билан деярли алмаштириб бўлмайди. Статистик маълумотлар ҳам диалектал сўзлар салмоғи кўплигини кўрсатади. Фольклорнинг тил хусусиятлари адабий нормага қараганда ўзбек халқ шеваларига яқин туриши билан изоҳланади.

8. Достонлар тилининг алоҳида лисоний аломатларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Достонлар тилида барча морфологик шаклларнинг кенг кўламда амал қилиши улардаги кўплаб грамматик-стилистик маъноларнинг рўёбга чиқишига сабаб бўлади ва ана шу маънолар доирасида услубий чегараланиш, хусусан, достонлар тилига хосланиш юз беради. Масалан, ундов, юклама сўзларда экспрессивлик кучли ва шунга кўра достонлар тилида уларга мойиллик сезилади. Шу билан бирга кўмакчи ва боғловчи сўзларнинг айримлари достонлар тилига хосланганлиги аниқ сезилиб туради.

9. Халқ бахшилари жуда кузатувчан бўлишган ва ҳаётий ҳодисалар замиридаги эстетик имкониятларни нозик англашган ва натижада тасвирлар занжирини шундай терганларки, бири иккинчисини тақозо этадиган силсиласи маҳорат билан берилганки, натижада бахшилар англамоқчи бўлган ҳолатни бутун мураккаблиги билан тасвирлай олганлар. Бу тасвирларни ифодалашда сўзлардан ўринли фойдаланишганки, унинг ифода имконидан тўлиқ фойдаланганлик, сўз билан кўлам ҳосил қилиш, тасвир кенглигига эришиш борасида аждодларимиз мислсиз маҳорат касб этганлар.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. –524 б.
2. Каримов И.А. Ҳалоллик ва фидойилик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин. -Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
3. Абдуллаев А. Кўмакчилар ёрдамида сўз бирикмаларида ифодаланган синтактик муносабатлар // ЎзДУ асарлари, Янги серия № 91. –Самарқанд, 1958. -167 – 186 б.
4. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. -Тошкент: Фан, 1987. - 86 б.
5. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. -Тошкент, 1978. – 102 б.
6. Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф.дис. канд.фил.наук. - Ташкент, 1964.
7. Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. -Тошкент: Фан, 1971. – 182 б.
8. Абдурахманов Х. Особенности синтаксиса узбекского устного народного творчества: Автореф.дис...док.фил.наук.- Ташкент, 1977.
9. Айымбетов М.К. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста: Автореф.дис... док. фил.наук.- -Ташкент, 1987.
10. Айымбетов М.К. Опыт лингвостатистического анализа лексики и морфологии каракалпакского публицистического текста. - Нукус, 1991.-с.128.
11. Алиева С. Кўмакчи отлар синонимикаси // Янги тадқиқотлар.- Тошкент, 1971.- 51 – 58 б.
12. Анисимов А.В. Компьютерная лингвистика для всех (мифы, алгоритмы, язык). –Киев, 1991.
13. Арзикулов Х.А. Инженерная лингвистика в Средней Азии. Речевая система и её компьютерная реализация (на материале тюркских языков) // Международный семинар. «Язык и технология». -Санкт-Петербург. 1996,-с.39-41.
14. Арзикулов Х.А., Қаршиев А.В. Лингвистический автомат: UZLANGTON. // Материалы Республиканской научной конференции «Современное состояние проблемы и перспективы развития информатизации в Узбекистане», - Ташкент: Фан, 1999.- с. 47-50.

15. Арзикулов Х.А., Сафаров Ш.С., Каршиев А.Б., Уринбоева Д. Автоматизированная система переработки узбекского текста. Строй языка и методы обучения иноязычному общению. Сборник научных статей.- Самарканд: Изд.СамГУ, 1997.
16. Асқарова М.А. Қўшма гап қисмларининг боғловчилар орқали бирикиши // Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти илмий асарлари, 42-том, 1–китоб. – Тошкент, 1963.- 285-365 б.
17. Ахтамова Х.Т. Послеложные аналитические формы в современном узбекском литературном языке: Автореф.дис... канд.фил.наук. - Ташкент, 1981.
18. Ашмарин Н.И. Подражание в языках Среднего Поволжье. «Изд. Азербайдж. госуниверситета», т.4-5, Баку, 1925.
19. Ашурова Д. Уюшиқ бўлакларда боғловчиларнинг қўлланишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960.- № 2.- 49 б.
20. Ашурова Д., Убаева Ф., Болтабоева Ҳ. Гапнинг уюшган ва ажратилган бўлаклари. –Тошкент, 1962. -178 б.
21. Аъзамов С. «Кунтуғмиш» достонининг тили ҳақида // Профессор-ўқитувчиларнинг VI илмий - назарий конференцияси тезислари. -Самарқанд, 1972. -57-59 б.
22. Базаров О. Частицы в узбекском языке: Автореф. дис... канд.фил.наук.- Москва, 1983.
23. Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. -Тошкент: Фан, 1988. -186 б.
24. Бердиёров Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сўнг кўмакчилар: Фил.фан. номз. диссертацияси.- Самарқанд, 1949.
25. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание.-М.: Просвещение, 1979.-с.93.
26. Богданова М.И. О некоторых художественных особенностях эпоса «Алпамыш» // Вопросы изучения эпоса народов СССР.-М., 1958.
27. Бозоров О. Натижа эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик табиати ва -ки ёрдамчисининг функцияси // -Тошкент давлат пединститути илмий асарлари. -Тошкент, 1979. -86-90-б.
28. Бозоров О. Юклама категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1977.-№ 2. -24-б.
29. Бордович А.М. Модальные слова в современном русском литературном языке: Автореф.дис...канд.фил.наук.- Минск, 1956.

30. Виноградов В.В. О категории модальности и модальных словах в русском языке // Труды института русского языка, II, -М.,-Л., 1950.
31. Виноградов В.В. Русский язык.- М. :Просвещение, 1977.
32. Данияров Х. Кипчакские диалекты и язык узбекского народного эпоса // Опыт изучения джекающих диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. -Ташкент, 1975. –стр. 227.
33. Джураев Б. Шахриябский говор узбекского языка.- Ташкент, 1964. -с.124.
34. Дмитриев Н.К. Грамматика башкирского языка. -М.-Л., 1948. -с.92.
35. Дмитриев Н.К. Грамматика кумыкского языка. -М. - Л., 1940. -с.203.
36. Дониёров Х. Кипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент, 1979. -142 б.
37. Дыренкова Н.П. Грамматика хакасского языка. -Абакан, 1948. -с.65.
38. Дыренкова Н.П. Грамматика шорского языка. -Л., 1950. - с.110.
39. Ёкубов Н. От бирикмаларининг типлари ва уларнинг қўлланиш частотаси // Тилшунослик масалалари (илмий мақолалар тўплами), -Тошкент, 1978. -92-99-б.
40. Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Автореф.дис...док.фил.наук.- Тошкент, 2005.
41. Ёриев Б. Сифатларнинг стилистик хусусиятлари // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. Самарқанд: СамДУ, 1980, -56-59-б.
42. Ёрматова И.Т. Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси поэтикаси: Автореф.дис... док.фил.наук.- Тошкент, 1994.
43. Жирмунский В.М., Зарипов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М., 1947.
44. Жуманазаров Ю. Жанубий Хоразм (ўғуз) диалектининг синтактик қурилиши. -Тошкент: Фан, 1976. -127-128 б.
45. Журавлев А.П. К статистическому изучению функциональных стилей // – Учен.зап. Калининградского унив-та. Филологические науки, выпуск 4, -Калининград, 1969. с.-105.
46. Зияева И. Дателъный падеж в узбекском языке: Автореф.дис...док.фил.наук -Самарканд, 1963.

47. Зарипов Ҳ.Т. «Ўзбек халқ ижоди» кўп томлигига киритиладиган асарларни нашрга тайёрлаш принциплари // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Тошкент, 1978. -128-141 б.
48. Зарипов Ҳ.Т. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асарлари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар, 4-китоб, -Тошкент, 1976. -65-67 б.
49. Зикриллаев Ҳ. Гап модаллиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. -№ 1.- 41 б.
50. Зубов А.В. Система автоматического статистического описания поэтического текста // Статистическая оптимизация преподавания языков и инженерная лингвистика. -Чимкент, 1980. - с.65-67.
51. Иброҳимов С. Айрим олмошларнинг эволюцияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1960.-№ 5.- 60-62 б.
52. Иброҳимов С. Ўзбек тилининг Андижон шеvasи. - Тошкент: Фан, 1967.- 156 б.
53. Исхаков Ф. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, II, Морфология, -Москва, 1957.
54. Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасидан // Ўзбек халқ ижоди. -Тошкент, 1967.-169 б.
55. Ишаев А. Халқ дostonлари лексикасига оид кузатишлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970.- № 5.- 56-63 б.
56. Ишаев А. Дostonлар тилининг баъзи бир хусусиятлари // Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. Тадқиқотлар, 2-китоб, - Тошкент, 1971.- 174-175 б.
57. Ишаев А. Халқ дostonлари тилига оид этюдлар // Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. –Тошкент, 1978.- 163-164 б.
58. Йўлдошев Б. Матнни ўрганишнинг лингвостатистик методлари. (Ўқув қўлланма). 1-қисм, -Самарқанд, 2004. - 59 б.
59. Йўлдошев Б. Ўзбек компьютер лингвистикаси муаммолари ҳақида // Ўзбек тилшунослиги масалалари.-Самарқанд, 2004. - 17-22 б.
60. Йўлдошев Қ. «Алпомиш» талқинлари. –Тошкент: Маънавият, 2002. - 160 б.
61. Камилджанова Р.А. Модальные слова в современном узбекском языке: Автореф. дис... канд.фил.наук. -Ташкент, 1975.

62. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. -М.-Л., 1960. -с. 446.
63. Кононов А.Н. Грамматика узбекского языка. -Ташкент, 1948.- с.120.
64. Кононов А.Н. Послелогои в современном узбекском литературном языке. - Ташкент, 1951. -с.11.
65. Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого языка. -М. – Л., 1956.
66. Коклянова А.А. Послелогои и служебные имена в узбекском языке. Труды ИЯА АН , 1954.
67. Мадрахимов И.С. Ўзбек тилида сўзнинг серкирралиги ва уни таснифлаш асослари: Фил.фан.номз....дис.автореф. -Тошкент, 1994.
68. Махмуд Қошғарий. «Девони луғотит турк» 1-2-3-том.- Тошкент, 1963.
69. Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986. - № 6.- 31 б.
70. Матғозиев А. XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. – Тошкент: Фан, 1972.
71. Махмудов М.А. Разработка системы формального морфологического анализа тюркской словоформы (на материале азербайджанского языка): Автореф.дис... канд.фил.наук. -Баку, 1982.
72. Маъруфов З.М. Ўзбек тилида сифатнинг чоғиштирма даражаси // ЎзССРФА Тил ва адабиёт институти асарлари, -Тошкент, 1949. - 135 б.
73. Мирзада Х. Озарбайжон дилинин тарихи морфологияси. - Баку, 1962.
74. Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. - Тошкент, 1969.- 46 б.
75. Мирзаев Т. «Алпомиш» достони, унинг версия ва вариантлари // «Алпомиш» - ўзбек халқ қахрамонлик эпоси. - Тошкент: Фан, 1999.- 3-24 б.
76. Мураталиева Дж.М. Послелогои в киргизском языке: Автореф.дис... канд.фил.наук. - М., 1953.
77. Муродов М. Жанровые и идейно-художественные особенности дастанов «Гор-оглы»: Автореф.дис... док.фил.наук. - Ташкент, 1975.-с.76.



78. Мустаев К.Т. Поэтика и числовых знаков-символов в узбекском и французском героическом эпосах: Автореф.дис...канд.фил.наук. -Самарқанд, 1994.
79. Мухторов Дж. Союзы в современном узбекском языке: Автореф.дис...канд. фил.наук.- Самарқанд, 1953.
80. Мухторов Ж. Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчилар // А.Навоий номидаги ўзбек давлат университети асарлари. Янги серия 66.-Самарқанд, 1956.- 29-45 б.
81. Мухаммедов С. Ўзбек тилининг алфавитли-частотали луғати.-Тошкент: ФАН, 1980. -176 б.
82. Мухаммедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф.дис...канд.фил.наук. -Ташкент, 1980.
83. Мухаммедов С.А., Пиотровский Р.Г. Инженерная лингвистика и опыт системно-статистического исследования узбекских текстов. Ташкент: ФАН, 1986.- с.160.
84. Мухаммаджонов К. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси. -Тошкент:Фан, 1983.- 165 б.
85. Назаров К. Эгалик аффиксларининг - иси формаси ҳақида // ТошДУ илмий асарлари. Тошкент, 1962.-39 б.
86. Нарзиева М. Қон-қариндошлик номларининг компонент таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986.-№ 5.- 68 б.
87. Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 1995. –65 б.
88. Низомиддинова С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. - Тошкент, 1963. -33 б.
89. Нурмонов А. Ўзбек тилининг фонетик ўзгаришларида экономия принциплари: Фил.фан.номз.дис.автореф.-Тошкент, 1973.
90. Нурмонов А. Ўзбек тилида кўмакчили конструкциялар прессуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986.-№ 6.
91. Панкратьева А. Ўзбек ва рус тилларида ранг билдирувчи сўзлар нисбати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969.-№ 4.- 59-62 б.
92. Пардаев З.Н. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Фил.фан.номз.дис.автореф. -Самарқанд, 2004.
93. Пиотровский Р.Г., Бектаев К.Б., Пиотровская А.А. Математическая лингвистика. -М., 1977.
94. Пинхасов Я. Ҳозирги ўзбек адабий тилида модал сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1961.-№ 1.- 44 б.

95. Попов В.М. Ўзбек ва рус тилларини қиёсий ўрганишда статистик методни қўллаш // А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти асарлари, 1 китоб, «Ўзбек тили грамматикасидан материаллар», Тошкент, 1949.
96. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. -Тошкент: Ўқитувчи, 1996.- 47 б.
97. Ражабов Н. Ўзбек тилининг Ғарбий Самарқанд шевалари. Тошкент: Фан, 1977.
98. Рамазон К., Қаюмий Ҳ. Грамматика. Сарф, 1-қисм. – Тошкент, 1937.
99. Раҳимов А. Ўзбек халқ достонлари лексикасининг қиёсий-тарихий таҳлили: Фил.фан.номз...дис.автореф. -Самарқанд, 2002, 20 б.
100. Раҳимов У. –да юкламасининг семантик-грамматик хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили бўйича давлат таълим стандартларини жорий этиш масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Қўқон, 2003.- 132-136 б.
101. Раҳматуллаев Ш. Отларда негизлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971.-№ 1.- 22-30 б.
102. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида модал сўзлар. -Тошкент, 1963.
103. Раҳмонов У. Ҳам юкламасининг пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1993.- № 4.- 58 б.
104. Расулов Р. «На...на» юкламасининг мантиқий умумлашма ва мантиқий марказ билан муносабати // Ўзбек тили грамматик қурилиши. -Самарқанд, 1981, 56-60 б.
105. Расулов Р. Синтаксические связи между словами дастане «Алпамыш»: Автореф.дис...канд.фил.наук. -Ташкент, 1975.
106. Расулов Р. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик-грамматик хусусиятлари. -Тошкент: Фан, 1983. -109 б.
107. Ризаев С. Кибернетика ва тилшунослик.- Тошкент:Ўзбекистон, 1976.-16 б.
108. Ризаев С. Ҳозирги ўзбек адабий тили статистик методни ўрганишга доир // Ўзбек тили адабиёти, 1966.-№ 4.- 38 б.
109. Ризаев С. Ўзбек совет болалар адабиёти тилининг частотали луғати. -Тошкент: Фан, 1980.
110. Ризаев С. Болалар адабиётида сўз қўллашни статистик тадқиқ этиш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985.- № 5.- 44-47 б.

111. Рустамов А. Ўзбек тилидаги -ки (ким) боғловчисининг синтактик вазифаси // Ўрта Осиё давлат университети илмий асарлари. -Тошкент, 1957. 182-186 б.
112. Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кўмакчилар. - Тошкент, 1965. 132 б.
113. Рустамов Т. Соф кўмакчилар. -Ташкент: Фан, 1991, 124 б.
114. Рустамов Т. Учун кўмакчисининг семантик-грамматик хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1963.- № 2.- 29 б.
115. Рустамов Т. Ўзбек тилидаги билан ёрдамчиси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1962.- № 5.- 20 б.
116. Садриддинова М.З. Лексика узбекских пословиц и поговорок: Автореф.дис...канд.фил.наук.-Ташкент, 1985, -с.20.
117. Саидов С. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида модал сўзларнинг классификацияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963.- № 6.- 41 б.
118. Саримсоқов Б. Достонларда психологик тасвирнинг характери ҳақида баъзи мулоҳазалар // Пўлкан шоир. – Тошкент, 1976.
119. Собиров А.Ш. Ўзбек тили лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш: Фил.фан. докт...дис.автореф. -Тошкент, 2004.
120. Совет даврида ўзбек адабий тилининг таракқиёти. I том. - Тошкент, 1988.- 222 б.
121. Содикова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. -Тошкент: Фан. 1974.- 86 б.
122. Содикова М.С. Слова обозначающие цвет и окраску в узбекском языке: Автореф.дис...канд.фил.наук. -Ташкент, 1963.
123. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология. –Москва: Наука, 1988. -с.508.
124. Статистика казахского текста // Труды группы «Статистика-лингвистическое исследование и автоматизация». Вып.111. -Алма-Ата, 1973, с.-731.
125. Тошкент области ўзбек шевалари. Тошкент, -1976.
126. Турсунов С. Лексические особенности дастана «Алпамыш»: Автореф.дис...канд.фил.наук.-Ташкент, 1990.
127. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: Ўқитувчи, 1965.- 245 б.

128. Турсунов У. Ўзбек тилида сўнг кўмакчилар // ЎзДУ асарлари. Янги серия, 34.- Самарқанд, 1947.
129. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975.- 258 б.
130. Тўйчибоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сабаб муносабатини ифодалаган от бирикмалар синонимикаси // Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. -Тошкент, 1981.- 176 б.
131. Тўйчибоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик синонимика. – Тошкент: Фан, 1988.- 86 б.
132. Тўхлиев Б. «Қутадғу билик»да ранг рамзига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001.-№ 3.
133. Тўхтаева Қ. Аёллар нутқида қўлланган ибораларнинг услубий имкониятлари ҳақида // Услубшунос ликнинг долзарб муаммолари. -Самарқанд, 1999.- 120 б.
134. Узоқов Х. Ўзбек тилининг жанубий Фарғона шевалари: Фил.фан.номз... дис.авторреф. -Тошкент, 1965.
135. Усмонов И. Сўроқ юкламалари // Материалы XXIII научной конференции СамГУ. – Самарқанд, 1966.- 22-24 б.
136. Усмонов И. Юкламаларнинг лексик-грамматик белгилари // Ўзбек тилшунослиги ва умумий тилшунослик масалалари: СамДУ илмий асарлари. Янги серия № 305. – Самарқанд, 1975.- 66 б.
137. Усмонов И. Ўзбек тилида сўз-юкламалар // Ўзбек тили грамматик курилиши. - Самарқанд, 1981.- 85-88 б.
138. Усманов С. Гиппотологическая терминология современного узбекского языка: Автореф.дис...канд.фил.наук. - Ташкент, 1988.
139. Ходжамбердиев Т. Животноводческая лексика узбекского языка- (Приемущественно на материалах Ферганской долины): Автореф.дис... канд.фил.наук.-Ташкент, 1975.
140. Хусаинов М. Из опыта статистического анализа частотности употребления неологизмов в современном турецком литературном языке // Советская тюркология, Баку, 1981, вып.№ 4. – с.74-80.
141. Щербак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков (наречие, служебные слова, изобразительные слова). – Ленинград: Наука, 1987.- с.149.
142. Щербак А.М. Грамматика старо-узбекского языка. – М.-Л., 1962, с.-274.

143. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари.- Тошкент, 1962. -369 б.
144. Шоабдурахмонов Ш. Карлукское наречие узбекского языка.- Тошкент: Фан, 1983.- 190 б.
145. Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонининг бадиий тили ҳақида: Фил.фан.номз...дис.автореф.- Тошкент, 1949.
146. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар. - Тошкент, 1953.
147. Шодмонов Э.С. «Ҳа» сўзининг функционал-синтактик хусусияти ва стилистик синонимларига доир // Тилшунослик масалалари. -Тошкент, 1970.- 139 б.
148. Шомақсудов А., Расулов И., Кўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. -Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
149. Эгамов В.Самарқанд областининг Ғаллаорол шеваси. - Самарқанд, 1970.- 101 б.
150. Эгамбердиев Б. Кўмакчили конструкциялар билан ифодаланган кесимлар ҳақида // Тезисы докладов и сообщений научной конференции. – Қарши, 1966.- 34-37 б.
151. Элтазаров Ж.Д. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар. – Самарқанд: СамДУ, 1996.
152. Эрназаров Н.Г. Бириктирувчи боғловчилар синонимияси // Ўзбек тили грамматик қурилиши масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1985.- 71 б.
153. Юлдашева С.Н. Поэтика узбекского народного героического эпоса «Алпамыш»: Автореф.дис...канд.фил.наук. - Ташкент, 1984.
154. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. - Тошкент: Фан, 1972. -32 б.
155. Ўзбек тили грамматикаси. I том, Морфология, -Тошкент: Фан, 1975.
156. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.1-2-том, -М: Русский язык, 1981.
157. Ўзбек халқ шевалари морфологияси. -Тошкент:Фан, 1984.- 69 б.
158. Қурбонов Т. Эрназаров Н. Ёрдамчилар синонимияси// Ўзбек тили ва стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. – Самарқанд: СамДУ, 1984.
159. Кўнғуров Р. Ҳозирги ўзбек тилида ўзгармайдиган сўзлар. 1-2-қисм, -Самарқанд: СамДУ, 1980.

160. Қўнғуров Р. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. -Тошкент: Фан, 1966. –84 б.
161. Қўнғуров Р.К. Стилистика имени существительного в узбекском языке. -Ташкент, 1983.
162. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. - Тошкент: Фан, 1977.
163. Қўнғуров Р., Каримов С. Зулфия поэзиясининг луғати. Конкорданс. -Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
164. Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. 1-қисм. –Самарқанд, 1975. -236 б.
165. Қўнғуров Р.Қ. Қўмакчилар синонимиясига доир // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари: Илмий мақолалар тўплами. –Самарқанд: СамДУ, 1982.- 20-41 б.
166. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. –160 б.
167. Ғулом А. Ўзбек тилида келишиклар // Фанлар Академияси Ўзбекистон филиалининг асарлари, 2-серия, филология, 2 китоб. Тошкент:Фан, 1941. - 66 б.
168. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. - Тошкент, 1961.-172 б.
169. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тили морфологиясига кириш. - Тошкент, 1953.
170. Ғуломов А.Ғ. Ўзбек тилида сўз яшаш йўллари ҳақида // ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти асарлари. -Тошкент, 1949.- 47 б.
171. Ҳамдамов П. Ҳозирги ўзбек тилида нумеративлар. - Тошкент: Фан, 1983.
172. Ҳаққулов И. Яна қора ранг талқини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2001.-№ 3.- 17 б.
173. Ҳаққул И. Қора ранг муборак ранг // Занжирбанд шер қошида. -Тошкент, 1989.- 36-45 б.

### **Шартли қисқартмалар:**

Алп.- Алпомиш. -Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998.

О.- Орзигул. Достон. –Тошкент: Фан, 1956.

Ой.- Ойсулв. Достонлар. -Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.

Рав.- Равшан. Достон. –Тошкент: Фан, 1954.

Рус.- Рустамхон. -Тошкент: Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

ЎТИЛ- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., I, II том. 1981.


### **Статистик маълумотлардаги қисқартмалар:**

А. - Алпомиш. -Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 1998.


Р. - Равшан. Достон. –Тошкент: Фан, 1954.

i – сўз шакли

От сўзининг мазмуний гуруҳланиши 1 – илова







Достонлар матнида кўмакчиларнинг  
қиёсий статистик таҳлили

Кўмакчилар	Сўз шаклларининг қўлланиш частотаси		
	«Алпомиш» достони	«Равшан» достони	«Рустам» достони
Бери	25	3	13
Билан	363	153	127
Бўйи	1	1	-
Бўйлаб	7	1	1
Бошқа	11	16	4
Чин	2	-	-
Чун	3	-	1
Чук	2	1	1
Ичида	14	19	8
Ичидан	2	2	-
Ичига	11	2	3
Ичун	1	1	-
-ила	1	2	-
Илгари	20	4	9
Каби	5	-	-
Кай	7	1	-
Кетида	21	-	-
Кетидан	1	-	2
Кетига	1	-	-
Кей	2	-	1
Кейин	54	17	15
Кўра	1	2	1
Ман	110	25	15
Минан	1	-	-
Олдида	8	8	4
Олдидан	9	8	-
Олдига	38	18	9
Олдин	2	2	1
Ўртасига	3	-	3
Остида	21	7	11
Остидан	2	-	1
Остига	17	10	6
Қошида	7	-	5
Қошидан	2	-	-
Қошига	15	2	8
Сай	1	-	-
Сайин	1	-	-
Сўғин	1	-	-
Сўнг	36	20	10
Сўнгра	19	1	18
Томон	1	2	1
Учун	45	26	12
Устида	28	14	8
Устидан	26	13	3
Устига	69	18	11
Яраша	1	1	1
Ёнида	1	-	2
Ёнидан	1	-	2
Ёнига	1	1	2

**Достонлар матнида боғловчиларнинг қиёсий  
статистик таҳлили**

Боғловчилар	Сўз шаклларининг қўлланиш частотаси		
	«Алпомиш» достони	«Равшан» достони	«Рустам» достони
Агар	43	26	20
Балки	26	6	6
Билан	26	6	13
Дам	17	-	-
Деб	85	33	34
Гана	2	-	-
Ганада	-	-	1
Гар	2	-	-
Гоҳ	21	7	5
Гоҳида	1	-	-
Гоҳи	9	9	-
Ҳам	26	15	14
Ҳох	-	1	2
Ҳоҳи	8	-	4
Лекин	5	7	1
Магар	6	1	1
Ман	151	10	19
Ва	12	2	1
То	15	1	1
Ё	61	20	18
Ёки	1	1	1
Шунинг учун	2	3	-

**Достонлар матнида юкламаларнинг қиёсий  
статистик таҳлили**

Юкламалар	Сўз шаклларининг қўлланиш частотаси		
	«Алпомиш» достони	«Равшан» достони	«Рустам» достони
- а	10	18	5
-чи	38	15	-
-да	138	38	41
фақат	-	6	-
ҳам	627	33	121
-ку	41	11	8
-ми	496	174	86
-оқ	12	-	-
Қуруқ	-	1	2
Тағин	2	1	2
Тугул	1	3	4
Тугил	-	1	2
Тува	1	-	1
-у (-ю)	-	-	1
-я	2	-	-
-ё	3	-	-
-е	2	3	2
-ма	17	6	-

## Достонлар матнида модал сўзларнинг қиёсий статистик таҳлили

Модал сўзлар	Сўз шаклларининг қўлланиш частотаси		
	«Алпомиш»	«Равшан»	«Рустам»
Албатга	31	4	10
Аттанг	2	19	1
Авбаҳолам	2	-	-
Авваламбор	1	-	-
Балки	12	-	1
Даркор	44	1	10
Даставвал	1	-	-
Энди	12	45	10
Керак	7	5	2
Лозим	4	1	-
Мабода	2	1	-
Мабодо	4	1	-
Майли	2	-	-
Минг шукур	-	7	-
Рост	14	1	2
Рости	2	2	-
Шекилли	12	-	-
Шукур	7	-	-

## Достонлар матнида ундов сўзларнинг қиёсий статистик таҳлили

Ундов сўзлар	Сўз шаклларининг қўлланиш частотаси		
	«Алпомиш»	«Равшан»	«Рустам»
А	2	-	1
Аё	-	2	1
Балли	1	1	-
Дод	10	7	4
Э	3	40	6
Эй	9	4	4
Ҳа	2	32	2
Хала	7	-	-
Ҳай	-	22	-
Ҳайт	5	1	-
Ие	-	1	-
Ҳу	-	18	-
Ҳой	-	1	-
Ҳу-ху	-	1	-
Ҳув	-	3	-
Ў	-	1	-
Ўббо	2	1	-
Оббо	31	-	2
Оҳ	10	3	7
Оҳ-вой	7	-	2
Қур хайт	3	-	-
Так	3	-	-
Уҳ	2	4	-
Во	1	14	1
Вой	-	9	1
Вой-вой	-	4	-
Ё	-	2	-
Пўшт-пўшт	-	1	-

Достонлар матнида таклид сўзларнинг қиёсий  
статистик таҳлили

Таклид сўзлар	Сўз шакллари­нинг қўлланиш частотаси		
	«Алпомиш» достони	«Равшан» достони	«Рустам» достони
Чақ-чақ	-	2	-
Чу	9	13	1
Чув	5	-	1
Диркка-диркка	4	1	-
Ҳақ	2	-	1
Ҳақ-ҳақ	-	1	1
Ху-ху	-	1	-
Патир-патир	2	1	-
Пўш-пўш	-	1	-
Шарт	-	1	-
Шипа-шип	-	1	-
Шивир-шивир	-	1	1
Тапир-тупур	-	1	-
Таппа	2	-	1
Иҳ-иҳ	-	1	-
Ялт-юлт	-	1	-
Ярқ-юрқ	-	1	-

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-боб. Ўзбек халқ достонлари тилида умумий категориал маънога эга бўлган сўзларнинг лингвостатистик тадқиқи	
1.1. Достон тилида умумий категориал маънога эга бўлган сўзлар.....	9
1.2. От сўз туркуми .....	10
1.3. Сифат сўз туркуми .....	23
1.4. Олмош сўз туркуми .....	31
1.5. Сон сўз туркуми .....	37
1.6. Феъл сўз туркуми .....	49
1.7. Равиш сўз туркуми .....	53
Қисқача хулоса.....	55
II боб. Ўзбек халқ достонлари тилида умумий нокатегориал маънога эга бўлган сўзларнинг лингвостатистик тадқиқи	
2.1. Достонлар тилида ёрдамчи сўзлар туркуми.....	59
2.1.1. Кўмакчи сўз туркуми .....	60
2.1.2. Боғловчи сўз туркуми .....	76
2.1.3. Юклама сўз туркуми .....	83
2.2. Достонлар тилида алоҳида гуруҳни ташкил этувчи сўзлар...	96
2.2.1. Модал сўз туркуми .....	96
2.2.2. Ундов сўз туркуми .....	99
2.2.3. Тақлид сўз туркуми .....	104
Қисқача хулоса .....	110
Умумий хулосалар .....	112
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	114
Шартли қисқартмалар.....	125
Иловалар .....	126

**ДИЛБАР ЎРИНБОЕВА**

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ  
ДОСТОНЛАРИ ТИЛИНИНГ  
ЛИНГВОСТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ**

**Мухаррир**

**Г.Раҳимова**

**Мусахҳих**

**К.Умирова**

**Тех.муҳаррир**

**О.Арнст**

\_\_\_\_\_.\_\_\_\_\_.2009 йилда босишга рухсат этилди.  
№ \_\_\_\_ буюртма 8,5 босма табақ,  
ҳажми 60x84 1,16. Адади 100 нусха

---

**СамДУ босмахонасида чоп этилди.  
140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.**